



گلستان
ГУЛИСТОН
1
1991



«Қўқон минори» — ёш дарбозлар группаси.
Сураткаш Р. Нуриноев



БОЛАЛАР
КЕЛЖИЧИС
МЕХР
ШАҒҚАТЛИ
БҒАЙЛИК



Ўзбекистон жумҳурияти Президенти ўртоқ И. А. Каримов халқ ноиблари даврасида.



ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

*Ўртоқ Ш. Р. Мирсаидовни
Ўзбекистон ССЖ вице-президенти этиб тайинлаш
тўғрисида*

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасига айлантирилиши муносабати билан ва Ўзбекистон ССЖ Конституцияси (Асосий Қонун)нинг 102-моддаси 8-бандига биноан ўртоқ Шукурулло Раҳматович Мирсаидов Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг Раиси вазифасидан озод қилиниб, Ўзбекистон ССЖ Вице-Президенти этиб тайинлансин.

*Ўзбекистон Совет Социалистик
Жумҳуриятининг Президенти И. КАРИМОВ*

Тошкент шаҳри, 1990 йил, 1 ноябр





№ 1 (491)
ЯНВАР
(Далв)
1991

Ойнома 1925 йилдан
чиқа бошлаган
Ўзбекистон Компартияси
Марказий Қўмитасининг
нашриёти

Бош муҳаррир:
МИРМУҲСИН

Таҳрир ҳайъати:

Б. АМИНОВ,
С. АЗИМОВ,
Х. ДАВРОН,
Н. ИБРОҲИМОВ,
Ҳ. ЗИЕЕВ,
ШУКРУЛЛО
И. СУЛАЙМОН,
Д. ҒУЛОМОВА,
Ў. МИРЗАЕР
(масъул котиб),
Э. МУҲАММАД,
А. КАРИМ,
С. УСМОНОВ,
А. ҚАЮМОВ,
О. ҲУСАН
(бош муҳаррир
ўринбосари).

Бош мусаввир
М. Абдуллаев.
Саҳифаловчи
Б. Тўхтабоев.
Мусахҳих
Ҳ. Абдиев.

Манзилгоҳимиз:
Тошкент — П, 700000, «Правда»
газетаси кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош муҳар-
рир — 33-35-20; бош муҳаррир
ўринбосари — 33-35-90; масъул
котиб — 32-58-33; ижтимоий-сиё-
сий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва
санъат, фан ва маданият бўлимла-
ри — 33-36-59; мусаввирлар бўли-
ми — 32-58-77.



Бухоро зардузлари неча асрларки ўз маҳоратлари билан элни сеҳрлаб келмоқда.
Суратда (чапдан ўнгга): чеварлардан Ҳайитхон Янгиева, Дило-
ром Муборақова, Шоира Абдуллаева ва Шарофат Тўлиевалар
кашталарга жило бераётган пайт.

Сураткаш Б. Юсупов (ЎзТАГ)

БУ СОНДА:

Халқ оғзаки ижоди

Фозил ИҲЛДОШ ўғли

Йилқичинда ўзи келган синлидир,
Товушқон туёқли, марол беллидир.
Аросат кунда ажаб қоллидир,
Қимматбаҳо экан ўзбекнинг оти.



Жонмурод ўғли ПУЛКАН

Юрт қадрини шоҳлар билмас,
Тилло тахтдан тушмагунча,
Эл қадрини беклар билмас,
Бошқа элга ошмагунча.

Эргаш ЖУМАНБУЛБУЛ ўғли.

Районим Нурота, тоғлар ораси,
Отим Эргаш, Жуманбулбул боласи.
Қаридимми, десам кўнглим қоласи,
Тобора ортади ёшлик ҳаваси,
Тошкент деган юртни кўргани келдим.

Ислон шоир НАЗАР ўғли

Куйган қулга кенг мамлакат тор экан,
Адашганлар бир-бирига зор экан,
Ҳамма жойда йўқ деб қелди хабаринг
Шукур, сени кўрар куним бор экан.

ИНТИЗОМ ВА

АДОЛАТ

Орзу қилинган, жамиятни ошкоралик ва демократия асосида барпо қилиш сиёсати ярим асрдан кўпроқ муддат илдиз отган маъмурий-буйруқбозлик, бошбошдоқлик таъсирига тушиб, қайта қуришнинг олтинчи йилида ҳолсизлана бошлаганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Тараққиёт ғилдирагининг олға босишига ғов бўлиб турган интизомсизлик бугун сиёсий кўриниш олди, мамлакат миқёсида иқтисодий-сиёсий таназзулнинг чуқурлашувига, миллий муносабатларнинг кескинлашувига олиб келди.

Ана шундай алғов-далғов замонда арининг уясини кўзгаб қочиш, бир миллатни иккинчисига қарши қўйиш ҳоллари бўлмақда, баъзан билиб-билмай, баъзан атайин содир этилаяттики, бундай бошбошдоқлик ҳатто марказий матбуот воситалари орқали оммалаштирилаётгани кўпчиликни ташвишга соляпти. Ўзбекистон ҳақида, унинг халқлари ҳақида тўхматлар уюштириб, маломатлар ёйишаётган баъзи бўҳтончилар телекўрсатувлар, кўп серияли кинофилмлар орқали оммани дарғазаб қиляптилар. Лекин бундай ифвогарларни топиша олмаётми, аниқроғи уларнинг жоловини тортиб кўядиган кишининг ўзи топилмаяпти. Ўзбекистон жумҳурияти Президенти ўртоқ Исом Каримовнинг ССЖИ халқ депутатларининг тўртинчи съездида сўзга чиқиб, бу ҳақда ўз фикрини рўй-роист айтганлигини қўллаб қувватлаш керак. Ҳукуматимиз раҳбари Марказга ёқиш йўлидан бормади, халқ манфаатини кўзлаб жуда тўғри қилди.

Фарғонада, Душанбеда, Уш вилоятларида келтириб чиқарилган тартибсизликлардан тортиб, пешона теринг билан етиштирилган помидорнинг нарх-навосигача эгри мақсадларни тарғиб қилишга қаратилаётгани бусиз ҳам чирсиллаб турган миллатлар орасидаги муносабатларни чигаллаштириб қўйди.

Очигини айтадиган бўлсак, қозда тенг бўлиб, амалда камситилаётган — бизнинг халқимиздир. Бирор кун йўқки, марказ матбуотларида Ўзбекистон жумҳурияти ҳақида салбий, миллий ғурурни поймол қиладиган, ҳеч бўлмаганда калака қиладиган уйдирмалар чоп этилмаётган бўлса. Энг ачинарлиси шундаки, бундай руҳдаги маълумотлар айнан «Труд», «Лите-

ратурная газета», «Огонёк» журнали каби нуфузли матбуот саҳифаларида эълон қилинапти.

Мана, ўлкамизда яқин кунларда ҳам йўқ нарса деб жар солинган афсонавий беш миллион тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этилди. Халқимиз ўз қудратини, ҳалоллигини, боқиманда эмаслигини яна бир марта амалда исботлади. Аммо ноҳолисликни қаранг, бу ҳақда бирор марказий матбуот саҳифасида танти сўз айтилмади. Яна бир мисол: Ўзбекистоннинг «Пахтакор» футбол командаси қарийб мудҳиш фалокатдан сўнг, ўн йилдан кейин Мамлакат Олий қизигига қайта кўтарилди. Қувончимиз чексиз эди. Марказий матбуот саҳифаларида «Пахтакор»дан кейинги учинчи команданинг номи қайд этилди-ю, пахтакорчиларники тилга олинмади. Шунга ҳам ота гўри-қозихонами? Қачонгача марказий матбуотдаги фикрлар биз учун қонун бўлиши керак, дейишлари мумкин. Гап бу ерда бир оғиз сўз устида кетаётгани йўқ. Нотантилик, фирромлик, воқеликнинг бузиб кўрсатилиши ҳақида кетаяпти. Ахир жумҳуриятимиз ҳақида чоп этилаётган, битта калтафаҳм мухбирнинг фикри бутун мамлакат бўйлаб ёйилишини, уни миллионлаб аҳоли ўқишини, Ўзбекистон ва ўзбекистонликлар ҳақида тўхмат-бўҳтонларни ҳақиқат деб тушунишларини тасаввур қилиб кўринг. Мамлакатда ҳукм сураётган ялпи бошбошдоқлик туфайли ошкоралик эгри мақсадлар қурбони бўляпти.

Мазкур қайдлар ўз зуҳурини топаётган пайтда «Литературная газета»нинг 1990 йил, 10 октябр сониде А. Шелихова исмли бир кимсанинг ғалати хабари эълон қилинди. Нима эмиш, мамлакатнинг қатор марказий шаҳарларида озиқ-овқат масаласи жуда танг аҳволда эмишу Тошкентда бу муаммо йўқ эмиш. Ош-нон, озиқ-овқат арзон, ҳатто ароқ пештахталарда чанг босиб ётганмиш... Бу билан мухбир текинтомоқ, ароқхўрларга, ишламай нон ейишга ўрганиб қолган боқимандаларга, Тошкентга бораверинглар, у ерда кўча-кўйда, ўриндиқларда, вокзалларда тунасангиз ҳам очингиздан ўлмайсизлар, деб йўл кўрсатаёптими? Бусиз ҳам кўча-кўйда киссавурлик, жиноятчилик, фоҳишабозлик авж олиб кетди-ку!

Уруш давридаги қаҳатчиликларни эсланг — оч-яланғоч, етим-есирларни бағрига олган, кўчириб келтирилган саноат корхоналари ишчиларига уйининг тўрини, ошининг иссиғини, нонини аямаган халқни калака қилиш, менсимаслик, бутун дунёга донғи «Тошкент нон» шаҳри бўлиб ёйилган шаҳарга хиёнат эмасми?

Ўзбек халқи бошидан кечган кўргиликларнинг чеки, чегараси йўқ. Эҳтимол ана шу оғир-енгил ҳаёт халқимизни мулоҳазакор, етти ўлчаб бир кесадиган қилиб қўйган бўлса ажаб эмас. Уша — мамлакат учун оғир бўлиб турган бир паллада халқимиз уруғ-аймоғи билан кўчириб юборилган қримтатар биродарларни, корейсларни, украин ва белорусларни ва ҳоказо минглаб-миллионлаб юраги зада, халқларни ўз бағрига олиб, дардига шерик бўлган қалби дарё халқдир. Мана шу эҳтиромни ўз ўрнига қўяётганлар ҳам бор. Сталин қатағони қурбони бўлган қримтатар биродарларимизнинг бошига тушган қисмат ҳаммага маълум. Бугунги кунда улар она Ватан жамолига мушарраф бўлаяптилар. Бир-биримиз билан эту тирноққа айланган бу доно ва мардона халқ бағримиздан кўчиб кетаётми, оғаларча ҳурмат бажо келтираяпти. Борар йўллари чароғон бўлсин, кўрган-кечирган андухлари шу бўлсин. Бундан буён ҳам кўрмасинлар. Ниятлари йўлдош бўлсин, деймиз.

Шелихованинг мақоласини ўқиб ўтириб, шулар ҳақида хаёл қилдим. Ҳўш, Ўзбекистонда озиқ-овқат мўл бўлса, уни биров осмондан ташлаб турипти-ю, Шелиховага оз қолаяптими? Агар унинг таъбири жоиз бўлса, шу йил Москва остоналаридан тортиб, Русиянинг бепоён ғаллазорларигача ҳосил мўл бўлди, картошклар йиғиштириб олинмасдан чириб, сасиб кетди-ку. Қани уларни ўз вақтида йиғиштириб, қиммат бозорни арзонлаштирадиган меҳнатсевар қўл, қани ўша бепоён далаларда чорвачиликни ривожлантириб, бозорларни, бўшаб ётган пештахталарни гўшт ва гўшт маҳсулотларига тўлдириб ташлайдиган тадбиркор қалла?

Мақола муаллифида униси ҳам, буниси ҳам йўқ кўринади. Акс ҳолда шулар ҳақида ёзиб, қавмларини эзгуликка хизмат қилдирмасдими.

Суяксиз тил ва йўғон томоқнинг кўйига тушганлар фақат Шелихова эмас экан. Қитмирликнинг йўли кўп. Айтмасдан туриб ҳам мақсадга етиш мумкин. Ишора қилсанг бас. «Известия» газетасининг 1990 йил, 1 ноябр сони С. Мостовшиковнинг «Томоқ ҳақида ўйлар» («Мисли о еде») мақоласи эълон қилинди. Муаллиф Москва, Минск, Ленинград шаҳарларидаги аҳволни Тошкент, Олмаота, Ашхобод шаҳарлари билан солиштиради ва шу йўл билан Шелихованинг фикрини ўз кўпригидан ўтказиб олади.

Хуллас, Москвада бир кило гўшт — 18—20 сўм, Тошкентда 8 сўм, чўчка гўшти у ерда 18 сўм — 30 сўм, бу ерда атиги 4 сўм ва ҳоказолар... Фақат Мостовшиков Тошкентнинг қайси бозоридан харид қилганини айтмапти, холос. Соғлом фикрли одам қосанинг остидеги ним қосада қандай бўтқа борлигини англаб олади.

Хуллас, орзиқиб кутилган демократия шу тарзда сопқонга айлантирилди.

Ошкоралик — бошбошдоқлик, эгасизлик, интизомсизлик, дегани эмас. Жамиятда эркин фикрнинг кучини ҳамма баробар англаб етишидан манфаат кўрмайдиган гуруҳлар бир пайтлардагидек ишласдан нон ейишни, енгил-елпи йўллар билан, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юриб, кун кечиришни жуда-жуда кўмсайдиган кимсалар ўзлигини таний бошлаган халқлар орасида текинтомоқликка ўрин йўқлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб бораётганидан аламзада. Ўзбекистон халқ депутатларининг III олий анжуманида «Труд» газетасида эълон қилинган Васильев деган кимсанинг бўҳтондан иборат фикрлари фош қилинди ва қорланди.

Фақат шулар эмас. Талайгина дастаклар ҳам борки, уларнинг кўпайиши муаллифларнинг қабиҳлигини ошкор этади, холос. Жамиятни қайта қуриш шубҳасиз аёвсиз курашлар, фикрлар қарама-қаршилиги орқали амалга ошади. Лекин мана шу курашлардан халқни эсон-омон ўтказиш, унинг ўзлигини сақлаб қолиш, қон тўкилишига йўл қўймаслик бош масала. Бунинг учун жамиятнинг соғлом бўғинлари орасида — қайта қуришнинг тақдири ҳал қилинадиган жойларда, меҳнат корхоналарида, омма орасида бир-бирларига бўл-

ган муносабатларни яхшилаш, одамийлик фазилатларини сақлаб қолиш, меҳр-мурувват, интизом масалаларини мустаҳкамлаш ҳақида қайғуриш керак. Афсуски, жамиятда кечаётган воқеа-ҳодисаларнинг тўфони жумҳуриятимиз аҳолиси орасида ҳам кучайиб, инсоний фазилатларимизга ўзининг нопок гардини юқтираяпти. Кишиларимизнинг ботиний маданиятини пароканда қилаяпти. Кексаларга ҳурмат кўрсатмасликдек қабиҳлик авж олди. Ошкоралик ниқоби остида гуруҳбозлик, тўрачилик кайфиятлари юзага келаяпти. Бугун турмуш тақозоси билан бирор идорага бориб иш битказолмайсиз, савдо шохбчалари хизмати қониқарли эмас, жиноятчилик авж олган, аҳоли бундай ижтимоий адолатсизликдан муҳофаза қилинмаган. Тошкент шаҳрининг истаган уй-жой фондидан фойдаланиш идораларига бош суқиб кўринг, йиллар ўтса ҳамки томингиздан ўтадиган чакани тўхтатолмайсиз ёки жўмрагингиздан оқмаётган сувни оқизолмайсиз. Ё бўлмаса, кўп қаватли уйларнинг ертўлаларида пайдо бўлган сассиқ «кўл»ни қуритолмайсиз. Қуйи идорадан то коммунал хизмати кўрсатиш вазирлигигача ўз ҳисобингиздан таътилга чиқиб, зув қатнаганингиз билан бирор иш чиқиши қийин. Икки дунёда ҳам Тошкент ёки бошқа марказий шаҳарлардаги аҳолига темир йўл ё бўлмаса аэрофлот хизмати кўрсатиш ишларини яхшилашга қурбимиз етмайди. Жойлардаги суд, прокуратура идораларида, шифоналарда ва бошқа маиший хизмат, ишлаб чиқариш, қурилиш, автокорхоналарда, завод ва фабрика бошқармаларида, ноҳия ва вилоят ижроия қўмиталарида ва ҳоказо давр ғилдирагини олға босириш ўз қўлларида бўлган ташкилотларга бирор масалада мурожаат қилиб мушқулингиз осон бўлмайди.

Нега? Нима учун мункиллаган отахон ёки онахонлар соатлаб маъмурий ишхоналар — хусусан тўлов кассалари, алоқа бўлимлари, поликлиника, вокзаллар, аэрофлот кассалари, савдо дўконлари қаршида ўз қонибаларини беминнат ола олмайдилар?! Бунга мисоллар жуда кўп.

Жумҳуриятимиз аҳолиси орасида юзага келган бошбошдоқликдан норозилик кайфиятлари қайд этилган мактублар, аризалар, сони кўпайиб кетаяпти. Сабаби маълум, мутасаддилар масъулиятсиз, ходимлар интизомсиз. Улар ошкораликни суинистезмол қилиб, яъни «демократик йўл» билан «қуйининг таклифи» билан мансаб курсисини истило қилган кимсалардир. Ҳозир баъзи мансабпарастлар «қуйининг» ҳассасига суяниб иш туттишга уста бўлиб кетганларки, эътироз билдирсангиз: «Мени халқнинг ўзи сайлаган», деб оғзингизга уради.

Мақсадимиз турмушимизда ошкораликни қарор топдириш, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш экан, аввало ИНТИЗОМни қонуний йўллар билан мустаҳкамлашимиз керак. Тинч ишлаш, фаровон турмуш кечириш, хавотирсиз яшаш тадориқларини белгилашга эришишимиз керак ва у жамиятни қайта қуришнинг бош масаласи бўлиши лозим.

Ўқтам МИРЗАЁР,
журналист

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ



Бозор иқтисодиёти эртанги кунимизнинг яхшилануви учун асосий омил эканлиги аён бўлиб турибди. Бозор иқтисодиётига ўтиш муқаррар экан, у ҳақда муштарийларимизга янада батафсилроқ маълумот беришни мақбул кўрдик. Мухбиримиз иқтисод фанлари доктори, жумҳурият Қомуслар Бош тахририяти бош муҳаррири Нурислому ТУХЛИЕВ билан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида келиб чиқадиган муаммолар, уларни қандай бартараф этиш йўллари борасида суҳбат қурди.

УМИДВОР ЭРТА

МУХБИР: Нурислому ака, бозор иқтисодиётига ўтиш жамиятимизнинг турли қатламларида қизғин муҳокама қилинмоқда. Бозор муносабатлари ёхуд эркин бозор иқтисодиёти тўғрисида фуқароларнинг тасаввурлари ҳали анча мавҳум. Шу борадаги фикрларингизни муштарийларимизга етказсангиз.

Н. Т. — Халқимизда: «Ҳолва деган билан оғиз чучимади», деган нақл бор. Бозор, бозор деб кўп гапираяпмиз, шов-шув, ваҳима кўп-у, аммо бозорнинг ўзи йўқ. Бозор чуқур ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлиб, ўз қонуниятларига эга, у қарийб 30 минг йиллик тараққиётнинг маҳсули.

Хўжалик фаолияти, соҳибкорлик, тадбиркорлик ва ишлаб чиқаришнинг ташкил қилувчиларга юқори даражада эркинлик бермасдан, хўжалик ташкилотларининг, корхона эгаларининг, барча меҳнаткашларнинг иқтисодий фаолият натижалари учун масъулиятини оширмасдан, ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатга йўл очмасдан, давлатнинг тўғридан-тўғри хўжалик фаолиятига аралашувига барҳам бермасдан, мулк плюрализмига, шу жумладан ижтимоий мулкнинг айрим шакллари хусусийлаштирмасдан, баҳоларнинг асосан эркин шаклланишига эришмасдан, ишлаб чиқаришдаги давлат монополияси даражасини пасайтирмасдан иқтисодиётнинг очиқлигини таъминлаб, миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик системаси билан боғламасдан ва бошқа зарур шарт-шароитларни ҳозирламасдан туриб, меъёрдаги бозор муносабатларига ўтиб бўлмайди.

Қани айтинг-чи, ўтган давр ичида юқорида саналган бозор омилларидан қайси бири тез суръатларда ривожланиб бормоқда?

Бозор иқтисодиётига ўтиш кўп жойларда ҳозирча оқсаётган экан, демак унинг ўзига хос қийинчиликлари ва маълум даражада муҳолифлари бор. Қийинчилик шундан иборатки, ҳозирги авлод бозор муносабатлари шароитида яшаб кўргани йўқ. Улар маъмурий-буйруқбозлик машинаси (системаси деб айта олмайман, чунки система анча етук, ўзини-ўзи бошқарадиган, тўла қарор топган организм) доирасида бевосита унинг таъсирида шаклланган. Ана шунинг учун ҳам бозор ёки биз эришиб бўлмайдиган мураккаб, капитализмнинг ажралмас қисми сифатида, айрим ҳолларда эса бозор шундай содда тасаввур қилинадикки, уни Олой ёки Қўйлиқ бозоридан мутлақо фарқи қолмайди. Ёрдамчи унсурларсиз, инфраструктурасиз бозор ҳозирги замон бозори эмас. Биржаларни бозорнинг сеvimли фарзандлари дейишади. Бу бежиз эмас, биржа (бозор) қимматбаҳо қоғозлар, ишчи кучи, ҳаракатсиз ёки ҳаракатдаги капиталлар сотиладиган ёки сотиб олинадиган марказдир. Шунга қараб валюта, меҳнат, фондлар ҳамда бошқа биржа турлари мавжуд. Гап мураккаб ҳозирги замон техникаси билан жиҳозланган система устида бормоқда. Масалан, Нью-Йоркдаги Фондлар биржасида бир кунда 160 миллион долларлик қийматга тенг акциялар қўлдан-қўлга ўтади. АҚШда биржалар буйича махсус комиссия бўлиб, унда 1,5—2 минг киши ишлайди. Биржалар фаолиятининг назорати Японияда молия вазирлигига юклатилган. Ҳозирги пайтда биржаларга хизмат кўрсатадиган алоҳида ташкилотлар ҳам таркиб топмоқда. Алоқа канали, маълумотлар банки, ахборот ва реклама тармоқлари, қимматбаҳо қоғозларни сақлаш юмушини бажара-

диган компаниялар шулар жумласига киради. Биржасиз бозор иқтисодиёти, махсус ёрдамчисиз, хизматларсиз эса биржанинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Табиийки, бунда меҳнат, акция ва фонд марказларини, ўзларининг махсус хизмат кўрсатиш соҳалари билан биргаликда яратиш бир ҳафтада, бир ойда, ҳатто бир йилда бўладиган юмуш эмас. Бу марказларда ишлайдиган махсус тайёргарликка эга мутахассислар тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади.

Бозор муҳолифларига келадиган бўлсак, бу бор гап. Маъмурий-буйруқбозлик машинасига мослашиб, қулай имтиёзларни қўлга киритган раҳбар ва аппаратчилар оз эмас. Текисчиликдан манфаатдор ўртамиёна ақл-заковатга, қобилиятга эга кишилар ҳам анчагина. Бу тоифадагилар бозорга ўтсак капитализмга қайтиш бўлади, нархнаволар ошиб кетади ва ишсизлик кенгайди, деб қўрқитилган омма билан иттифоқда ана шундай муҳолифлар гуруҳини ташкил қилмоқда.

Биз бозорга айрим раҳбар ёки олимнинг инжиқлиги туфайли эмас, балки ҳодисаларнинг табиий ривожини орқали бормоқдамиз. Қашшоқлик даражасининг кенгайиши, инфляциянинг ўсиши, молия-кредит соҳасидаги чуқур инқирозлар бозор механизмига ўтишни муқаррар қилиб қўймоқда. Ботқоқлик томон кетишнинг олдини олишда бозор механизмидан самаралироқ чора сезилмаяпти. Бизда кўплаб иқтисодий ислохотлар ўтказилди: илк бора Н. Хрущёв, А. Косигин ва 1979 йилги ислохотларни бир эслайлик. Ниҳоят, бундан бир йил муқаддам Н. Рижков иқтисодиётни соғломлаштириш дастурини таклиф қилиб, уни СССР халқ депутатлари сессияси қабул

қилган эди. Афсуски, мазкур ислохотларнинг биронтаси ҳам ўз ниҳоясига етмади. Жамият пойдевори бўлган мулк муносабатларида ҳамда мафкурада кескин ўзгаришлар ясамасдан туриб, ҳеч бир ислохотни охиригача етказиш мумкин эмас экан.

М: — Бозор муносабатлари бусиз ҳам халқнинг чарсиллаб турган асабига таъсир қилмайдими? Ахир нарх-навонинг кескин кўтарилиши ҳақида қанча миш-мишлар бўлапти?

Н. Т.: — Бозор биз учун пировард мақсад эмас, балки иқтисодиётни оёққа турғазиш, молиявий аҳволимизни соғломлаштиришнинг беқиёс воситасидир. Агар бозорсиз ҳам иқтисодимизни соғломлаштириб, турмушимизни фаровон қилиш мумкин бўлганда бозорга ўтишнинг ҳожати йўқ эди. Нарх-наволарнинг ошувига келсак, биз истаймизми, йўқми барибир улар ўзгариши керак. Чунки бизда баҳоларнинг ғайри табиий турганлиги, унда ижтимоий зарурий меҳнат харажатларини тўлиқ акс этмаслиги кўпчиликка сир эмас. Бозор шароитида баҳолар давлат назоратидан чиқиб, асосан талаб ва таклиф ҳамда қиймат қонунлари замида шаклланиши керак. Баҳолар борган сари товарни ишлаб чиқаришга кетган ижтимоий зарурий меҳнат миқдорини ўзида акс эттириши зарур.

Табиийки, бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида айрим товарлар гуруҳининг баҳоси кескин ошади, айрим товарлар баҳоси ҳозирги даражада қолади. Ҳатто баъзи бирлари ҳозиргидан ҳам паст баҳода бўлиши мумкин. Баҳолар даражасининг умумий пасайиши эса, мўл-кўл истеъмол бозори вужудга келтирилгандан кейин рақобат асосида юз беради. Баҳоларнинг ошуви нима учун керак? У ишлаб чиқарувчини рағбатлантириш, истеъмол бозорини мўл-кўл таъминлаш учун керак. Биз эса ҳозирча чакана баҳоларни ошириш билан машғулмиз. 1990 йилнинг 15 ноябидан оширилган баҳолар фақат халқ истеъмоли баҳоларига тааллуқли. Бу ишлаб чиқарувчини рағбатлантируви амри маҳол. У халқнинг қўлидаги товар билан таъминланмаган пулларни йиғиштириб олиш мақсадига кўпроқ хизмат қилади. Дўкон пештахталарининг тўлиб туриши, улар олдидаги шармандали турна қатор навбатларни тугатиш учун чакана баҳоларга эрк беришнинг ўзи кифоя эмас. Агар моддий ишлаб чиқаришда (албатта баҳолар ёрдамида) инқилобий ўзгариш бўлмас экан, истеъмол бозорининг қашшоқлиги илгаригича қолаверади. Чет эл моллари бир кун туради, икки кун туради кейин дўконлар пештахтаси яна бўшаб қолади, яна узундан-узун навбатлар, олибсатарлик, асаббузарлик.

М: — Бозор иқтисодиётига ўтишдаги мамлакатимиз ва айниқса жумҳуриятимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида кўпроқ гапириლაётир...

Н. Т.: — Сўзсиз умумий қонуниятлардан ташқари ўзимизга хос хусусиятлар бор. Югославия, Венгрияда иқтисодий ислохотнинг дастлабки беш йилида сезиларли жишлар бўлган эди. Аҳоли кўп жиҳатдан истеъмол моллари, озиқ-овқат билан таъминланган эди. Инфляция билан улар ислохотнинг ке-

йинги босқичида дуч келди. Бир йил ичида поляк злотихи инфляцияси тўхтатилди: 78 фоиздан 1,8 фоизга туширилди. Бюджет тақчиллигини молиялаштириш учун ортиқча пул чиқариш кескин сусайиб, биринчи марта ички бозорда доллар ўз қийматини йўқота бошлади. Бунда миллий валютанинг конвертирланганлиги муҳим роль ўйнади. Бизда эса иқтисодий ислохот бошлангандан бери нуқул орқага кетаяпмиз. Шуни ҳам айтиш керакки, юқоридаги давлатларда бозор аънаналари бизга қараганда кўпроқ сақланиб қолган эди. Ва ниҳоят Польшада, халқ ҳали ҳукуматни қўллаб турган вазиятда бозорга ўтилаётир. Биз 1985 йил апрелидан бозор муносабатларига ўта бошлашимиз керак эди. Ҳозирги ҳукумат халқ олдида ўз обрўсини анча кетказиб қўйди. Эндиликда биз ўз хусусиятларимиздан келиб чиқиб ўзимизга мос бозор турини ва унга олиб борадиган йўлни танлашимиз лозим.

Шартли равишда бозорнинг икки турини бир-бирдан фарқлаш мумкин. Биринчиси, америконча типдаги бўлиб, унда давлатнинг иқтисодий роли энг паст даражага туширилади. Масалан, Гонконгда давлат атиги учта вазифа билан

шуғулланади: 1) барқарорлиқни, қонун олдида мамлакат барча фуқароларининг тенглигини таъминлаш; 2) инфраструктурани ривожлантириш йўли билан бизнес ва соҳибкорлик фаолиятларига юксак даражада шароит ҳозирлаш; 3) ўзи тўғрисида ғамхўрлик қилолмайдиган фуқаролар ҳақида қайғуриш.

Бу йўл бозорга ўтишнинг кескин, шиддатли йўли бўлиб корхоналарнинг зарар келтириб ишлашини, дотацияларни тан олмайди. Бу йўл бир қарашда анча мафтункор бўлиб туюлса-да, аммо халқни, асосан унинг кам таъминланган табақаларини бир мунча уринтириб қўяди.

Иккинчи бозор Ғарбий Оврупо типдаги бозор бўлиб, нисбатан кучли, давлат ва ижтимоий назоратни тақозо қилади. Иккинчи йўл бизга анча қўл келган бўларди. Негаки бизда бозор унсурлари шаклланмаган, бозор аънаналари бир неча авлодлар онгидан мутлақо чиқариб юборилган. Қолаверса, аҳолининг кам таъминланган қатламлари сон жиҳатдан анчагина. Масалан, жумҳуриятимизнинг 40 фоиздан зиёд фуқаросини ўн олти ёшгача бўлганлар ташкил этади. Лекин бу йўл узок давом этадиган, бозорга ўтишнинг, бюджетни мус-

таҳкамлашнинг истеъмол бозорини яхшилашнинг нисбатан аста-секин йўли.

Аммо хавфли томони шуки, иккинчи вариантни рўқач қилиб, амалда бозорга ўтишни кечиктириш, маъмурий-буйруқбозликка асосланган марказий бошқарувнинг юзасини таъмирлаб, мазмунан сақлаб қолиш кайфиятлари мавжуд. Акс ҳолда ёқилғи-энергетика ресурсларига, машинасозлик маҳсулотларига, энергетика ва тўқимачилик ускуналарига нарх белгилаш марказ ихтиёрида қолдирилгангани қандай изоҳлаш мумкин? Харид нархлари бўйича ҳам аҳвол шу тартибда. Ғалла экинларининг асосий турлари, пахта, қанд лавлаги, кунгабоқар, гўшт, сут, чой, жун ва тамакига ҳам нарх иттифоқ даражасида белгиланиши давом этмоқда. Жумҳуриятларнинг ихтиёрида нима қолади унда? Агар бошқариладиган бозор ниқоби остида асосий нарх-наволар марказ орқали бичиладиган бўлса, бу энди бозор эмас.

Бозор маъмурий ўрнатиладиган баҳолар орқали эмас, балки табақалашган солиқлар орқали бошқарилади. Халққа энг зарурий моллар ишлаб чиқарадиган, жамғарма берадиган, даромаднинг асосий қисмини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфлайдиган корхоналар, айниқса майда корхоналар ўз фаолиятининг дастлабки босқичида ёки маълум муддатгача солиқлардан озод қилиниши мумкин. Меҳнат жамоалари, соҳибкорлар қанча осон даромад олсалар, бюджетга шунча кўп солиқ тўлайдилар. Бу ғарбда оддий ҳодиса.

М: — Бозор иқтисодининг кўпроқ иқтисодий томонлари ҳақида гаплашмаяпмиз, пул, бизнес — булар ҳаммани бугунгидан баттар елиб-югуришга, яъни одамларни янада ҳиссиз роботларга айлантириб қўймайдими?

Н. Т.: — Фикрингизни тушундим. Бозор муносабатларига ўтиш билан капитализмни тиклаш хавфи кучаяётганидан ташвишланаётганлар ҳам озчилик эмас. Чехословакия, Венгрия, Польша каби Шарқий Оврупо мамлакатларида рекапитализация анча жадал бораёпти. Аммо бу мамлакатлардан, айниқса бизнинг мамлакатимиздан капитализмгача масофа ҳали анча узок. Қолаверса, ўша капитализмни ҳам қуриш керак. У 2—3 асрлик эволюцион тараққиёт маҳсули. Бироқ ҳозир гап капитализмга ўтиш ёки ўтмаслик устида эмас, балки самаралироқ иқтисодиётни барпо қилиш, халқнинг турмуш даражасини яхшилаш устида бормоғи керак. Бозор механизмининг қудрати шундаки, у қобилиятларни, истеъодларни тўла рўёбга чиқариш имкониятини беради. Инсон интеллектининг ҳамма қирраларини намоён этади. Хўжалик ва меҳнат фаоллигини оширади, фан-техника тараққиётини жадаллаштиради. Ва аксинча, ҳозирги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шароитидаги текисчилик талант ва қобилиятларнинг ғилофда қолиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Аммо бозорни бўяб-бежаб кўрсатиш ҳам ярамайди, келажакдаги фаровон ҳаёт учун нималардандир воз кечиш керак. Товушқоннинг ўзғирлиги бўрининг борлигидан, агар бўрилар қирилиб кетадиган бўлса, товушқон чопишни эсдан чиқариб, ёғ босиб қолади. Худди шунингдек



— Хайрият тухум кўпаяётир...

Сураткаш Ш. Шаропов
(ЎзТАГ)

кишилар ҳам бозор шароитида ҳар хил тасодифларга шай туради. Ижтимоий ҳимояга зўр бериб, янги ялқовлар авлодини тарбиялаш мени, масалан, кўпроқ ташвишлантиради.

М: — Дарҳақиқат, бозорга ўтиш жараёнида аҳолининг қашшоқ гуруҳларига ижтимоий ҳимоя воситаларини кучайтириш ҳақида кўп гапириляпти. Бу ҳақда қарорлар, фармонлар чиқаяпти. Аммо биринчи навбатда бу воситаларнинг манбаи ва уни кўпайтириш йўллари ҳақида ўйлаш керакдир, албатта.

Н. Т. — Шубҳасиз, бу асосий масалалардан бири. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш воситаларининг ягона манбаи давлат, жумҳурият ва маҳаллий бюджетлардир. Шунинг учун бюджет бозор иқтисоди шароитида жуда муҳим унсурлардан ҳисобланади. Бюджет тақчиллигининг, халқ истеъмоли моллари тақчиллигининг бугунги даражаси, инфляция фалокатли тус олмоқда. Пул эмиссияси (муомалага қўшимча пул чиқариш) 1989 йилда 19 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, 1990 йилда 30 миллиард сўмга етмоқда, шундан 1,5—2,5 миллиард сўми бизнинг жумҳуриятимиз ҳиссасига тўғри келади. Қандай қилиб мамлакат, жумҳурият ва маҳаллий бюджетлардаги тақчилликни бартараф этиш мумкин? Халқ манфаатларига зарар етказмай бюджет тақчиллигини камайтириш мумкинми? Ҳа, мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш бўйича қурилишларга ажратиладиган, ҳарбий харажатларга сарфланадиган бюджет маблағларини камайтириш, чет элларга кўрсатиладиган ёрдамнинг ҳамма турларини кескин қисқартириш корхоналарга ажратиладиган дотация ва субсидияларни тўхтатиш, давлат аппаратини сақлаб туришга кетадиган харажатларни кескин чеклаш ва ҳоказо йўллар орқали бу мақсадга яқинлашиш мумкин.

Давлат бюджетидagi тақчилликни камайтиришнинг мазкур йўллари анча қулайроқдек туюлади. Афсуски, жумҳуриятимиз шароитида конверсия қилинадиган ҳарбий корхоналар деярли йўқ, армия, давлат хавфсизлиги ва милицияга жумҳуриятимиз бюджетидан келтирадиган харажатлар унчалик катта эмас. Бундан ташқари улардан ҳозир бутунлай воз кечиб ҳам бўлмайди. Бундан келиб чиқадиги, уларга сарфланадиган маблағ маълум ҳажмда сақланиб қолади.

Бошқариш аппаратини қисқартириш ҳам катта маблағ тежашнинг имконини бермайди. Унга кетадиган маблағ жумҳурият давлат бюджетининг атиги бир фоизга яқини ташкил этади. Бунинг устига давлат бюджети 1991 йилдан бошлаб яна бир манбадан маҳрум бўлади. Шу пайтгача давлат ижтимоий суғурта воситалари давлат бюджети даромадларини тўлдириш омилларидан бири бўлиб келарди. У бир миллиардга яқин сўмни ташкил этади. Аммо суғурта воситалари даромади ўз мақсади бўйича сарфланиши зарур. Кўриниб турибдики, бюджет даромадларини тежаш ва кўпайтириш имкониятлари ҳам чекланган. Боз устига бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан аҳолининг нисбатан кам таъминланган табақалари учун қатор имтиёзлар бериш тадбирлари белгиланган — пенсиялар, стипендиялар, нафақалар оширилмоқда.

Шундай қилиб давлат бюджетини тўлдиришнинг икки манбаи қолаётди. Улар ҳам бўлса оборот солиғи (давлат бюджети даромади тушумининг 3/1 қисмини беради) корхона ва аҳолидан ундириладиган даромад солиқлари (давлат бюджети даромади тушумининг 4/1 қисмини беради).

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, оборот солиғи хомашё етиштирилладиган регионларда эмас, балки асосан қайта ишлов бериладиган, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариладиган саноат марказларида ҳосил бўлади. Бозор даромад, фойда келтирадиган корхона ва хўжаликларни хуш кўради. Синган (банкрот бўлган), рентабеллик даражаси паст корхоналарни ижара, ширкатчилик ва бошқа жамоа ёки хусусий хўжаликларга айлантирилади. Иқтисодий лексиконимиздан «планли зарар келтириб ишлайдиган корхона» атамасини бутунлай чиқариб ташлаш керак бўлади. Чунки бозор бундай корхона хўжаликни тан олмайди.

М: — Маълумки, бизда яқин-яқинларгача деярли ҳамма мулк давлатники бўлиб келган (Кооперативлар, колхозлар бундан мустасно). Эндиликда мулкни давлатдан ажратиш ва ҳатто хусусий мулкка йўл қўйиш ҳақида сўз юритилмоқда. Бу қандай тартибда амалга оширилади?

Н. Т. — Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш (разгосударствление) бозор иқтисодига ўтишда асосий тугунлардан биридир. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг катта қисми ўзаро айрибошлашга

мулк эгалари томонидан эркин тақлиф қилингандагина бозор пайдо бўлади. Бизда ҳозирча барча мулк объектларининг 80—85 фоизи давлат тасарруфида. Содда қилиб айтсак, бизда давлат ҳам олувчи, ҳам сотувчи, ҳам харидор. Иқтисодий монополия ҳеч қачон рақобат ва бошқа бозор унсурларини ривожлантиришга олиб келмайди. Тўла бозорга ўтиш учун кўп қиррали мулк муносабатларига ўтиш, майда ва ўрта корхоналарни приватизациялаш (хусусий қўлларга сотиш), иқтисодий монополияга барҳам бериш керак. Иқтисодий монополизм бозорни чала қилиб, ҳамisha уни маълум ҳалқада ушлаб туради. Мулкни давлатдан ажратиш ишлаб чиқарувчи кишиларни ишлаб чиқариш воситалари ва натижалари билан қўйиш имкониятини беради. Албатта, приватизация, майда ва ўрта ишлаб чиқариш, умумий овқатланиш корхоналарини хусусий қўлларга сотиш кўпчиликни ташвишлантирмоқда. У капитализмни тиклаш хавфи, кескин табақаланиш хавфини туғдирмоқда. Аммо қонун йўли билан бойлик тўплашнинг ўсишини эмас, ёлланма меҳнат кучидан тўловсиз фойдаланишнинг ўсишини тақиқлайдиган йўллари топиш керак. Масалан, иш кучини ёллашнинг маълум меъерини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари йириккорхоналарни хусусий қўлларга сотишни таъқиқлаш мумкин. Майда корхона ҳамда бошқа ишлаб чиқариш объектларини хусусий қўлларга сотишда нафақат пулдорлар, шу билан бирга

ишбилармон, журъатли фуқаролар ҳам қатнашиши мумкин. Бундай шароитда уларга ишлаб чиқариш воситалари бепул ёки имтиёзли соттириши мумкин.

М: — Бозор муносабатларига ўтишнинг яна қандай муҳим жиҳатларига эътибор бериш лозим?

Н. Т. — Бозор механизми тўлақонли ишлаши учун, мустақиллик, иқтисодий-сиёсий суверенитет муаммоларининг тўғри ҳал қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Аммо СССР халқ депутатлари сессиясида яқинда қабул қилинган «Халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишлари»да нефть, газ, олтин, олмос ва қимматбаҳо тошлар, техника ва эҳтимол бошқа бир қатор товарлар рўйхатига кўра иттифоқдош жумҳуриятлар билан келишилган ҳолда умумиттифоқ экспорт ресурси бўлади, алоҳида баҳоланади деб кўрсатилган. Агар шундай бўладиган бўлса мустақиллик ҳақидаги декларациямиз қаерда қолади? Мулк тўғрисидаги қонун жуда ҳам кечикиб асоссиз равишда қабул қилинди. Бу қонун нафақат аллақачон қабул қилиниши, балки самарали ишлаши керак эди. Агар жумҳурият мулк объектлари ажратилиб, биринчи навбатда жумҳурият халқи учун хизмат қилмайдиган бўлса, иқтисодий ва сиёсий суверенитет ҳам, мустақиллик ҳақидаги декларация ҳам моддий асосга эга бўлмайди, қуруқ ҳавойи гап бўлиб қолаверади.

Суҳбатдош Абдумажид АЗИМ



— Ол, ўғлим, еганинг ош бўлсин.

Сураткаш Ф. Қурбонбоев.

Навоий ва Низорий

Кадимий уйғур адабиёти тарихида «Учинчи гулланиш» даврига байроқдорлик қилган буюк зот Абдурахим Низорийдир. У мутафаккир шоир, йирик жамоат ва давлат арбоби ҳамдир.

Низорий 1770 йили кўхна Қашқар шаҳрининг Булоқбоши маҳалласида буюқчи оиласида дунёга келади. «Хонлик мадрасаси»да тахсил олади, мусулмон дунёсининг илмий, бадиий мероси дурдоналарини изчил ўрганади. Айниқса улуг устоз Навоийнинг бадиий, илмий фаолиятини, халққа раҳнамолигини ва ғамхўрлигини чуқур тадқиқ ва таҳлил этиб, маънавий камолотда ҳам юқори чўққига кўтарилди. Бироқ турмуши рўшноликдан йироқ бўлиб, юқори маҳкамаларга, қозихоналарга мерос жанжаллари ва бошқа ҳақдаги ҳужжатлар ёзиб бериш, хаттотликдан тушадиган даромад билан кун кўради. Бадиий ижод билан бемалол шуғулланишга имкон бўлмайди. Фақат олтмишга яқинлашгандагина «Хонлик мадрасаси»га мударрис бўлади.

Уша даврда Қашқардаги хонлик саройи тахтига минган Зуҳуриддинбек унинг билан мактабларда, «Хонлик мадрасаси»да бирга билим олган яқин сабоқдоши, дўсти ҳам эди. У ўша 1830 йили Низорийни саройнинг бош маслаҳатчилиги ва девонбеги лавозимига таклиф этади.

Низорий сарой ишларида тубдан бурилиш ясади. Зуҳуриддинбек ҳам чинакам маърифатпарвар, маданиятпарвар раҳнамога айланади. Зуҳуриддинбекни ўз измига олган Низорий Оффокхўжа ва унинг фарзандларининг бир-биридан хонлик талашиб олиб борган ички урушларда, чет эл босқинчиларининг оёғи остида барбод бўлган, йўқолишга юз тутган Қашқарияни аввалги холига келтирмоққа ҳаракат қилади, фан-маданиятдаги турғунликка барҳам бериш йўлидан боради. Хусусан, Оффокхўжанинг таркидунёчиликка тарғиб қилган ғояларига қарама қарши ўлароқ фанни, маданиятни, ижодни озод этишга астойдил киришади. Бу борада, айниқса Навоий анъаналари унга чилҳом бағишлайди.

Низорий асосан олтмиш ёшидан бошлаб бадиий ва илмий ижодга жиддий қўл уради. Туркий тилдагина эмас, балки, форс тилларида ҳам нафис ва теран асарлар яратади. Айни чоғда Навоий изидан бориб, унга чиндан шогирдлик садоқатини намоён этади. Биз ушбу мақолада Навоий ғазалларига боғланган мухаммаслар хусусидагина фикр юритишни лозим топдик.

Низорийнинг ҳаёти ва ижоди манжур, хитой босқинчиларининг истилосидан кейинги асоратли даврга тўғри келади. Шу боис унинг Навоий ғазалларига боғланган мухаммасларида асосан инсонпарварлик, мардонаворлик, тенглик, эзгулик билан бирга маърифатпарварлик ғоялари биринчи ўринда туради. Бу ҳол

Рўзи ҚОДИРИЙ,

уйғур шоири, филология фанлари номзоди

унинг ҳамма асарларида, жумладан Навоий ғазалларига боғланган 38 та мухаммасида ҳам ёрқин кўринади. Мазкур мухаммасларда Шарқий Туркистон халқининг таркидунёчилик ва гумроҳликка, жаҳолатга қарши кураши манзаралари акс этган.

Низорий фалак гардишининг тескарилигидан, босқинчиларнинг асоратидан нолиган, ҳасрат-надомат оҳларини янграган халққа ҳамдардчилигини баён айлашда Навоий ғазалларига, анъанасига суянади ва мухаммаслар боғлайди. Уша мухаммаслардан бирида шоир ёзади:

*Вужудим ўрганибдур, оқким,
ҳижрон шароринда,
Гудоз этмиш фалак мен хастан
чун ишқ норинда,
Жафодин ўзга бир бехбудлик йўқ
чарх коринда,
Бир ой ўтди мен Маҳзунга,
бир ой интизоринда,
Ки, не кўнгул эрур ҳушинда,
не ҳушим қароринда,
Чиқабон шоҳсуворим йўлига ҳар дам
қарай келса,
Фирогим тунларини ёрутиб хуриш
намой келса,
Нисор этмакка жон авжига олиб
олдирай келса,
Қуёш чиққандек ўлғай тийра тун
ичра ул ой келса,
Навоийнинг фироқ ичра қизаргон
рўзоринда.*

Навоий анъаналарини, ғояларини ижодий ривожлантириб, уни уйғур диёрининг нафаси билан юғрилтирган, унинг курашчанлик, умидворлик руҳдан маънавий озиқланган Низорий ўз давридан ризо эмаслигини, истибодга қарши ҳис-туйғуларини изҳор қилади. Меҳру шафқатни билмаган, вафони унутган, жафони касб этган, ҳаёт умидларини чил-чил айлаган, муҳаббат ва шафқатни топтаган беҳисларга, амалдорларга, мустамлакачиларга қаҳру ғазабини қалб созига солган Низорий «Биз» номли мухаммасида хитоб қилади:

*Аё чархи золим, жафони
унутқил,
Замона вафо қилки,
бизни овутқил,
Халойиқ ишидан кўнгулни
совутқил,
Сабукруҳ соқи фано жом
тутқил,
Ки ўзлук юкидин гаранборлар
биз.
Кўнгул қил азал соқисининг
саломин,
Оёғига бош қўй, қилиб
эҳтиромин,
Қил ушшоқ бирла Низорий
мақомин,
Навоий киби ичкил ишқ
жомин,
Харобот куйида хуморлар
биз.*

Шоир юрагининг ғалаёнли нидолари ситамкор замонга норозилигидан далолат берибгина қолмасдан, балки маънавий исён оловидан битган чақмоқ бўлиб кўкни чулғайди. Бу аслида Навоий даҳосининг чўғларидан яралган оташин ғазалларнинг чақнаётганидан, ҳеч қачон, ҳеч замонда сўнмаслигидан нишондир.

Низорий ҳам инсон умри фаслларининг ўзгарувчанлигини ва бу ўзгаришлар жараёнида рўй берадиган ҳодисаларни кенгроқ, теранроқ таҳлил этишга, моҳиятини очишга интилади. Ёшлик билан қариллик ўртасидаги тафовутни, айниқса ёшликка хос шўхлик, қувноқлик, бегуборлик, самимиятни эҳтиросли лавҳаларда фалсафий умумлаштиришга ҳаракат қилади. Шунингдек кексаларга, отахон ва онахонларга ҳам хос бўлган вазминлик, зукколик ва донишмандлик, тадбиркорлик каби хислат-фазилатлар ҳам мухаммаслар мундарижасини ташкил этади.

Навоий ижод мактабидан беҳад баҳраманд бўлган ва буюк устоз анъанасини ижодий давом эттирган Низорий ўз замонасининг турфа хил табақалари қарашларини мазкур мухаммасларда тўлиқ акс эттиришга интилади. Хусусан фан-маданиятга, унинг


тараққиётига тўсиқ бўлган мутаассибларни қаттиқ танқид остига олади.

*Дедики, зухд эли кел,
энди хонақоҳимга,
Ки тарк айла ҳавони,
кириб фаноҳимга.
Дедимки, боққил, аё зоҳид,
узиргоҳимга,
Мен гадоҳ қачон етдим эрса
шоҳимга,
Юзумни ерга қўйиб дей
илоҳимга,*

— дея зухд элидан нари юришни баён этса, «Эй шайх» номли мухаммасида бундай дейди:

*Чун ишқ базмида зоҳид сурури йўқ,
эй шайх,
Ки ҳажр ўти емаган, оҳ, дуди йўқ,
эй шайх,
Ки ғайриларга Низорий сужуди йўқ,
эй шайх,
Навоий эр деди жуз ҳақ вужуди йўқ,
эй шайх,
Не ёзса гурурсан они лоилоҳа
иллалхоҳ!*

Хулоса қилиб айтганда, Низорийнинг устод Навоий ғазалларига боғлаган мухаммаслари шогирднинг устозга ҳурмати ва эҳтиромидан далолатдир. Шунингдек, буюк устозга муносиб бўлиб етишган шогирднинг ўзи ҳам кўплаб ижодкорларга устозлик даражасига етганлиги ўзига хос адабий воқеадир.



Хиротдаги Мир Алишер Навоий мақбараси.

Рассом О. Ҳолиқов



ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ УҒЛИ (1868—1937) Самарқанд вилояти, Нурота туманининг Жўш даҳасига қарашли Қўрғон қишлоғида туғилган.

Устози — Жуманбулбул Мулла Холмурод ўғли. «Равшан», «Қундуз ва юлдуз», «Кунтуғмуш», «Якка Аҳмад», «Далли», «Холдорхон», «Алломиш» каби ўттиздан ортиқ дostonлар ва кўплаб термаларни ижро этган.

Бухоро мадрасида таҳсил кўрган, араб ва форс тилларини яхши билган. «Таржимаи ҳол», «Уртоқ Ленин», «Келдим» каби замонавий асарлар яратган.

Хонумоним бўлди чун барбод дастингдан, фалак,
Бўлмади ғамгин бу кўнглим шод дастингдан, фалак,
Қилмадинг асло дилим обод дастингдан, фалак,
То қиёмат дод этарман, дод дастингдан, фалак,
Дод дастингдан, фалак, бедод дастингдан, фалак!

Шоҳларнинг шоҳи эрдим, ҳукм этардим ўлтириб,
Золимига жабр айлаб, ўғри бўлса ўлтириб,
Ҳукми шоҳликнинг адолат бирла даврини суриб,
Золимлар кўрқар эрди, бу ёмон ҳукмим кўриб,
Дод дастингдан, фалак, бедод дастингдан, фалак!

Неча шаҳзодлар билан ҳар ерда майдон ўйнашиб,
Гохларда от чопиб, гохларда чавгон ўйнашиб,
Гоҳи гўйбозлик қилиб, майдонда ҳар ён ўйнашиб,
Гоҳ қиличлар силташиб, тиг ила жавлон ўйнашиб,
Дод дастингдан, фалак, бедод дастингдан, фалак!

Отланар бўлсам, кўшин мағрибу машрик томон,
Айланиб кетмас эди бошимда ҳар кун минг гулом,
Шоҳлардан минг киши ҳар эрта келарди салом,
Қунда минг мулло келиб тафсирдин айларди баён,
Дод дастингдан, фалак, бедод дастингдан, фалак!

Отланар бўлсам, кўшин чиқар эдилар лак-балак,
Минг хачир хизматда эрди, яна эрди минг эшак,
Яна сонсиз сувор ташир эди хору хашак,
Яна юзта фил юарди устида заррин тўшак,
Дод дастингдан, фалак, бедод дастингдан, фалак!

Отимни Кунтуғмиш дейди, мен Нўғайнинг хониман,
Дилбаридан айрилиб, мен бир ажаб сарсониман,
Олдириб икки кўзимни дийдаи гирёниман,
Онадан бахти қаро туғдим, шунинг ҳайрониман,
Дод дастингдан, фалак, бедод дастингдан, фалак!



ФОЗИЛ ЙЎЛДОШ УҒЛИ (1872—1955) Самарқанд вилояти, Булунғур туманининг Лойқа қишлоғида туғилган. Устози — Йўлдош шоир. «Алломиш», «Ёдгор», «Ширин билан Шакар», «Рустамхон», «Малика Айёр», «Машриқо», «Интизор», «Балогардон», «Нурали», «Жаҳонгир» каби ўттиздан ортиқ дostonларни ва кўплаб термаларни куйлаган. «Очилдов», «Жиззах кўзголи», «Маматкарим полвон» каби замонавий дostonлар яратган.



Иилқичинда ўзи келган синлидир,
Товушқон туёқли, марол беллидир,
Аросат кунда ажаб қоллидир,
Қиммабаҳо экан ўзбекнинг оти.
Минганларнинг яқин етар мақсади
Қўлтигида тўрт ярим газ қаноти,
Асл тулпор экан ўзбекнинг оти.
Ўзи шундай, келган экан човқар кўк,
Қуйруғидан берисинда кири йўк,
Қандай бўлса минганларнинг кўнгли тўк.
Мен биламан илдамликда тенги йўк.
Қимтинса ўтади осмонда қушдан,
Белига ярашган карк қубба пуштан,
Ҳеч камлик қилмайди йўрға юришдан,
Умид қилма Ойбарчиндай бувишдан.
Асл тулпор экан ўзбекнинг оти.
Буни минган Қўнғиротнинг бекзоди
Ун икки ой сен отингни боқтирсанг,

Йўл-йўлакай йўлги гулмих тўктирсанг
Авайлаб ўзади ўзбекнинг оти.
Бедов миниб, от абзалин шайласанг,
Пойга қилиб кўп шумликни ўйласанг,
Пойганинг бошида тортиб бойласанг,
Унг беш кун илгари берман ҳайдасанг,
Бўшалса ўзади ўзбекнинг оти.
Аввал қулоқ солгин айтган тилларга,
Сенга тақдир қилмас Барчин гуллар-а
Чопа берсанг олтойчалик йўллар-а,
Инграса ўзади ўзбекнинг оти.
Қалмоқ элда от бўлмайди баробар,
Умид узиб кета бергин қалмоқлар,
Отинг ўзолмаса нима қиласан,
Бир ўзбекдан изза бўлиб қоласан,
Беҳуда урушиб ҳалок бўласан.
Қаердан чопсанг ҳам аввал келади,
Тенг бўламан деган отлар ўлади.
Барчинойни ўзбек оти олади,
Бошқа от минганлар ҳалок бўлади.





МУҲАММАДҚУЛ ЖОНМУРОТ УҒЛИ ПУЛКАН (1874—1941) Самарқанд вилояти, Хатирчи туманининг Қатағон қишлоғида туғилган.

Устози — Жасоқ Холмурод ўғли. «Гўрўғли», «Юнус пари», «Мисқол пари», «Авазхон», «Авазни излаш», «Ҳасанхон», «Чамбил қамали», «Бўтакўз», «Қиронхон», «Бердиёр оталиқ», «Шайбонийхон» ва бошқа етмишдан ортиқ анъанавий дostonларни куйлаган. «Ҳасан батрак», «Комсомолка Ойтуғи» ва қатор термаларни ижод қилган.



«Гўрўғли» дostonидан

Юрт қадрини шоҳлар билмас,
Тилла тахтдан тушмагунча,
Эл қадрини беклар билмас,
Бошқа элга ошмагунча.

От қадрини йигит билмас,
Яёв йўлга тушмагунча.
Эр қадрини хотин билмас,
Емон ерга тушмагунча.

Ер қадрини йигит билмас,
Емон хотин олмагунча.
Қуш қадрини сайёд билмас,
Қарчиғайни солмагунча.

Қўш қадрини деҳқон билмас,
Наввос, ҳўкиз қўшмагунча.
Тўн қадрини йигит билмас,
Тўн эғнидан тушмагунча.

Элнинг қадрин шоҳлар билмас,
Бошқа юртга ошмагунча.
Марднинг қадрин одам билмас,
Номардга бош қўшмагунча.

Емонлар тортсин жазосин,
Бериб ҳар ким изосин!
Бек билмас инъом мазасин,
Ҳотам бўлиб тушмагунча.

Сўз деган бир гавҳар бўлар,
Қадрин билсанг жавҳар бўлар,
Суханвор қадрин на билсин,
Маънисига тушмагунча.

Бир барнонинг кўп ақли,
Зарафшон бўйли кокили.
Хур юзlining қадрин билмас,
Емонга бош қўшмагунча.

Зарнинг қадрин заҳқобга айт,
Элнинг қадрин арбобга айт.
Хасислар мардон билсин,
Элнинг эғасин ёмонлаб,
Бир иш бўлиб шошмагунча.

ИСЛОМ ШОИР НАЗАР УҒЛИ
(1874—1953) Самарқанд вилояти, Нарпай туманининг Галақас-соб қишлоғида туғилган.

Устози — Эрназар Хизр ўғли. «Алломиш», «Ҳасанхон», «Орзигул», «Гулихиромон», «Соҳибқирон», «Эрвали ва Шерали», «Далли» каби ўттиздан ортиқ анъанавий дostonларни куйлаган. Уста дўмбирачи бўлган. Кўплаб замонавий терма, қўшиқлари мавжуд.



Куйган кулга кенг мамлакат тор экан,
Адашганлар бир-бирига зор экан,
Ҳамма жойда йўқ деб келди хабаринг,
Шукур, сени кўрар куним бор экан.
Уғлидан айрилган қари хор экан,
Уғил қатордаги бир мас нор экан,
Борган-келган ўлган девди ўзингни,
Шукур, сени кўрар куним бор экан.
Сеникидир Оқтош элнинг кўргони,
Танимнинг қуввати, жисмимнинг жони.
Қайси элга бординг, Оқтош полвони?
Интизор бўлдим сени кўргани,
Қариликда отанг кўрди юзингни,
Энди ўлсам, болам йўқдир армоним,
Топширай қўлингга элу юртимни.
Кўрар кўзим, бир наргисим сен эдинг,
Бу йўлингга сарғайтирдинг бетимни,
Қўлингга топширай давлат-тахтимни,
Сен қўлингга ол адолатимни,
Қариганда, қартайганда бу отанг,
Сувон мардга бердим мамлакатимни.

«КУНЛАРИМ»дан

Қайнаб чиқишлари кумуш қўнғироқ,
Бир умр куйимга солгандир қулоқ.
Туғилган ҳам ўсган ери шоирнинг
Сувлари шакардай шу Қайнарбулоқ.
Кўзёшим булоқдай оққан кунларим.

Отадан қолдим ман етти ёшимда,
Минг турли жафолар шўрлик бошимда.
Ербой деган мени олиб сақлади
Онам шўр келолмас сира қошимга
Онамни соғиниб юрган кунларим.

Қизил оёқ қирлар кечиб боқдим мол,
Кулфат билан ўтди болалик увол.
Бой хотиннинг берган битта кулчаси
Етмас эди, қуриб қоларди мажол.
Бир бот тўйиб нон емаган кунларим

Емғир ҳеч ёғмаса ерлар бўлар чўл,
Кўз ёшимга ёстиқларим бўлар ҳўл.
Йўқчилик етимлик бошни гангитди,
Қайғу билан туманлидир юрар йўл
Йўл топмасдан кўп гангитган кунларим

Тоғдаги чўпонлар чалар дўмбира
Кулфат тоши бошларин қилмиш яра
Пайт пойлаб борардим улар ёнига
Билар-билмас дўмбира чала-чала
Қўрқа-писа уйга келган кунларим.

АБДУЛЛА НУРАЛИ УҒЛИ
(1874—1957) Қашқадарё вилояти, Китоб туманининг Қайнарбулоқ қишлоғида туғилган.

Устози — Ражаб шоир. «Алломиш», «Сайдимхон», «Кунтуғмиш», «Гўрўғли», туркумига кирувчи йигирмадан ортиқ дostonларни куйлаган. Замонавий дoston ва термалар яратган.

Устимдан учади турли-туман қуш,
Дўмбирамни ўйлаб кўрар эдим туш,
Ербой сезиб қолиб мени уришди:
— Молдан келиб уйда қилмайсан юмуш.
Дўмбира деб гап эшитган кунларим...

Қиш-қировли кунлар, юпун устимиз
Суякка халтадир, этсиз пўстимиз
Ҳафта, ойлар гўшт кўрмайди қозон ҳам,
На қатиқ бор, на ёғимиз, сутимиз.
Камликнинг камолин кутган кунларим.

Дўстнинг ғуссаси, ғамидан бездим,
Ун саккиз ёшимдан юриб эл кездим.
Ражаб шоир устозимдан ўрганиб,
Қўшиқ айтишликда кўплардан ўзим.
Эл кезиб дўмбира чалган кунларим.

Саҳифани филология фанлари номзоди
Шомирза ТУРДИМОВ тайёрлади



Жалол МУХСУМОВ,
СССР Тиббиёт фанлар дорилҳикмасининг
мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан арбоби, профессор



АКАДЕМИК
И. Қ. МУСАБОВ
80
ЕШГА ТЎЛДИ

Олимнинг йўли

Дунёдаги энг инсонпарвар касблардан бири — шифокорлик. Кўплар шифокор бўлишни орзу қиладилар, лекин бунга камдан-кам — машаққатли меҳнатдан қочмайдиган юксак маданиятли, беморларга меҳрли ва қийинчиликлар олдида саросимага тушмайдиган ўз касбининг фидойилари муяссар бўладилар.

Агар корхоналарда муҳандис айби билан сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилса, нуқсонни тузатиш мумкин. Аммо шифокорнинг адашиши ўнглаб бўлмас жиноятдир. Чунки шифокорнинг фаолияти тирик одам — беморнинг тақдири билан боғлиқ.

Касалликни тўғри аниқлаш ва уни даволаш учун табобат аҳлидан тинимсиз изланиш, маҳоратини ошириш, дунёвий билимларини ўзлаштири бориш талаб қилинади. Ҳозирги замон тиббиёти шифокорлардан ўз касб маҳоратини ошириш билан бир қаторда адабиёт, санъат, фалсафа, ўз халқининг тарихи, урф-одатини мукаммал билишни тақозо этади. Шундагина ҳар бир бемор ўз тақдирини шундай шифокорларга ишонч билан топширади ва касалликнинг соғайиш жараёни анча енгиллашади. Чунки ҳар бир шифокор касалликни текшириб кўраётганида бемор ҳам уни ўрганади ва қандай мутахассис эканлигини билиб олади.

Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг академиги, СССР тиббиёт фанлари академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, жумҳуриятимизда хизмат кўрсатган шифокор, тиббиёт фанлари доктори, профессор Исоқ Курбонovich Муса-

боев ҳам халқимизнинг ҳурмат ва эъзозига сазовор бўлган инсонлардандир.

1965 йил, август ойида ҚҚМЖда қандайдир маълум бўлмаган аломатларга эга бўлган касаллик тарқала бошлади. Маҳаллий шифокорлар томонидан кўрилган даволаш чоралари натижасиз бўлиб, оммавий ўлим хавфи туғилди. Беморлар ич кетиш, кўнгил айниш, қусиш, безгак, озиб кетиш натижасида танаси қуриб, ҳолсизланиб ўла бошладилар. Хавфли юқумли касаллик пайдо бўлгани барчани катта ташвишга солиб қўйди.

Тошкентдан юқумлик касалликлар соҳасида машҳур олим И. Мусабоев чақирилди. У аэропортдан тўғри даволаш муассасаларига бориб беморларнинг касаллик тарихи билан танишиб, уларни синчиклаб кўрди ҳамда давлат ва беморлар олдидаги бутун жавобгарликни ўз зиммасига олиб, қаҳрамонларча бу касаллик вабо эканлигини аниқлади, тезлик билан унинг тарқалиб кетмаслиги учун чоралар кўриш кераклигини айтди.

Шуни таъкидлаш керакки, профессор И. Мусабоев келгунигача ўтказилган тажрибахона хулосалари вабо касаллигини келтириб чиқарувчи омилларини тасдиқлай олмаган эди. Бу хабар яшин тезлигида жумҳуриятимизга тарқалди. Ҳукумат вабо касаллигига қарши кураш фавқулодда комиссиясини тузди. И. Мусабоев эса бу хавфли касалликка қарши курашни режалаштирди. Ўз вақтида кўрилган тезкор чоралар натижасида вабо касаллиги тарқалиб кетишининг олди олинди. Вабо касаллиги тарихида бўлмаган янги чораларни қўллаш натижаси ўлароқ 21 кун ичида бу хавфли юқумли касалликнинг тарқалиши жиловланди.

И. Мусабоевнинг бу фидокора ишлари тақ-

дирланиб Ленин ордени билан мукофотланди ва унга «ҚҚМЖда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» фахрий унвони берилди. Катта ажал офатини тўхтатган шифокор бунгача ҳам тиббиёт соҳасининг чуқур билимдони сифатида Иттифоққа танилган эди.

И. Мусабоев 1910 йил, 22 октябрда Фарғона вилоятининг Навкент қишлоғида батрак оиласида дунёга келиб, 10 ёшида етим қолиб болалар уйида тарбия топди. 1926 йилда Фарғона Тиббиёт техникумини тугатгач, Самарқанд давлат тиббиёт олийгоҳига кириб, таҳсил ола бошлади. У ўқиш давомида шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг ўринбосари бўлиб ишлади.

Самарқанд давлат тиббиёт олийгоҳининг даволаш куллийтини муваффақиятли тамомлагач, у 1935 йилда юқумлик касалликлар кафедрасининг аспирантурасига киради. Тиббиёт фанлари номзоди даражасини олиш учун илмий-текшириш ишлари олиб бориш билан бир қаторда Самарқанддаги янги ташкил қилинган ноҳия соғлиқни сақлаш бўлимининг мудирини бўлиб ишлайди. Лекин тинч меҳнат фаолиятига уруш раҳна солиб, Исҳоқ Курбонovich ҳам жанг майдонига сафарбар қилинади. У турли фронтларда бўлиб даволовчи бўлинма бошлиғи, 92-алоҳида ўқчи бригаданинг Тиббий-даволаш хизмати бошлиғи, сўнгра 343-ҳарбий госпиталнинг юқумлик касалликлар бўлимининг мудирини бўлиб хизмат қилди, шу тариқа юзлаб жангчиларнинг жонига ора кирди.

1942 йилда «Тиф-паратиф касалликларида қон қуйиш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. 1944 йилда Ўзбекистон ҳукуматининг илтимосига биноан Совет Ар-

мияси сафидан чақирилиб, илмий-текшириш ва педагогика фаолиятини давом эттиришга юборилади. Олдин Самарқанд тиббиёт олийгоҳи юқумли касалликлари кафедрасининг доценти, сўнгра шу кафедранинг мудури бўлиб, олимлар кенгашига сайланади.

Олим тиф-паратиф касалликларида жигар фаолиятининг аҳамияти устида катта илмий-текшириш ишлари олиб боради ва ниҳоят 1951 йилда СССР Тиббиёт академиясининг олимлар кенгашида фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациясини ҳимоя қилади. Тиббиётнинг муҳим соҳасига бағишланган бу самарали иш кейинчалик тиф-паратиф юқумли касалликларида жигарнинг фаолиятини ўрганишга бағишланган шифокорлар учун керакли қўлланма сифатида чоп этилади.

1951 йилда И. Мусабоев СССР Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг юқумли касалликлар кафедраси мудури қилиб сайланди. У киши ҳозиргача ишлаб келаётган шу кафедра иттифоқ миқёсидаги юқумлик касалликларни ўрганиш ва даволаш илмий марказларидан бирига айланди. Иттифоқимиздаги шифокорлар Тошкентга келиб бу ерда ўз малакаларини оширадilar ва таълим оладилар. И. Мусабоев жумҳуриятимиздаги энг йирик илмий-текшириш институтларидан бири бўлган эпидемиология микробиология ва юқумлик касалликлар институтини асосчиларидан биридир.

Халқимиз ибораси билан айтганда, миноранинг баландлиги унинг ердаги сояси билан ўлчанади, олимнинг улуғлиги унинг тайёрлаган шогирдлари сони ва сифати билан белгиланади. Профессор И. Мусабоев ўз илмий фаолиятида 15 фан доктори ва 85 дан ортиқ тиббиёт фанлари номзодларини тайёрлади. Булардан кўплари Ватанимизнинг турли шаҳарларида кафедра ва лаборатория мудирлари даражасида илмий-текшириш ишларини олиб борадилар.

Жонкуяр олим ўзининг самарали илмий-текшириш ишларини ўлкамизда учрайдиган турли юқумлик касалликларни ўрганиш ва даволашга бағишлади. Ўзбекистонда геморрагик иситма ва Ку-рикетсиоз касалликларини ўрганиш ва уларнинг аломатларини белгилаб берди. Иттифоқимизда биринчи бўлиб турли юқумли касалликларда бемор танасидаги микроэлементларнинг ўзгаришини текшириб, уларнинг касалликни аниқлаш ҳамда даволашда катта аҳамиятга эга эканлигини исботлади. И. Мусабоев ўзининг катта илмий тажрибасига асосланиб тиф-паратиф, дизентерия, гепатит, вабо, дифтерия касалликларининг янги туркумларини тузиб берди. Биринчи марта вабо касаллигининг ошқозон шаклини аниқлади.

Тиббиёт соҳасининг улкан билимдони томонидан ишлаб чиқилган юқумли касалликларни аниқлаш ва даволашдаги илмий тадбирлар жумҳуриятимиз шифокорлари томонидан кундалик иш жараёнида кенг қўлланилмоқда. И. Мусабоевнинг қаламига 500 дан ортиқ чоп этилган илмий иш мансубдир. У 20 га яқин рисола ва қўлланмалар, 12 та методик кўрсатмалар муаллифидир.

Жумҳуриятимиздаги юқумли касалликлар мутахассислари И. Мусабоевни 1973 йилда ўз илмий жамиятларининг раис қилиб сайладилар. Шунинг билан бир қаторда у СССР юқумли касалликлар жамиятининг раис ўринбосари ҳамда СССР Тиббиёт академиясининг президиум аъзосидир. Бутуниттифоқ эпидемиологлар, микробиологлар илмий жамиятларининг фахрий аъзосидир. И. Мусабоев Ватан олдидаги катта хизматлари учун Ленин, Октябр Инқилоби, уч марта Меҳнат Қизил Байроқ, Улуғ Ватан уруши, Ҳурмат белгиси нишонлари ва Ўзбекистон Олий кенгаши президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлангандир. Бугун ўзбек халқининг улкан олими И. Қ. Мусабоев 80 ёшга тўлди. Шундан 60 йилни у халқ саломатлигини сақлаш йўлига сарфлади. Олим ҳали ҳам тетик ва чарчаш нималигини билмайди.

Биз Исҳоқ акага битмас-тугамас соғлиқ ва касалликларга қарши кураш соҳасидаги кўп қиррали фаолиятига катта-катта муваффақиятлар тилаймиз.



Ҳабиб АБДИЕВ

Чавандоз

Менга ҳам бир от беринг
мен ҳам чавандоз бўлай.
Қуюқ ёли силкинсин
қамчисини тоқ беринг.
Туёқлари оловдан
куйдирсин бу заминни
Бу чўлу биёбонда
ёлғиз мен сирдош бўлай.
Бу майдоннинг бир четида
такрор-такрор кишнасин.
Бу тупроқни хушбуй ҳидин
тўйиб-тўйиб ҳидласин
Қоп-қора кўзларида
томчилайди оғриқ ёш
Қўйиб беринг, майли унга
заминларни куйласин.
Тўзгиган майдонларда
чангиб турар бир савол
Шафқат этинг покиза
шаҳри осмоним менинг.
Ўйнаган қамчим узра
фигон бўлар бу шамол
Билсанг чавандоз ўтган
бобо калоним менинг.
Керак эмас наҳалда
Янграган созу нозлар
Унинг ўз туёғида жаранглайди
бу замин,
Фақатгина жонимда
мункимасин бардошим
Бу замин юрагини
тепиб турсин шу отим.

* * *

Ортда қолар, эвоҳ кичрайган умрим
Кўзлар равогидан тўкилар йиллар.
Яна не тиларсан тиланган жоним,
Ҳорғин қадамимда уюшар йўллар.
Ненидир излайман васфим саргардон
Оқ тонглар бағрига қўйилган бошим.
Кафтларим остида оқарар оппоқ
Минг бир хаёл узра минг бир кечмишим.

* * *

Баҳордек кетдилар кўнгилдан,
Бахтиёр кулган ул болалик.
Вужудимга тақилди кунлар,
Новдаларни беагаган баргдек.

Йиллар ўтди, ўтар ҳар лаҳза,
Кетдинг мендан қўшиқдек мунгли.
Соғинчимни кучди юлдузлар,
Мана энди, мана куз фасли.

Ҳамон ўша мунглиғ қиёфанг,
Ҳануз ўшал, таваккал тақдир.
Ўзга кафтлар бағрида бу кун,
Ҳилпирайди хазонрез умр.



* * *

Бир соғинч йиғлатар
Бир соғинч яна,
Ҳижрон тунларида
муз қотди таним.
Ул соғинч йиғлатар
ул соғинч фано,
Яна мунг келтирар
ишқзада қалбим.
Бошимда судралди
оғриқ булутлар
Қоронғу кўзларга
тўлди бу шамол,
Не учун ҳаётни
бунчалар севдим
Вафосиз бир қизни
севгандек алҳол.

* * *

Тунларга қарама кўзим қўрқасан
Кечада қораймуш улкан бир жаҳон
Бу юлдузлар бўлур мангулик сири
Чун олис умидим эрур шул осмон,

Бир алам ёдлатган ул қаро тундан,
Ойдин оқ тонгларга чўқар аллаким.
Қора кўзларида эзилган ғамдан,
Туморлар тикади олиб бир чимдим.

Титраган бармоқлар силар бошимни,
Титраган руҳимда силкинар олам.
Кўриб кўзларимда гўдак ёшимни,
Кимдир шивирлайди: «Эртак бу, болам».

* * *

Айландим дунёнинг чархузорида,
Бу ғазо кўнглимнинг сахари сайрон.
Бойландим хаёлнинг етти торида,
Бир андух ситилар тилимдан ёмон.

Ойнинг нурларида куяр нигоҳим,
Ачишиб томирда оқар бу жоним.
Сокин кўчаларда жимжит йиғлайди,
Қизил япроқларга қорилиб қоним.

Куйладим, кафтимда гулларки унди,
Телбавор айлади бир жунун сеҳр.
Йиғладим бу йиғлоқ умрга кўнди,
Мискин бу юракда силанган меҳр.

* * *

Бетин қадамимда чайналар хаёл,
Қолдириб кетаман сени шу кунда.
Ўрган сен шу куннинг узоқ кечмишин,
Фақат йиғламагин бул қаро тунда.
Етақлаб кетарман ҳориган ойни,
Бу шом шамолига бағримни бериб.
Бу зах қалбим аро сарғаяр ғамим,
Оргимдан чақирма отимни тутиб.
Бир дам унит қилгин, некий борини.
Дуркун бир ой чиқиб, илло илойим.
Нурларин сидириб ойдин кунидан
Бир кун ажратади сенга мулойим.



Гулгина



Ҳикоя

Эсоной СОДИҚОВА

— Гулгина, қизим!

Коридорда кетаётган оқ халатли қиз тўхтаб, орқасига ўгирилди. Ундан сал нарида баланд бўйли, бола кўтарган бир йигит билан бош врач турарди.

— Лаббай!

— Беморни палатага ётқизишга ёрдамлаш, қизим, — деди бош врач, — учинчига оборақол. Бўш ўрин бор. Бола қаттиқ шамоллабди.

Қиз индамай йўл бошлади. Шу баробарида: «Бу йигитни қаерда кўрган эканман-а?» деган ўй хаёлидан ўтди. Палатага етгач, бўш ўринни кўрсатди.

— Марҳамат, — деди йўл бериб. Йигит энгашиб, болани каравотга ётқиза бошлади. Шундагина қаерда кўргани лоп этиб қизнинг эсига тушди. Утган ҳафта дугонаси билан Афғонистонда ҳалок бўлган синфдошларининг қабрини зиёрат қилгани борганда кўрган экан. Ушанда у устига чиннигул қўйилган қабр тепасида бош эгиб турарди.

— Қолишимга рухсат берармикин? — сўради йигит қизнинг юзига қарамай.

— Ўғлингиз катта экан, рухсат беришмаса керак, — деди Гулгина. — Яна билмадим, бош врачдан сўраб кўринг.

Бола кўзини очмасди, оғир-оғир нафас оларди. «Дадаси ёнида бўлгани яхши эди, — ўйлади қиз ачиниб. — Онаси бўлса янаям яхши эди».

— Сиз... сиз кетмай турунг, — илтимос қилди йигит. — Мен ҳозир, бош врачдан сўраб келай...

— Бемалол бораверинг, шу ерда бўламан.

«Уша йигитмикин? Уша бўлса... ҳалиги қабр кимники экан? Она-симикин, ё боланинг онаси... Йўе, худо сақласин...»

Бола ижирғаниб устидаги чойшабни тепиб туширди. Гулгина унинг устига чойшабни ёпиб, пешонасига қўлини қўйди. Иссиғи баланд. Шошиб боланинг «Касаллик тарихи»ни қўлига олди. Шу пайт палатага ҳалиги йигит билан бош врач кирди.

— Хавотир олманг, — тушунтирарди бош врач йигитга. — Мана, Гулгинахон энг яхши ҳамшираларимиздан. Уч кунда оёққа турғизиб юборади. Уйингизга кетаверинг. Ҳеч хавотир олманг, — далда берди йигитга.

Бош врач чиқиб кетгач, қиз йигитдан сўради:

— Нима бўлди?

— Кўрмайсизми? Ариқда чўмилибди-да...

— Уйда... уйда ёлғиз эдимиз? — сўради қиз. «Онаси йўқмиди?» демоқчи бўлдию айтолмади.

— Шу денг, — каловланди йигит, — қўшимизнинг боласи билан боғчага боришади. Бирга келишади... — яна чайналди у. — Чўмилишибди-да...

Гулгина унинг кўзларида мунг соясини кўриб вужуди зирқиради. Бошқа ҳеч нарса сўрамади.

— Унда, сиз бораверинг...

— Сизни... сизни қийнаб қўймасмикин?!

— Хавотир олманг, тузалиб кетади.

Йигит ноилож ташқарига йўналди.

... Уша куни тонггача Гулгина ухламай, боланинг тепасида ўтириб қилди. Ҳамма дори-дармонларни қилди. Бола тонгга яқин тинчланиб, уйқуга кетди. Қиз эса ундан хотиржам бўлиб уйқули кўзларини ишқаб палатадан чиқаётганда унинг дадасига дуч келди.

— Қалай, тузукми? — сўради у саломни ҳам унутиб.

— Ҳозиргина уйқуга кетди, — жавоб берди Гулгина ерга қараб. — Марҳамат, кираверинг олдиға. Фақат уйғотиб қўйманг.

Унинг хаёлини яна тизгинсиз ўйлар эгаллай бошлади. Айниқса, йигитнинг кўзидаги мунг уни ўз қаърига тобора тортиб борарди...

Гулгина эртасига эрталаб ишга келганида бола тузалиб қолган, ранги ҳам ўзига келган, каравотда ўтирганча аллақандай расмли китобчани варақлаётган эди. Гулгина унинг бошини силаб ёнига ўтирди.

— Тузук бўлиб қолдингми?

Бола юзлари думалоқ, жавдироқ кўзлари қоп-қора бу холасига ҳайрон бўлганча қаради-да, сўнг:

— Ҳа, — дегандек бошини ликиллабди.

— Энди танишиб олсак ҳам бўлар, а? — деди қўлини чўзиб. — Менинг исмим Гулгина. Сеникичи?

— Хондамир.

— Хондамир! Уҳў-ў-ў, чиройли исминг бор экан-ку. Хўш, энди чўмилмайсанми?

Боланинг қийқ кўзларида муғомбирона туйғу жилва қилди.

— Йўк, — деди ер остидан Гулгинага қараб.

— Бугун даданг яна келсалар керак-а?

— Ҳа...

— Уйларингда яна ким билан турасизлар? — деб сўрадию юраги орқага тортиб, бир қалқиб кетди. Кўрқибгина Хондамирнинг юзига қараб қўйди.

— Дадам иккаламиз...

— Ойинг-чи, ойинг...

— Ойим узоққа кетибдилар. Менга машина олиб келадилар.

Бехос Гулгинанинг кўз ўнгида йигитнинг мунг чўккан кўзлари учқун мисол чақнаб ўтгандек бўлди. Юраги зирқ этди. Боладан ойисини сўраганига афсусланди.

— Ҳали сен китоб ҳам ўқий оласанми? — деди чалғитиб.

— Йўк. Лекин санашни биламан. Санаб берайинми?

— Майли. Қани, сана-чи?

Бола бармоқларини бир-бир бучиб санай бошлади.

— Бир, икки, уч...

— Хўш, энди, унга мана бу қўлингидеги бармоқларингни ҳам қўшиб сана-чи, неччи бўларкин? Қани, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн. Ана, энди ўнгача санашни ўрганиб олдинг.

— Дадамга ҳам санаб бераман.

— Жуда яхши. Энди, сен ётиб дам олгин. Фақат юрма. Иссиғинг чиқиши мумкин.

— Яна келасизми?

— Албатта келаман. Палатадаги бошқа ўртоқларинг билан танишиб ол. Хўпми, тойчоқ?..

Шу-шу бўлди-ю, Гулгина билан Хондамир ўртасида ўзига хос бир дўстлик бошланди. Хондамир ҳам қизга ўрганиб қолган, палатага кирмаган куни: «Нега кирмадингиз?» деб сўрарди. Шу орада қиз Хондамирнинг дадаси билан ҳам танишиб олди. «Хондамирни менга ёдгорлик қилиб ташлаб кетган», деди бир гал ўғли ҳақида гап кетганда хўрсиниб. Ушанда у ўғлининг соғлиғини сўраш учун ҳамширалар хонасига кирди-ю. Гулгина билан гаплашиб анча ўтириб қолди.

— Сизни қабристонда кўрган эдим, — деди қиз йигитнинг маъюслашган кўзларига тикилиб.

— Кўрган эдингиз?!

— Ҳа, дугонам билан боргандим.

— Мен ҳам тез-тез бориб тураман. Ҳар борганимда юрагим аламга тўлиб келади. Назаримда. Хондамирнинг онаси тупроқ остидан мени зор-интизор кутиб ётганда ўхшайди. Шундай нафис, назокатли бир вужудни тупроқ қандай яшириб ётганига ҳайронман... Қани энди эртақлардагидек, қабр иккига ажралса-ю ичига кириб олсам, дейман. Афсус, иложи йўқ. Ёдгорлик бўлиб мана шу Хондамир қолди. — Йигитнинг кўзлари

ғалати йилтиллаб, ёшга тўлди.

— Хафа бўлманг, ўғлингиз омон бўлсин! Бир ажойиб бола бўладики. Бутун ғамларингиз унутилиб кетади, — деди йигитни чалғитиш учун, — бахтингизга тузалиб кетади.

— Яхшиям шу Хондамир бор экан. У билан овунаман, — деди гапираётиб қизга бир қараб қўйиб. Шу билан баробар йигитнинг дилидан шундай мулоҳазалар кечди: «Тавба, қаердадир кўрганга ўхшайман, қаерда? Хондамирни «тойчоқ» деб эркалатишлари ҳам таниш. Ё Холида қўшни болаларни шундай деб эркалатармиди? Эвоҳ, Холида, Хондамирни бир кўрганинга эди. Уни қанчалар кутган эдингиз-а? Туғилмаган боламизга исм танлаб, қанча-қанча кечаларни оппоқ тонгларга улардик. Бозорга борсанг, боламга деб албатта машинами, қўғирчоқми кўтариб келардинг. Мана ўша боламиз. Тўртга тўлди. Сен уни кўролмадинг. Хондамир тили чиқибдики, сени сўрайди. «Ойинг машина олиб келади», деб овутаман. Шу гапимга баъзан ўзим ҳам ишониб, умидворлик билан эшикка тикиламан. Бозор-ўчар қилгани кетгансан-у, кириб келиб қоладигандек туюлади менга. «Вой, дадаси, уйдаммисиз?» деганинга овозининг жанангага уй тўлиб кетгандек бўлади. Тақдиримиз бунчалар аянчли бўлмаса-я!»

Йигитнинг хаёлга толганини кўрган Гулгина ачиниб кетди.

— Хафа бўлманг, — деди паст, секин овозда. — Ҳар қандай дардининг давоси вақт дейишади-ку...

— Тўғри, шундай дейишади, лекин аслида ўтган вақт ноёб нарсаларнинг қадрини яна ҳам чуқурроқ ҳис қилишга мажбур қиларкан.

Гулгина йигитнинг қалбидеги дардни сал бўлса ҳам енгиллатмоқчи бўлгани ё унинг суҳбатини тинглашга тоқати етмадими, ўрнидан турди.

Гулгина одатдагидек ишга келди-ю Хондамир ётган палатага яқинлашганда, эшик олдида қовоғи солиқ Хондамир турарди.

— Нима бўлди, тойчоқ?

— Ҳозир... ҳозир Мурад билан Азизнинг ойиси келди, — деди кўзлари ғилтиллаб Хондамир.

— Ойилари келса, мана, мен ҳам келдим-ку!

— Сиз... сиз менинг ойим эмасиз-ку!

— Нега ойинг бўлмас экан-

ман, — деди Гулгина уни кўтариб олиб.

— Гулгина гапирарди-ю ўз гапидан ўзи ғалати бўлиб кетди. Кўз олдида Хондамирнинг ҳамшиша қовоғини солиб юрадиган дадаси келиб, унинг сўзларини эшитиб тургандек, юраги тез-тез уриб, пешонасида майда-майда тер заррачалари пайдо бўлди. Қулоқлари ловуллади.

— Ҳа, ойинг бўламан, — деди яна паст овозда худди, ҳеч ким эшитмадимикин, дегандек атрофга аланглаб.

— Бўлмаса, бўлмаса Муродга: «Гулгина опам менинг ойм бўладилар», десам у: «Гулгина опа ҳеч кимга ойм эмас, улар доктор опа, укол қилиб бизни тузатадилар», дейди.

— Нима, доктор опа ойм бўлмайди, — кулди Гулгина болаларнинг ўзига хос ширин гапларидан завқи келиб. Гулгина гапиратуриб боланинг кўз ёшларини рўмолчаси билан артди. Сўнг бағрига босиб юзларидан ўпди. Шунда димоғига жуда ҳам тотли бир ҳид урилди. Бу ҳиддан у яйраб кетди. Бу ҳиддан маст бўлган кўйи анча бағридан бўшатмади. Бироздан кейин юзларидан яна бир бор чўлпиллатиб ўпди-да, ерга қўйди.

— Бор энди, ўйнайвер, сени ҳеч ким хафа қилмайди, — деди.

Уша куни Гулгина ишини қай аҳволда тугатиб, қай аҳволда кетганини билмайди. Кўз олдидан қизил чинни гуллар ёйиб ташланган қабру қулоғидан Хондамирнинг: «Сиз менинг ойм эмассиз-ку», деган сўзлари кетмас эди.

Гўё бошқа оламга тушиб қолгандек, ўзига нотаниш бу оламнинг ташвишлари, ғами, алами сезилар-сезилмас, бироз ҳуркак қувонч-ўкинчилари, инжиқликлари — ҳамма-ҳаммаси уни ўраб-чирмаб ўзига ром этарди. Бу ҳолатнинг сабабини ўзи ҳам тушуниб етмас эди.

— Мазанг йўқми? — сўради онаси.

— Йўқ, жойида, — Гулгинанинг овози қалтираб чиқди. Шу кунларда у кимнингдир маслаҳатига муҳтож, кимгадир дилини ёргиси келар, лекин бундай одамни тополмас эди. Онасига айтаётган деса, андиша қилади. Ҳозир ҳам унинг меҳр, ачиниш билан термулиб туриши дилидаги жумбоқни ечгандек бўлди. Қўлларига таяниб хўрсинди.

— Нима бўлди, қизим?

— Мен, мен... — Гулгина айтолмади.

— Айт, болам, менга айтмасанг, кимга айтасан.

— Яқинда палатамизга бир болани олиб келишди.

— Олиб келса нима бўлибди? Оғирми?

— Йўқ, анча тузалиб қолди.

— Тузалиб қолса бўпти-да, нега энди хафа бўлаяпсан?

— Билмадим, бечорага бир ам раҳмим келадики...

— Раҳминг қилмай қўя қолсин, ота-онаси бордир.

— Онаси ўлган экан. Дадаси... дадаси билан бирга тураркан.

— Дадаси билан?

— Ҳа.

— Бўпти-да, турса. Ҳамма нарсанинг чораси бор, ўлимнинг чораси йўқ, қизим.

— Биласизми, бола менга шундай ўрганиб қолганки...

— Ўбба, соддаси тушмагур-эй,

даволаганингдан кейин ўрганганида.

— Йўқ-йўқ. Фақат унинг учун эмас.

— Ўзим ҳам билмайман, нима дейишга ҳайронман. Худди туман ичида юрганга ўхшайман. Ҳар куни эрталаб, мени палата эшиги тагида кутиб туради. Бугун ҳам турган экан. Мени кўриб, йиғлаб юборди. Нуқул: «Муроднинг, Азизнинг аяси келди», дейди ҳиқиллаб.

— Кўнгли ўксиган-да, бола бечоранинг. Сен ҳам у-бу нарса олиб борганмидинг? — Ойсара холанинг кўнгли бузилиб, кўзига ёш келди.

— Олиб борганим, — деди Гулгина. Сўнг нимадир эсига тушгандек, шошиб ўрнидан турди. — Ойижон, мен бориб бир хабар олиб келай.

— Ҳозир келдинг-ку, овқатингни ҳам ичганинг йўқ.

— Кейин, ойижон, кейин. — Гулгинанинг назаридан Хондамир палата эшиги тагида кўзида ёш билан уни кутиб тургандек бўлди. Она ҳайрон бўлганича қизининг орқасидан қараб қолди. Қизиқ, у яқиндагина шўх хандон эди, икки гапириб, бир куларди. Онанинг назарида у шу бир-икки ҳафтанинг ичида кўпни кўрган, ҳаёт тажрибаси ошган, ёши ҳам бир неча йилга улғайгандек эди.

Орадан уч ҳафтача вақт ўтди. Гулгина кўпинча навбатдан ташқари кунларда ҳам Хондамирни кўргани келарди. Бундан Хондамир хурсанд, атрофида ирғишлаб сакрарди. Кўпинча иккалалари шифохона боғини айлангани чиқишарди.

— Гулгина опа, — деди Хондамир унинг қўлидан ушлаб. — Мен сизни жуда-жуда яхши кўраман, дадамга ҳам айтдим.

Гулгинанинг юраги шувиллади. Боласи тушмагур тушуниб-тушунмай нималар деяпти?

— Даданг нима дедилар? — сўради юраги ҳаприқиб.

— Сенга ёқса, майли, дедилар. Яна, Гулгина опамни ойм қилиб оламан, дедим.

— Оббо сен-эй, шунақа дедингми? — деди Гулгина ич-ичидан ловуллаб олов чиқиб. Негадир шу тобда онасининг илтижоли кўзларини эслади. У ҳар куни қизидан жавоб кутади. Кунда турнақатор бўлиб келаётган совчиларни эслатади. Онанинг истаги қизини тезроқ қутлуғ жойига кўндириш. Қизи эса бепарво.

— Ойижон, бошингизга болиш бўламан, — дея ҳазилга олади. Юраги жиз этмагандан кейин қийин экан-да. Негадир ҳозир онасига раҳми келиб кетди.

Эртасига ишга келганда палата эшиги олдида уни яна Хондамир кутиб турарди. Бугун ҳам негадир қовоғи солиқ, ўтган-кетганларга ҳўмрайиб қарарди. Гулгинани кўрди-ю юзи сал ёришгандек бўлди. Югуриб пешвоз чиқди.

— Ия, Хондамир, бу ерда нима қилиб турибсан?

— Сизни кутиб турибман. Келман дейсиз-у, кетиб қолаверасиз. Алдоқчи...

— Оббо, энди алдоқчи ҳам бўлдимми? Уйга бориб келмасам бўлмайди-да. Мана келдим, сени ха-

вотир олмасин, деб. Бугун уйингга кетасан.

— Биламан. Сиз-чи, сиз биз билан бирга кетмайсизми?

— Мен кейинроқ бораман. Бу ерда ҳали тузалмаган ўртоқларинг бор. Уларга қарашим керак.

— Кейин борасизми?

— Албатта бораман. Чин сўзим. Ана, даданг ҳам келдилар. — Гулгина Хондамирга коридорнинг бошида келаётган дадасини кўрсатди.

— Дада, дада, Гулгина опам ҳам бизни кўраб борақанлар...

— Ҳа, ҳа... — деди Гулгина ҳам нима дейишини билмай доврираб.

— Хондамирни тузатиб оёққа турғизганингни учун сизга катта раҳмат, Гулгинахон!

— Бу — бизнинг вазифамиз, — Гулгина Хондамирнинг дадасига қаради. Йигитнинг кўзларида илтижо жилва қилиб нимадир демоқчи бўларди.

ВАЙРОНАГА АЙЛАНАЁТ- ГАН ОБИДА- ЛАР

Амир Темур қурдирган Оқсаройнинг донғи оламга кетган. Ушбу обидадан бугунги кунга келиб қоқ иккига бўлинган пештоқ устунлари сақланиб қолган, холос.

Зиёратга келган сайёҳлар ўтмишдаги меъморчиликнинг юксак намунасининг аҳволини кўриб афсус-надомат билан бош чайқайдилар.

Оқ саройнинг вайрон қилинишини ўша замон ҳукмдорларидан Абдуллахон номи билан ҳам боғлашади. Унга «бузувчи» деб лақаб қўйишган. Аммо бугунги кунда, кўз олдимизда бутунлай вайрон бўлаётган пештоқларни кўриб, патарат сабаблари Абдуллахонга нисбат берилиши нотўғри экан, деган мулоҳазага келамиз.

Ун йил бурун Ўзбекистон тарихий ёдгорликларни таъмирлаш илмий тадқиқот маркази Оқсарой пештоқи устунларини тиклаш лойиҳасини ишлаб чиққан эди. Афсуски, у деярли амалга оширилмади. Ёғоч тақчиллиги баҳона бўлиб уч йил аввал иш бутунлай тўхтатилди. Таъмирлашга ажратилган 15 минг сўмдан атиги минг сўми ўзлаштирилди. Обида пештоқининг юқори қисми эса ҳамон тўкилиб кетаётган.

Шаҳардаги бошқа тарихий ёдгорликларнинг аҳволи ҳам ачинарли. Ун уч йилдан буён «Кўк гумбаз» мачитини хавозалар қуршаб турибди. Бироқ бун-

— Келиб... келиб турсак майлими? — деди йигит ниҳоят паст, титроқ овозда.

— Майли... Фақат касал бўлиб эмас...

— Опанларга хайр қил, Хондамир!

— Хайр!

— Хайр, яхши қолинг.

— Бошқа касал бўлмаганлар.

Энди чўмилма, тойчоқ, хўпми?

— Чўмилмайман. Борасиз-а?

— Албатта.

Гулгина уларни шифохона эшигига кузатиб қўйди. Йигитнинг мунг чўккан кўзлари унга умид бағишлаб, эртақлардагидек сеҳрли оламни ваъда қиларди. «Келиб турсак майлими?» деган овози эса акс-садо бериб, қулоғи остида қайта-қайта жаранларди.

Тошкент

дан хотиржам бўлишга сира асос йўқ. Чунки мачит пойдевори ҳамда ичкарисини таъмирлаш лойиҳаси тайёр эмас. Кираверишдаги устун ёрилиб кетган. Шамсиддин қуллол, Гумбази Сайидона мақбаралари ҳамда шаҳардаги бошқа ўнлаб тарихий бинолар ҳалокат ёқасида турибди. Кўплари аллақачон вайрон бўлиб кетган.

— Шаҳрисабздаги тарихий иморатларнинг аҳволини кўриб дилинг хуфтон бўлади, — дейди шаҳар ижроқўмининг раиси Фазлиддин Ҳотамов.

— Шаҳар тарихий ёдгорликларида, унинг кўчаларида шарқ услубини сақлаб қолишимиз шарт. Аммо бунга амалга ошириш қийин бўлаяпти. Юқори ташилотларга мурожаат қилганимиз билан қониқарли жавоб ололмаямиз.

— Ун тўрт йилдан бери Шаҳрисабзда ихтисослашган таъмирлаш устахонаси фаолият кўрсатаётганига қарамасдан, ҳамон у тўлиқ изга тушмаган дейди, — устахона бош муҳандиси Зиёдулла Камолов. — Зарур техника йўқ, ёғоч, гишт ва бошқа қурилиш ашёларини ҳам тўла-тўқис олиб бўлмаяпти.

Шаҳардаги тарихий ёдгорликларнинг бугунги аҳволини нажотга муҳтож қарияга қиёслаш мумкин. Харобага айланаётган осори-атиқаларни кўра-била, қўл қовуштириб турсак, унда келажакимиз нима бўлади? Йўқ, иқтисодий қийинчиликларни рўқач қилиб, маънавий қадриятларимиздан юз ўгириш инсофдан эмас.

Суратда: Оқсарой харобалари. Сураткаш В. Панова.



Ғайбулла САЛОМОВ

Инсон

Кўраётми

I

Ўзимга саёҳат шояд...

Мени, кейинги ўн тўрт ой мобайнида бошидан оғир хасталикларни кечирган бир кишини, Тошкентдан Наманган шаҳрига, салкам тўрт юз чақирим йўл босиб етаклаб келган нарса ўз умримни лоақал яна бир неча муддатга бўлса ҳам узайтириш илинжи эмас. Ўлим ҳақ. Ундан ҳеч ким қочиб қутилолмайди.

Мени инсоннинг руҳий ҳолати қизиқтиради. Иқрор бўлайликки, биз ўз чегараланган маслак ва эътиқодимизга кўра муайян маънода тушунтириб бўладиган нарса ва ҳодисаларнигина эътироф қилдик. Тушунтириб бўлмайдиган ҳамма нарсани рад этдик. Бу ўзимизга қимматга тушди.

Аввалига ажабландим. Нега энди СССР Фанлар академиясининг Физика илмгоҳи (институт) қошидаги масофавий диагностика тармоқ илмий лабораторияси бўлими бошқа бирон жойда эмас, айнан бу ерда очилган?

Лаборатория қошидаги Шарқ табобати маркази директори, камгап ва интоҳойи камсуқум инсон Ином ўғли Муҳиддин Умар бўлади. Юқори малакали врач Ҳамидулло Қосим ўғли, халқ тиббиёти тажрибалари асосида доривор тайёрловчи Жакбарали Жўра билан суҳбатлашдим.

Стол устида бир компютер-асбоб ўрнатилган. Кўринишидан оддий бир «қути». Қаҳрабо (электр) тугмаси босилиши билан турли рақамлар саф тортиб ўта бошлади. Бир вақт қарасам, бутун вужудимнинг антиқа «жуғрофий» сурати пайдо бўлди. Орадан бор-йўғи бир дақиқача вақт ўтди. Ҳаким Ҳамидулло ҳалиги чизма нусхани мулла Муҳиддинга оширди. У шу захотиёқ қафтдай қозғага қараб мени «ўқий бошлади»...

Ҳайратимнинг чеки йўқ эди.

«Бу маликани ўтда ёқинг!»

Луқмонун Ҳаким беморнинг томирини ушлаб кўриб, қандай дарди борлигини ўзига айтиб берар эканлар.

Кунлардан бирида подшонинг қизи бетоб бўлиб қолади. Уни табибга кўрсатиб бўлмайди. Номаҳрам-да! Нима қилиш керак?

Шунда Луқмонун Ҳаким уйда ётган маликанинг билагига ип боғлаб, ипнинг бир учини ўзига келтириб беришларини сўрайди.

Подшо машҳур табибни синаб кўриш учун ипни маликанинг билагига эмас, чорпоянинг оёрига боғлашни амр қилади. Ҳаким қўлига тутқазилган ипнинг учини сийпалаб кўради-ю, нариги учи одам билагига эмас, жонсиз чорпояга боғланганини сезади.

— Бу «малика»ни дарҳол синдириб, ўтда ёндириб юбориш керак! — дейди табиб.

Бу гал ипнинг нариги учини қизнинг билагига боғлайдилар. Аллома аниқлайдиларки, малика касал эмас. Бир йигитни севиб қолган экан. Қизни куёвга узатадилар ва у тузалиб кетади.

Демак, ўша қадимул айёмда томирни ушлаб кўриб, узоқ масофадан туриб ҳам беморнинг дардини аниқлашган экан.

Бу-ку ҳайратомуз бир ривоят. Аммо мавлоно Муҳиддин кашф қилган антиқа компютер нафақат ерда, ҳатто коинолда учиб юрган фазогирнинг ҳам қандай дардга чалинганини бехато айтиб бера олади!

Мана буни мўъжиза деса дегудай.

Сеҳр

Тўққиз-ўн ёшларда эдим. Уруш йиллари. Қаҳатчилик. Саратов қиёмига етган. Ҳар йили ёз-куз фаслларида бизнинг Хатирчи ноҳиясида безгак одамларни қақшатади.

Бир кун Сув дарвоза гузаригадаги ҳовлимизга ногаҳонда таёғини судраб лўли хотин кириб келди. Бу вақтда раҳматлик онам айвонда қаттиқ безгак тутиб ётган эдилар.


Ҳалиги эллик-олтмиш ёшлар чамасидаги аёл тўғри бориб волидамга юзланди ва уни... даволаш учун келганини айтди. Билсак, бунинг учун битта хўроз керак экан. Қарангки, ҳовлимизда бор-йўғи битта хўрозимиз бўларди. Чор-ночор тутиб келдим (Халоскоримиз уни қўлига тутган ҳам эмас).

Бегона аёл онамга хўрозни қочириб юбормаслик учун маҳкам ушлаб туришни тайинлади-да, ўзи уч-тўрт газ нарида туриб аллақандай тушуниксиз, «ноинсоний» бир тилда жоду қила бошлади.

Қиёфаси даҳшатли тусга кирди. Турқаровати ўзгарди. Кўзлари ёнди. Мен ваҳимага тушиб, дағ-дағ титрай бошладим.

Қарасам, афсунгар авраган сайин, чўнкайиб ўтирган шўрлик онамнинг ҳам ранги қув ўчиб, тиззасидаги хўроз жон талвасасида питирлай бошлади. Орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас хўроз ўлди-қолди.

Шунда жодугар онамга юзланиб деди: — Кўрдингми, ичингдаги дардинг жониворга ўтди: Хўроз — ўлди, Сен — тузалдинг.



Экстрасенс Қодиржон Қори ўғли.

Сўнгра қўлига ҳассасини олиб, йўлга равона бўлди...

Уни кузатиб, дарвозадан ичкарига кирсам, не кўз билан кўрайки, онам ўрниларидан туриб, ҳовли саҳнида соппа-соғ, уй юмушларига киришиб кетибдилар...

Бу мен ҳаётда юзма-юз келган биринчи мўъжиза эди.

Мени ўзимдан яхшироқ биларкан

Сирли ақлли асбоб — пульсограф (томир-гич) ёнида ўтирардим. У бир ярим дақиқа ичида чизиб берган ўша тасвир асосида Муҳиддин дардларимни бирма-бир айтиб бера бошлади...

Мени умрида биринчи марта кўриб турган тамомила бегона бир инсон, чизмага қараб, баданимда қачон, қандай танглик, инқирозлар бўлганини ҳикоя қила бошлади.

Табиб менда содир бўлган бешта инқирознинг «анатомиясини» бехато топди. Ҳаммаси тўғри. Биронтасини рад етолмадим (Аксинча, ҳозир хотирамдан кўтарилиб кетган, ўттиз-қирқ йил олдинги жароҳатларни ҳам эслатди).

Юрак инқирозиди дўхтирларнинг мени деб қанчалик эзилганини, фидойилик қилганини, меҳрибончилигини унутсам онқўрлик бўлади. Аммо ҳозир гап бошқа ёқда.

Бизда кўп жиҳатдан даволаш усуллари яроқсиз. Дори-дармон тақчиллиги, замонавий асбоб-ускуналарнинг ниҳоятда камёблигини айтаётганим йўқ. Ишқал муносабатда. Биз ҳаммани бирдай, ёппасига «ақлли», «мулла», «олим», «юқори ихтисосли мутахассис» қилиб чиқармоқчи бўламиз. Ҳолбуки, тармоқланиб кетган олий мактабларимиз ёппасига ўқимишли, зукко, билагонлардан кўра, аксарият, мутаассиб, баъзан ҳатто чаласавод кишиларни «тайёрламоқда».

Шифокорлар кўпайгандан кўпайиб борапти (айни муддао!), аммо шунга тўғри мутаносиб ҳолда шифоталаб одамлар сони ҳам камайиб бораётгани йўқ-да.

Беморлар ёки касалликлар сони ошаётгани учун шифокорлар кўпайиб кетаяптими ёхуд шифокорлар кўпайиб кетганлиги сабабли янги-янги дард турлари болаб бораптими?

Уста уста эмас, асбоби уста, тўғрими?

«Сизни ким даволади?»

Ҳа, «нотўғри» мақол бўлмайди. Беморнинг ҳолатини ким тасвирлаб беради? Табибми ёки унинг «ақлли машинаси»ми?

Машина тасвирлайди. Демак, айтилган каромату лаёқатлар барчаси табибнинг қобилияти маҳсули эмас, балки ўша «темир қути»нинг... қобилияти экан-да?

Ҳа, мазкур асбобнинг барча ички «аъзолари» — ўта сезгир, ўта ноёб қисмлари чет элдан олиниб, сўнгра яхлит ҳолда йиғилган.

Ҳафсалангиз пир бўлмасин, азизим. Ҳар бир ҳолда томиргич чизиб берган тасвирни ўқиб тушуниш, талқин қилиш табибнинг зиммасида. Ҳа, дунёда якка-ягона «доно машина»ни якка-ягона бир инсон — Муҳиддин Умар тушунади, холос. Энг устаси фаранг муҳандис, зукко шифокор, ҳушёр алгоритмчи ҳам бу чизмалардан бирон маъно уқа олмайди.

Фараз қилайлик, ноёб асбобни биров ўмариб ҳам кетсин. Бефойда. Асл нусха (оригинал) бўлмиш табиб ўзи бу ёқда-ку.

Масаланинг моҳияти шундаки, бу ноёб машинага мавлоно табибимизнинг мия фаолияти, ақл-идроки ва сезгилари, тажрибаси баайни шундоқ кўчириб ўтказилган.

Айни ҳолда Муҳиддин Умарсиз машина ҳеч нарса эмас. Табиб эса машинасиз ҳам бемалол томирни ушлаб кўриб, дардини айтиб бераверади.

Шу жойга келганда ширин бир ўй, тахайюл қалбларимизни чулғайди: қанийди, Ибн Синодай даҳо бир табибнинг, минг йиллар теграсида Шарқ оламида фаолият кўргазган юзлаб зукко илму табобат аҳлининг билим ва тадбирлари ўз замонасида шундай бир «ақлли машина»га ёзиб олинган бўлганида-я!..

«Ноанъанавий» даволаш деб аталадиган Шарқ табобати бутун Советлар салтанати давомида қаттиқ қувғинга учраб келди.

Ўша қатағон йилларидан омон қолган табиблар ҳозир тегирмон навидан бутун чиққан самандардай гап. Саксонинчи йилларнинг бошларида ёш шифокор йигит Муҳиддин устидан қабих тухмат уюштирилади ва қораловчи (прокурор) уни ҳибсга олишга амр қилади (санкция беради). Дўстлари уни Масковга қочириб юбордилар. СССР Фанлар академиясининг Умумий физика ва академик Вернадский номидаги Геохимё илм-гоҳининг «Масофавий диагностика» лабораториясида (Андижон пахтачилик олийгоҳи васиқаси билан!..) тўрт ярим йил мобайнида аввал илмий ходим, сўнгра шу лабораториянинг мудири вазифасида хизмат қилади... Телевизор саҳнида ёш, хибичим, тиниқ бир жувон кўринади.

— Мен йигирма беш ёшимда... рак касалига мубтало бўлдим, — деб гап бошлайди аёлгина. — Дўхтирларнинг айтишича, бу дарди бедаво экан. Ўн тўрт маротаба кимётерапия билан даволашди. Буткул силлам қуриди. Энг сўнгги дамда қораталогимни кесиб ташлашга қарор қилишди. Ана шу кезларда Муҳиддин деган шифокор йигитга мурожаат қилдим.

Олянинг айтишича, Муҳиддин қораталоқни кестирмаслик ва кимётерапиядан бош тортиш шarti билан уни даволашга рози бўлган. Қиз маслаҳатлашиб, бу шартга кўнган. Бир ярим ой мобайнида доривор гиёҳлардан тайёрланган шарбатлар билан қиз дардан фориг бўлиб кетган.

— Азоб чекиб ётганимда, — деб икром бўлади Оля, — ҳаётдан бутунлай умидимни узиб, кулиш, табассум қилиш нималигини буткул унитиб юборган эдим. Мана, кўринг, табассум қилаяпман...

Бу ҳали ҳаммаси эмас! Бир йил мобайнида ёш келинчакнинг бўйида бўлмайди. Табиий ҳол. Кимёнинг «шарофати». Оля яна ўз халоскорига мурожаат қилади. Яна аллақандай ўтдан тайёрланган дори ича бошлайди. Ва... бўйида бўлади.

Врачлар Оляга туғишни қатъиян ман қилдилар ва саккиз ойлик ҳомилани туширишга ундашади.

Ёш келинчак кўз ёради, боласини қўлига олади.

— Мана кўзимнинг оқу қораси Машенькам! — деб уч ойлик соғлом гўдагини бағрига босади у. — Нима десам экан? Муҳиддинжонга раҳмат!

Бир дунё қувонч.

Олкиш.

Фақат врачлар ҳайрон:

— Ҳай, айтсанг-чи, ким даволади сени?..

Ҳаяжонли манзарани кўриб турар эканмиз, кўзларимиз ва қулоқларимизга ишонгимиз келмайди. Қалбимиз ғурурга тўлади. Бу воқеа гўё ҳозиргина, мана шу ерда, шу топда содир бўлгандай, Муҳиддинни табриклаймиз. У эса бирон «айб» иш қилиб қўйгандай, хижолат тортади.

— Буни тагин эл орасида гапира кўрманг, — деб «илтимос» қилади у. — Рак — жуда оғир дард. Бутун дунё шифокорлари бош қотирапти бу хусусда. Бизнинг Совет врачлари ҳам бир мунча ютуқларни қўлга киритишди. Тан бериш керак. Биз ҳам бу ерда жим турганимиз йўқ. Бироқ... Ростки, ҳали олдиндан бир нарса дейиш қийин. Саломат бўлсак кўрармиз.

Бахтли... фалокат

Тун кунни туғади. Еруғлик зулмат бағрида этилади.

Омад... 1966 йилда содир бўлган даҳшатли автомобил фалокатидан бошланган. Қаттиқ шикастланган Муҳиддинни Хитойдан келган бир уйғур табиб узок вақт даволаган.

Шу тариқа ўн олти йил давомида (то уйғур устанинг вафотига қадар) дардманд билан шифокор ўртасида устод-шогирдчилик муносабати бошланади.

Устод вафотидан сўнг, йигит иккинчи олийгоҳ — медицина институтига киришга чоғланди. Афсус, ёши ўттиз олтига кириб қолганидан бу орузсини рўёбга чиқаролмайди.

Ўзбек йигитида мужассамлашган катта қувват ҳамда қобилиятни зукколик билан кўра олган Наманган дорулмуаллимининг лаборатория мудири, ҳикмат-риёзиёт фанлари номзоди, доцент Абрам Самойлович Магаршак унга медицинанинг кераги йўқлиги, аксинча, унинг ўзи «медицина» эканлигини уқтиради. «Мен Сенинг тиббий хислатинг, қобилиятингни машинага кўчираман», дейди у.

Шу тариқа тамомила янги соҳада улкан, мураккаб, зиддиятли, ишонч ва шубҳа, тасдиқ ва раддия ва қаршилиқларга тўла фаолият бошланиб кетади.

(Мақола тўлалигича «Мулоқот» журналида чоп этилади.)

Инсонда дунё, дунёда инсон намоён

2

МАВЛОНО МУҲИДДИН

Қиссамнинг бош қаҳрамонларидан Муҳиддин табиб билан биринчи марта унинг мўъжазгина ишхонасида учрашганимда, у менга қандайдир таниш, азалдан жуда яқин ва қадрдон одамдай туюлди. Уни қаердадир кўргандай эдим.

Йўқ, уни ҳеч қачон, ҳеч қаерда кўрган эмасман.

Мен у билан тез тил топиша олдим. Чунки кўпгина масалаларда гапимиз бир жойдан чиқди. Эртаси куни меҳмонга чақирди.

Мезбон бизни ҳовлисига таклиф қилди-ю, уч-тўрт оғиз одатий ўзбекона манзиратга ҳам улгуриб-улгурмай, узр сўраб, тасвирли магнитофонни телевизорга улашга берилиб кетди. Маълум бўлишича, эрталаб барвақт ўз иш фаолиятдан суратга олинган тасвирли тасма (кассета)лардан нусха кўчириб, келишувга кўра, АҚШ мутахассисларига юбориши керак экан. Германия, Швейцария, Булгория ва бошқа мамлакатлардан сўнг, навбатда Наманган табобат маркази билан Америка шифокорлари ва муҳандислари ўртасида қўшма даволаш муассасаси тузиш хусусида тайёргарлик кетаётганидан хабар топдик.

Бу ҳолатнинг устидан чиққанимиз бизга қайтага қўл келиб қолди. Қарабсизки, тасвирлар телевизор саҳни (экрани)га тушиб, «томоша» бошланди.



СССР космонавт учувчиси, Совет Иттифоқи қаҳрамони Л. Дёмин ва шифокор Муҳиддин Умар.



МУЛЛА ТҮЙЧИ ҲОФИЗ

Мулла Тўйчи ҳофиз ўтган асрнинг охиридаёқ шунчаки бир шахснинг исмигина бўлиб қолмай, балки бутун миллат мусиқа маданиятининг ифодаси бўлиб жаранглади. Тўйчи Ҳофиз овози ўша даврлардаёқ нафақат Туркистон шаҳар ва қишлоқларида, балки кўпгина хорижий Шарқ мамлакатларида ҳам шинавандаларнинг меҳрини қозонган эди.

Тўйчи Ҳофиз халқ севган, ардоқлаган улкан истеъдод соҳибигина бўлиб қолмай, ватандошларнинг маънавий, маданий эҳтиёжларини чуқур ҳис этган ажойиб ташкилотчи, санъат тарғиботчиси ҳам эди. Унинг ўзбеклардан биринчи бўлиб 1905 йилдаёқ Ригадаги овоз ёзув (аср янгилиги) студиясида йигирмадан зиёд кўшиқлари ёзилиб, турли юртларга тарқатилган. Бу «мўъжиза»нинг халқ орасида кенг ёйилишига ҳисса қўшганлиги, Туркистоннинг кўпгина шаҳарлари ва ҳатто Ғулжада ҳам граммофон ва пластинкалар сотув дўконларини ташкил қилганлиги халқ маданий ҳаётида қандай улкан аҳамиятга эга бўлганлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов 1868 йилда Тошкентда, камбағал бир хонадон оиласида дунёга келди ва 1943 йили вафот этгач, умум-халқ таъзияси ила ерга қўйилди. Ҳофиз эллик йилдан ортиқроқ давр мобайнида тенги йўқ санъати билан, одамийлиги билан халқига хизмат қилди, эл ҳам уни жону дили билан севди, «Тўйчи Ҳофиз» ёхуд «Мулла Тўйчи» дейилганда қалби шодликка тўлди, тўю маъракаларининг тўрига ўтказди, у билан фахрланди.

Санъаткорнинг ҳаёти одатда унинг санъати билан чамбарчас боғлиқ кечади. Ижодкорнинг турмуш тарзи билан унинг санъати орасидаги ўзаро тақозолик бор гап. Зотан, кундалик турмуш, ҳаёт, атрофдаги одамлар, бир сўз билан айтганда, муҳит унинг санъатига озуқа беради, ўз навбатида санъати унинг ҳаёт тарзига таъсир кўрсатади.

Сўзи бошқаю, иши бошқалик фаолиятнинг бошқа турларида бўлиши мумкин эса-да, эл билан доим бевосита мулоқотда бўлувчи, унинг кўзи ўнгида ижод қилувчи санъаткорда бундай қарама-қаршилик мустаснодир.

Тўйчи Ҳофизнинг 75 йил кўрган муборак умри ва ярим асрдан ортиқ беқиёс фаолияти мисолида ижодкорнинг буюк инсон бўлган-

лигини, ҳар бир куй ва ҳар бир кўшиқ устида ижодий изланиш ва меҳнат қилишни ўзига қонун этиб олганлигини ва ўнлаб шогирдларга бу одатни сингдирганлигини кўра-миз.

«Қаро кўзим» («Ушшоқ») ашуласини ҳақли равишда ҳофизнинг ўзига ўзи қўйган ҳайкали дейдилар.

Бироқ... Ўзбек мусиқа санъати, умуман ўзбек театр ва мусиқа маданиятининг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажаги ҳақида ўйлаб хаёлга толасан киши.

Маданиятимиз ўтмиши ҳозир қандай тасаввур қилинишини, ҳозирги куни масалалари ҳақида ўйласак, ўз ижоди билан икки асрни боғлаган, миллий санъатимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган буюк санъаткоримизни унутиб юборибмиз, дейман. Айтишлари мумкин: «Нега энди?», Тошкент граммпластинкалар заводи ҳофиз номида, бир вилоят театри, кўчалар, мактаблар ҳофиз номида. Менимча, халқ хотираси бу билан чекланиши мумкин эмас. 1971 йилда бор-йўғи уч минг нусхадагина чоп эттирилган, Баҳриддин Насриддинов қаламига мансуб «Тўйчи ҳофиз» деб аталган ки-

чиккина китобчадан бўлак илмий, илмий-оммабоп ва бошқа йўсиндаги бирор бир асарнинг йўқлиги фақат бизнинг ўз маданиятимиз тарихига, қолаверса, унинг келажига ҳам бефарқ эканлигимизни кўрсатмайдими? Афсусланарли ери шундаки, «Ўзбек музикаси тарихи», «Ўзбек операси» ва бошқа махсус асарларда ҳам ҳофиз ҳақидаги фикрлар бир-икки оғиз жумла билан (масалан, «Лайли ва Мажнун», «Ҳалима» ва бошқа спектакллари саҳналаштиришда, ашула ва мусиқалар танлашда Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов яқиндан ёрдам берди» қабилида) чекланилади. Ҳолбуки, маданиятимиз тарихига бағишланган тадқиқотларни қайта назардан кечириш, санъатимиз, маданиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшганлар ўрнини холисона белгилаш вақти аллақачон етилди.

Тўйчи ҳофиз санъати анъаналарини, ижод мактабини атрофлича ва чуқур ўрганиш нафақат хотира, у бугунги мусиқа санъатини, ижрочилик маҳоратини ўстириш учун ҳам ниҳоятда зарурдир. Мулла Тўйчи Ҳофиз ҳеч шубҳасиз ўз мактабини яратган буюк санъаткордир.

Алоҳида қайд этиш керакки, халқимиз қалбидан мустақкам ўрин олган Юсуф қизик, Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, Тамарахоним, Ҳалимахоним, Уста Олим, Қори Ёқубов, машҳур Шожалиловлар, жумҳуриятимизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Хоразм ва бошқа кўп вилоятларида ном чиқарган жуда кўп улкан мақомчилар ўзларини фахр билан буюк устод Тўйчи ҳофизнинг шогирди ҳисоблаганлар.

Тўйчи ҳофиз нафақат ўнлаб, юзлаб ўзидан бевосита ва билвосита баҳраманд бўлган шогирдлар нафасида, балки ўзининг фарзандлари Абулқосим Тўйчиев, Эркин Тўйчиев ва бошқа жуда кўп авлодлари ижодиди ҳам яшаб келмоқда.

Навойи, Фузулий, Муқимий ва бошқа сиймолар ижодини янги ифода воситалари билан эл қалбига сингдирган, ижрочиликда ажойиб мактаб яратган буюк ўтмишдошимиз Мулла Тўйчи ҳофиз мўътабар номи элимиз қалбида ҳамешаликка иззат ва ҳурматдадир. Зеро, жасорат билан кечган санъаткор ҳаёти келажак авлод учун ҳам ибрат мактабидир.

Тоир ИСЛОМОВ



Қоракўзим...

Сураткаш А. Караваев.



Лутфулла Абдуллаев. Ўзбек халқининг машҳур ҳофизи Мулла Тўйчи Тошмуҳаммад ўғли.



Болалигим дараhti

Шолқон қишлоғи

Ўзбекистон халқ рассоми

Рўзи Чориев

ижодидан намуналар



Туш



Самарқанд. Абу Дорун мақ-
бараси





Чумчуқорол

Ёш rassom
Сухроб Эгамбердиев
ижодидан намуналар

Оқшом





Муқаддас

Маккаи муқаррама

кўринишларидан.

Сураткаш А. Жумаев

Муборакнома

Ўзбек аёллари! Онажонларим,
Эй сиз опаларим, сингилжонларим,
Кетмон уриб юрган, бел букиб юрган
Қўли қадоқларим, бағри қонларим.

Сизни паранжидан айладик озод,
Паранжидан озод бошларингизга,
Поёнсиз далани юкладик дилшод,
Заҳарли далалар муборак Сизга!

Сизга паранжини кўрдик нораво,
Паранжидан озод бошларингизга,
Беш милён пахтани юкладик илло,
Беш милёнли хирмон муборак Сизга.

Сизни паранжидан қутқардик буткул
Паранжидан озод бошларингизга,
Мана чиқиб олдик ўзимиз дадил,
Бешумор текинхўр муборак Сизга!

Вашар қулоқларин қилгунча батанг
Давомли қарсақлар остида, кушод
Бошингизда туриб айтамыз, қаранг:
Аёллар бошини айладик озод!

Йўли тўсиқ йўлчи қўшиғи

Юрагимни ғуссалар босди,
Менга дунё қовоғин осди,
Нетайинким, ёвлардан аввал
Йўлларимни дўстларим тўсди.

Қани кимдан сўрайин имдод,
Қани қайдан тилайин нажот,
Ҳабибларим бағримни тилди,
Фалак эса қилди номурод.

Борми мендек нотавон, фақир,
Евдан жабр, ёрдан ҳам жабр.
Манзилимга ета олмасман:
Йўли тўсиқ йўлчиман ахир.

Йўлдошларим, афсус, сотағон,
Аҳд омонат, вафо қатағон,
Олам мудом ёмонга яхши,
Олам мудом яхшига ёмон.

Юрагимни ғуссалар босди,
Менга дунё қовоғин осди,
Нетайинким, ёвлардан аввал
Йўлларимни дўстларим тўсди!

* * *

Толесизлик ҳеч кимни унутмайди:
Бировга у, бировга бу етмайди.

Сувдан қочар кимдир, қимдир
дейди: сув,
Ўтдан қочар кимдир, кимдир ўт
дейди.

Ҳаром нолон: ҳалолни ер ютмас деб,
Ҳалол нолон: ҳаромни ер ютмайди.

Юсуф ғами оғир ҳамманикидан:
Унинг охи севганига етмайди.

Ҳалок бўлган фидойига табрикнома

Халқинг учун тиккандинг жонни,
Халқинг сени хору зор этди.
Бошга қўйдинг битта жононни,
У ҳам сени шармисор этди.

Ёқайин деб ҳақ чироғини
Дарё бўлди қонли ёшларинг.
Еса ҳамки кўзинг ёғини,
Кўзинг ўйди қариндошларинг.

На эътибор, на меҳр ва на
Диёнатни кўрдинг дунёда.
Садоқатнинг ўрнига, ошна,
Хиёнатни кўрдинг дунёда.

Мана бу кун тарқалди хабар,
Сўнги нафас — рамақни ютдинг.
Табриклайман, шўрлик биродар,
Барчасидан қутулиб кетдинг.


Тўрачиликка қарши

Бесўроқ йўталма, бесўроқ кулма,
Бошингга қора кун тушади, улфат,
Ўзингча онангни зиёрат қилма,
Тегишли жойлардан бўлмаса рухсат

Ижозат бўлмаса демагин салом,
Осмонга боқмагил гўзал деб ҳилол.
Айтмоғингдан аввал бирон-бир
калом
Тегишли жойлардан рухсатнома ол.

Ҳаво ютмоқ учун ёзгин ариза,
Ёзгин севганимдан олай деб бўса.
Отанг ўлганида очмагин аза,
Тегишли жойлардан рухсат бўлмаса

Мана мендан ибрат олмоғинг
мумкин,
Бағрим аламлардан тешилган,
улфат
Тегишли жойларни танқид қилмоқ
учун.
Тегишли жойлардан сўрайман
рухсат!



Юсуф ЖУМАЕВ

Бузилмаган ўлка

Бузилган ўлка деб сени бир замон
Бошидан ажраган шўрлик Чўлпонинг.
Яшагим келади... кечир, онажон,
Бузилмаган ўлкам — Ўзбекистоним!

Тарихи бузилган, тили бузилган,
Мардлардан тул қолган эли бузилган,
Ой, куни бузилган, йили бузилган,
Бузилмаган ўлкам — Ўзбекистоним!

Бухоро нотавон, йиқиладельтир,
Хева мисли Дишон, йиқиладельтир,
Самарқанд беимкон, йиқиладельтир,
Бузилмаган ўлкам — Ўзбекистоним!

Ғарбга сажда қилиб шеъри бузилган,
Аёли бузилган, эри бузилган,
Тупроғи бузилган, ери бузилган,
Бузилмаган ўлкам — Ўзбекистоним.

Ҳавоси бузилган, иси бузилган,
Боғлари бузилган, туси бузилган,
Баҳори бузилган, куни бузилган,
Бузилмаган ўлкам — Ўзбекистоним!

Дардингни англашни истамас ҳеч ким,
Фалакни бузади шу боис оҳим,
Бузилмаган жойи қолмаган жойим —
Бузилмаган ўлкам — Ўзбекистоним!!!



Қорақўл.



ДИНОЗАВРЛАР ҲАЛОҚАТИ

Америкалик олимлар бундан 65 миллион йил муқаддам сайёрамизга ташриф буюрган астероиднинг тушган жойини аниқладилар.

Ҳозир Аризона дорил-фунуни олимларининг қўлида астероид Шимолӣ ва Жанубий Американинг қоқ ўртасида, аниқроғи Кариб денгизи қаърига тушганлиги тўғрисида инкор қилиб бўлмайдиган далиллар бор. Фараз қилинишича кўндалангига 10 километр ҳажмидаги астероид ёки астероидлар тўдаси сайёрамиз билан тўқ-

нашган маҳалда даҳшатли портлаш рўй берган. Портлашнинг нақадар улканлигини шундан билиш мумкинки, унинг қуввати айни кунда жаҳонда тўпланган барча ядро қуролларидан 10 минг марта қудратли бўлган. Оқибатда атмосферага катта миқдордаги чанг-тўзон кўтарилиб, замин сатҳи кескин совиб кетган. Бу офат ўша

вақтда ер юзиде бўлган наботот олами ҳамда динозаврларга қирон келтирган.

Сейсмографик технология асосида Кариб денгизи тубида кўндалангига 300 километр, чуқурлиги 1 километр масофада бўлган чуқурликнинг аниқлангани юқоридаги фаразларнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Кўшиқнинг давомийлиги

Н уфузли луғатларда «хофиз» сўзига қуйидагича таъриф берилган: ашулани, чолғучи, куйловчи; сақловчи, асровчи, бохабар бўлувчи ва ҳоказо... Халқ хофизларининг санъатларига, фаолиятларига худди шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, уларнинг халқимиз маданиятини ўстиришда, мусиқий ҳунарнинг гултожларини авлоддан-авлодга, асрлардан-асрларга ўтказиб келинишида қанчалик савобли бурч-вазифани ўтаб келганликлари ва ҳозир ҳам ўша қутлуғ анъаналарни давом эттираётганликлари билинади.

Гоҳо одам ўйга толади: бир неча юз йиллик тарихга эга бўлган шашмақом куйларига қадимий халқ кўшиқлари қандай қилиб шу кунларгача етиб келдикини? Ахир магнит ленталарига кино тасвирларининг пайдо бўлганига ҳали бир аср ҳам тўлгани йўқ-ку?.. Ҳа, ленталару тасвирлар йўқ эди, аммо ўз санъатлари ила замондошларини хушнуд этувчи ва шу билан бир вақтда халққа манзур дурдона асарларни келгуси замонларга етказувчи хофизлар — созандалару навозандалар бор эдилар.

Тўғри, катта карвон узоқ сафарда юрар экан, йўл-йўлакай унча-мунча йўқотишлар ҳам юз бериши табиий. Халқ ҳикматида айтилганидай, лашкар бехатар бўлмайди-да. Борди мазийда ҳам магнит ленталарига ўхшаш нима-лардир мавжуд бўлганида Ибн Сино нотага туширган кўшиқлар, Форобий яратган ва ижро этган куйлар, Улуғбек ва Навоийнинг савқи табиий хиргойиси бўлиб халқ орасига тарқалиб кетган мусиқий дурдоналар шу кунларгача тўла-тўқис етиб келарди... Майли, шунисига ҳам шукур, ҳозиргача етиб келганларини бундан бўёғига асраб-авайласағу бойитиб борсак — санъатнинг давомийлиги ана шунда.

...Санъат аҳли ва шинавандалар орасида шундай ривоятнамо гап бор: Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон радиоси орқали бериладиган концертлар тўппа-тўғри микрофон олдида ижро этиларди. Эшиттиришлардан бирида Хофизлар Хофизни, мактаб яратган буюк устоз Мулла Тўйчи Хофизнинг «Ушшоқ» ашуласи ҳам режалаштирилган эди. Нима ҳам бўладию хофиз ўз вақтида студияга етиб келавермайди. Ансамблдагилар ҳам, студия ходимлари ҳам, ана келар-мана келар, дейишиб хофизни кута бошлайдилар. Сўнги дақиқаларни ҳамма ҳаяжону хавотир билан ўтказди. Микрофон олдида ёзув билан ўтирган дикторга бу орада ҳеч ким ҳеч нима дейишга улгурмайди. Хофизнинг келмаганидан беҳабар диктор эса, ашулани эълон қилиб юборади:

— Энди Мулла Тўйчи Хофиз ижросида «Ушшоқ» ашуласини эшитинг...

Боядан бери ҳаяжонда ўтирганлар таҳликага туриб қоладилар. Бир неча лаҳза ноқулай жимлик ҳукм суради, ҳамма бир-бирига қарайди. Ҳазил гапми ахир, бутун жумҳурият аҳли радиого қулоқ солиб турган, ҳозир «Ушшоқ»ни эшитамиз, деб илҳақ кутаётган бўлишса!.. Ана шунда Тўйчи хофизнинг шогирди Юнус Ражабий шартта ўрнидан туради-да, микрофон ёнига боради, шу баробарида чолғучиларга ишора қилади... «Ушшоқ» ашуласини бу гал Тўйчи хофиз эмас, унинг шогирди ижро этганини билганлар билади, билмаганлар билмайди.

Бундай воқеалар санъатнинг давомийлигига ҳам, санъат кишиларининг фидойилигига топқирлигига ҳам мисол бўла олади. Дарвоқе, санъатнинг давомийлиги... Бир вақтлар Мулла Тўйчи хофизнинг йўқлигини билдирмай «Уш-

шоқ»ни қойиллатиб ижро этган Юнус Ражабийнинг аксари фарзандлари санъаткор эканлиги, улардан бири — Ҳасан Ражабийга яқиндагина Ўзбекистон халқ хофизини унвони берилгани санъатнинг давомийлиги эмасми? Қачонлардир Юнус ака ижро этган ашулаларни қайта тириштириб, уларнинг ёнига янги-янги ашулалар қўшаётган, бунинг устига шашмақом устаси Юнус Ражабий ҳақида хотиралар тўплаб юрган Ҳасан Ражабийнинг маҳорат йўлидаги заҳматларию интилишлари унинг зукко отага муносиб ўғил эканлигидан дарак бермайдими?!

Ҳасан Ражабийга халқ хофизини унвони берилиши навқирон санъаткорнинг яқинларини ҳам, кўпчилик ашула мухлисларини ҳам хурсанд қилди. Бироқ Ҳасанбойнинг ўзи эса хиёл бошқачароқ фикрда.

— Айрим устозларим олдида биров ноқулай аҳволда юрибман,— дейди у ўзаро суҳбатда.— Ҳали бундай юксак номга лойиқимдим, йўқми — ўзим ҳам билмайман. Эҳтимол бундан кейин қиладиган ишларим ҳам ҳисобга олингандир, эҳтимол шу номга сазовор бўлишимда дадамларнинг мусиқа санъати бўйича олиб борган хизматлари ҳам ҳисобга олингандир. Ҳар ҳолда биз хофизларнинг халқ олдидаги бурчимиз жуда улуғ... Ҳа, жуда улуғ ва оғир. Айниқса ҳозирги кунларда қийин бўлиб кетди. Нега дейсизми? Сўнги бир неча ўн йиллар давомида ўзимизнинг миллий мусиқамизга эътибор пасайиб кетди, Оврупоча мусиқа маданиятига топиниш кучайди. Ваҳоланки аввал ўзимизнинг санъатимизни кўз қорачигидай асрашимиз, кўпайтиришимиз керак-да, шу ишдан ортсак, бошқа халқларнинг маданиятларига аҳамият берсак бўлади...

Навқирон хофиз нималарнидир мулоҳаза қилгандек ўйлиниб қолади-да, яна сўзини давом эттиради:

— Узингизга маълум, ўзбек халқи тўй-ҳашамни яхши кўради, ўғлимни уйлантирсам, қизимни чиқарсам, деб умр бўйи тиним билмай меҳнат қилади. Санъаткорлар ҳам кўп ҳолларда тўй-ҳашамларда ўз санъатларини намойиш этадилар. Халқимиз кўпинча тўйларда санъатдан, аниқроғи, мусиқа санъатидан баҳраманд бўладилар. Аммо бу ишда афсусланарли гаплар бор... Ота-боболаримиз мақом куйларини, халқ кўшиқларини ғоят берилиб, бош ирғаб тинглаганлар. Яхши хофизнинг бирор тўй ёки маърақада айтган ашуласини ҳафталаб, оилаб мақтаб юрганлар. Ҳозир эса ўшандай тингловчилар, чинакам халқ мусиқасининг шинавандалари камайиб кетаяпти. Бунинг боиси, юқорида айтганимдек, ўзлимизни унутиб, бегона мусиқаларга берилиб кетишимиздандир. Кўп тўйларда шундай манзарани кузатсак бўлади: гумбур-гумбур мусиқа чалинади, ашула айтилади, ёш-яланглар кўплашиб рақсга тушадилар. Рақслар-ку мусиқанинг зарби бўйича давом этаверади, аммо ўша кўшиқ-ашуланинг бирор сўзини ҳеч ким англай олмайди. Англаш ҳақида ҳеч ким ўйламайди ҳам! Ахир номи кўшиқ ёки ашула бўлганидан кейин унинг сўзи ҳам тингловчига етиб бориши керак-ку! Ахир бирор шоир қандайдир шеър ёзганидан кейин унга бирор бастакор мусиқа басталайди-ку!.. Бу гаплардан чиқадиган хулоса шуки, халқимизнинг гули бўлган ёшлар ҳам узоқ асрлардан бери давом этиб келаётган анъанавий мусиқамизни унинг маънодор сўзлари билан тинглайдиган даражага етишлари лозим. Бу ишда биз хофизларнинг ҳам бурчимиз жуда катта. Энг аввало ашула учун сўз танлашда зукколик билан иш кўришимиз,

ўша сермазмун, таъсирчан шеър ёки газалга мос оҳанглар топишимиз лозим. Ана шу йўл билан халқимизнинг мусиқий санъатимизга бўлган меҳрини оширишимиз керак.

Ҳасан Ражабий мулоҳаза билан, камтарлик ва расолик билан сўзларди. 1967 йили ўрта мактабни битириб, Тошкентдаги театр ва расомлик институтига ҳужжат топширганини, аммо биринчи имтиҳондаёқ «йиқилганини» ҳам яширмади. Ўрта мактабдалигидаяқ ашула айтишга, чолғу чалишга иштиёқи баландлигини айтди. Танбур чертиш сирларини ўз шогирдларига эринмай ўргатадиган моҳир санъаткор Турғур Алиматов номини алоҳида эҳтиром ила тилга олди. Ёшлигидан бошлаб ва ҳозир ҳам Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Ориф Алимаҳсумов, Ҳожихон Болтаев сингари хофизларимизнинг санъатларига қаттиқ меҳр қўйганини, турк, эрон, араб ашулаларини ҳам ҳузур қилиб тинглашини изҳор этди.

Гап мавзуи қадимий мусиқий маданиятимизга келиб тақалади. Ҳақиқатдан ҳам шу ўринда ёшларимизга айтадиган, ўқтирадиган анча-мунча гаплар бор. Қадимда, яъни октябр инқилобига Фарғона мусиқа мактаби, Самарқанд мусиқа мактаби, Хоразм мусиқа мактаби, Тошкент мусиқа мактаби сингари жуғрофий санъат маконлари мавжуд эди. Жуғрофий номлар билан юритиладиган бундай мактаблар атрофига йиғилган санъаткорлар ўзларининг мусиқий ҳунардаги ранг-оҳанглари билан алоҳида ажралиб турардилар. Шу билан бирга улар навбатма-навбат сафарларга чиқиб, ёндош мактабларнинг вакиллари билан ҳам учрашиб, бир-бирларига ўргатиб, бир-бирларидан ўрганиб, ҳозирги ибора билан айтганда, тажриба алмашиб қайтардилар. Демак, барча мактаблар бир-бирларининг ютуқ ва камчиликларидан баҳраманд, бохабар бўлиб юрганлар. Ана шу мактабларнинг жамиси йиғилиб, халқимизнинг умумий маданиятини ташкил этган. Мисол учун Тошкент мусиқа мактабининг етук вакилларидан бири Шораҳим Шоумаров бухоролик Домла Ҳалим Ибодов билан, самарқандлик Ҳожи Абдулазиз билан жуда иноқдўст эди. Тошкентлик санъаткорлардан Юнус Ражабий, Рисқи Ражабий ва Имомжон Икромов бир вақтлари Самарқандга бориб Ҳожи Абдулазизнинг уйида яшаганлар ва таниқли хофизга шогирд тушганлар. Академик Юнус Ражабий ёшлар билан ўтказган суҳбатларидан бирида ўз устозларидан Шораҳим Шоумаров билан Ҳожи Абдулазиз номини алоҳида ўқтириб айтган эди.

Бундай маълумотларни келтиришдан мурод шуки, ажодларимиздан бизгача етиб келган маданият намуналарини, жумладан мусиқий санъат намуналарини ҳам эъзозлашимиз, яна ҳам ўстириб, равнақ топтиришимиз лозим. Бу йўлда навқирон хофиз Ҳасан Ражабий ҳам ўзига хос ашулалари билан яхши хизмат қилмоқда. 1964 йили ўзининг «Сайёра» ашуласи билан биринчи марта зангори экранда кўринган Ҳасанбой, мана, чорақ асрдики, халқона кўшиқлари билан мусиқа санъати шинавандаларига манзур бўлиб келаётир. Айни пайтда хофизнинг репертуарида икки юзтадан ортиқ сара ашулалар жой олган. Улар орасида «Ушшоқ», «Баёт — 1», «Баёт — 2», «Муножат», «Гиря», «Сегоҳ», «Соёя», «Тановор», «Еввойи тановор», «Кошки», «Талқини баёт ва таронаси», «Не наво соз айлағай», «Ул қаро қошим менинг» каби ашулаларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

— Мусиқа санъати инсонни меҳр-шафқатли, раҳмдил, маданиятли қилиб тарбиялайди, жаҳолатни қувади,— дейди Ҳасан Ражабий.— Шу боисдан ўзимча ўйламанки, болалардаги мусиқага бўлган қизиқишни богча ёшидан бошлаш керак. Ушанда ҳам миллий руҳдаги мусиқага алоҳида эътибор бериш керак. Ана шунда тўйлар ва бошқа йиғинларда одамларимиз халқ кўшиқларини ҳам, мақомларни ҳам яхши тинглайдиган бўладилар. Бу борадаги ишга биз хофизлар ҳам ўзимизнинг бетакрор, мукаммал ашулаларимиз билан ҳисса қўшишимиз лозим. Бундай савобли иш — хофизлик бурчимиздир.

Оқилжон ҲУСАН

Даврнинг маънавий эҳтиёжи, ҳаёт муаммолари бадий адабиётни озиклантириб турувчи омиллардир. Уни қанчалик кучли, таъсирчан, етук шаклда ифодалаш ёзувчи маҳорати билан боғлиқ масаладир. «Ўтган кунлар» романининг қаҳрамонлари — Отабек, Кумуш-биби, Зайнаблар тақдирларида оилавий-ахлоқий фожиаларни, шунингдек ижтимоий муҳитнинг шафқатсизлигини Абдулла Қодирий шундай тасвирлаганки, биз бош қаҳрамоннинг ҳаётни қайта қуриш тилаги замида давр муаммолари яширинганини ҳис қиламиз.

Ёзувчи ўзи яратган асар қаҳрамонлари фаолиятида жамият тараққиёти учун зарур бўлган давр ғояларини ифодалайди. Бошқача айтганда, ёзувчининг асари ўз замондошларининг онгида ҳукмрон бўлган, аслида унинг ўзгаришини давр талаб қилаётган ғояларни тасдиқлаш йўлидан боради.

Маълумки, замонавийлик ижод қалби ҳисобланади. Замонавийлик кенгроқ маънода турмуш ҳақиқатининг бадий тимсолларда кашф этилиши билан боғлиқдир. 70-йилларнинг бошларида яратилган Мирмуҳсиннинг «Дегрез ўғли» романида муаллиф ўз замондошлари ҳаёлида куртак отиб келаётган, энг аввало, жамиятни гўзаллаштиришга хизмат қиладиган ғоя — халқпарвар раҳбар ва уни тухматлардан асраш муаммосини кўтарди. Бироқ романнинг бош қаҳрамони бўлган Арслон олдинги қаҳрамонлар сингари нуқсонсиз ва доғсиз қилиб яратилмади. Ёзувчи бош қаҳрамон фаолиятини туғдирадиган муҳитни ҳаётнинг ўзидан олган. Арслон ўз даврининг фарзанди. У фаолият кўрсатган шароит, шу шароитда юз бериши мумкин бўлган тарихий воқеалар «Дегрез ўғли» романи сюжетини яратишга асос бўлган. Бу даврда иғво туфайли раҳбар кадрларнинг таноби тортилиб, мансабдан четлатилиши оддий воқеа эди. Мансаб таллашишлар, ҳалоллик билан хиёнат, содиқлик билан сотқинлик, камолат билан жаҳолат ўртасидаги омонсиз ва шафқатсиз давр руҳи асар мазмунига сингдирилиб юборилган.

Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида халққа ва жамиятга наф келтириш учун замондошларимизнинг ижтимоий фаолиятини оширишда тарбиявий-мафкуравий ишларни замон талаблари даражасига кўтариш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда, Зеро, бундай қаҳрамонларнинг тарбиявий аҳамияти катта. Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романида эътиқод ва ҳалоллик, ижтимоий манфаатга садоқат даврнинг ахлоқ масалалари замондошларимиз қиёфасида таъсирчан ифодаланган. Ёзувчи Отақўзи мисолида давр тарбиялаб вояга етказган, унинг барча ютуқ ва камчиликларини ўзида мужассамлаштирган бош қаҳрамонни яратишни ижодий ният қилган.

Ёзувчи бош қаҳрамонини шундай бир тифиз, шиддатли, қалтис ноилож вазият гирдобларидан олиб ўтадики, натижада бадий шаклдаги замон ва макон жиддий ўзгаришларга учраб, замонда тифизлик

ва шиддаткорлик келиб чиқади, маконда эса аниқ воқеа содир бўладиган ўринлар белгилаб олинади ҳамда ҳар бири бош қаҳра-

турмуш умумлашмалари бадий ҳақиқат юксаклигида қайта кашф этилди. «Оқ қушлар...» да ҳаёт воқеалари ва давр қаҳрамонлари

ДАВР

ВА

ҚАҲРАМОН

мон кашфиёти билан туташиб кетадиган тимсоллар силсиласи яратилади. Муаллиф ҳақиқат учун жангга киришиб, тарих ва халқ манфаатларини ҳимоя қила оладиган, бутун эътиқоди ва диёнатини жамиятнинг равнақи йўлига бағишлаган давр қаҳрамонларини яратди. У Нормурод Шомуродов ва Аброр Шукуровлар воситасида ўз даврида оммалашиб кетган кимёлаштириш фожиаларини катта журъат билан кўтариб чиқди. Бу тимсол фаолиятида замона руҳи, замона дардлари, замона ташвишлари сезилиб туради.

Ёзувчининг «Оқ қушлар...» романи турғунлик йилларидаги инсон кадр-қимматининг оёқ-ости қилинишидан норозилик туйғулари, қалбларни ларзага солувчи дардларнинг мавжудлиги билан диққатга моликдир. «Улуғбек хазинаси»да тиригида Улуғбекнинг қадрига етмаган замондан қалби исёнга келган ёзувчи «Диёнат»да Нормурод Шомуродов ва Гулсара аяларнинг тиригида қадрига етмаган даврнинг маънавий муҳитидан норози бўлди. «Оқ қушлар, оппоқ қушлар»да ҳам бутун ўзбек халқи кадр-қимматига дахлдор бу

фаолияти «Диёнат»даги сингари юксак маҳорат билан тасвирланмаса-да ҳар бир манзарада, ҳар бир қаҳрамон тақдирида даврнинг долзарб жиҳатлари очиб берилди.

Қаҳрамонлар фаолияти орқали турғунлик йилларига хос бўлган урта ҳаётини умумлашма чиқарилади. Биринчидан, Шораҳим Шаввознинг Фотиҳ Музаффаров билан кескин ва аёвсиз тўқнашувида давр раҳбарлик маданиятига хос иллатлар — маъмурий буйруқбозлик усули, кўзбўямачилик, ҳалол кишилар кадр-қимматининг оёқ-ости қилиниши бош қаҳрамоннинг руҳий изтиробларига сингдирилиб юборилган.

Иккинчидан, турғунлик йилларидаги бутун оғирлик — нотўғри раҳбарликнинг азоб-уқубатлари оддий халқ зиммасига тушиши очиб берилган ва ниҳоят, учинчи бир умумлашма ҳукм, яъни ўзбек аёлларига хос муаммо билан тўқнаш келади. Ана шу турмуш умумлашмалари тўфонидан китобхон давр қаҳрамонларини аниқ-равшан тасаввур этади.

Ўзининг аниқ ирода йўналиши ва хос хусусиятлари билан ажралиб

турувчи давр қаҳрамонлари яратилмас экан, бадий асардаги ғоявий мазмун ўткирлиги, бадий шакл юксаклигини таъминлаш имконияти бой бирилади. Буни С. Кароматовнинг «Олтин қум» романи мисолида кўриш мумкин. Ижодий тажрибалардан шу нарса аёнки, яратилаётган қаҳрамон характерида ижтимоий гуруҳ ёки синфнинг муҳим хусусияти, даврнинг катта умумлашмалари мужассам бўлгандагина у адабий тип даражасига кўтарилган бўлади. Ана шу қонуният жиҳатидан «Олтин қум» романига ёндашадиган бўлсак, ҳаттоки бош қаҳрамон Шерали Алиевич ҳам адабий тип даражасига кўтарилмаганининг гувоҳи бўламиз. Тўғри, ёзувчи геология-қидирув ишларига дахлдор бўлган илмий тадқиқот ишлари билан жуда қизиққан, кўплаб ҳужжатларни синчиклаб ўрганган, бироқ давр руҳи, сиёсати, маънавияти, руҳияти, маданияти сингиб кетган бадий типлар яратишнинг уددасидан чиқа олмаган.

Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романида халқимиз ҳаётининг жуда улкан бир даври, яъни ўттизинчи йиллардаги коллективлаштириш воқеаларидан то 70-йилларнинг охирларига қадар бўлган турғунлик йиллари воқеаларига қадар қамраб олинган. Ёзувчининг романда олға сурган ғоясига кўра, одамзоднинг умри у эшикдан кириб, бу эшикдан чиқиб кетадигандек гап. Муаллиф қирқ йилдан ошиқ даврни қамраб олган ушбу романда бир неча ўнлаб тақдирларни ибрат қилиб кўрсатади. Хусусан шаҳар ижроия кўмитасининг раиси Олимжон Комилов тимсолида давр юқини елкасига кўтарган ёш авлод вакилининг қиёфасини кўраемиз.

Бугунги қайта қуриш, янгилаш ва ошкоралик даври ҳақиқий қалам соҳибларига янги уфқлар очиб берди. Улар ўз асарларида ҳаётни янги талқин этишмоқда. Хусусан, Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лоллазор» романида яқин ўтмишимизнинг ёрқин ва хатоли томонларини одилона чуқтан-назардан туриб ёритиш давр жумбоқларини халқчиллик ва ҳалоллик билан ечишга уриниш характерлидир.

Адабий танқидчилигимизда асар қаҳрамони Назар Яхшибоев хусусида турли-туман фикрлар билдирилди. Уларга муносабат билдиришдан ҳозирча тийилиб шуни айтиш мумкинки, ёзувчи ўз асарида фақат ўтакетган ёмон кишиларни ёки фақат яхшилик қиладиган қаҳрамонларни тасвирлаш каби адабиётда кенг тарқалган йўлни тарк этиб, уларнинг ўрнига ҳаётини тимсоллар яратади. Шу боисдан ҳам «Лоллазор» романини ўзбек адабиётининг кейинги йиллардаги ютуғи деб баҳолаш мумкин.

Хуллас, ҳар бир давр ўз қаҳрамонларини вояга етказиши. Даврни ҳаракатга келтирувчи етакчи ғояларнинг қаҳрамонлар тимсолида зухур топишини назардан қочирмагандагина ёзувчи бадий умумлашмалар чиқара олади.


Дамин ТУРАЕВ

Қарши.



Имонга чорловчи сўз

(«ҚУРЪОН»НИНГ
ТАРЖИМАСИ
ХУСУСИДА АКАДЕМИК
ЗИЁ БУНЁДОВ БИЛАН
СУЎБАТ)



Тоҳир ҚАХҲОР

Мен бундан икки йил аввал озарбайжонлик машҳур шарқшунос олим, академик Зиё Бунёдовнинг «Қуръон» таржимасига киришганини эшитиб, у зот билан кўришиб, суҳбатлашмоқни орзу қилгандим. Шу эзгу орзу йўл очиб, Зиё муаллим билан кўришдик.

Қуръони Карим ва унинг бугунги таржимаси, нашри, умуман, Чор Россиясидаги мусулмонлар ҳамда бугунги мусулмонлар ҳаёти ҳақидаги суҳбатимиз жуда мароқли бўлди. Мен бу хусусдаги мулоҳазаларимни шарқшунос олимга айтдим:

— Эски Туркистонда бир неча совет республикалари — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон совет республикаларининг ташкил этилиши билан ҳам иктисодий, ҳам сиёсий, ахлоқий, маънавий турмушда кескин ўзгаришлар бўлди. Аввал бутун туркий халқлар мусулмон эди, зиёлилари араб, форс, рус тилларини билишарди, аҳоли Қуръони Каримни ўқир, тушунар, шариат қонунларига амал қилар, ахлоқан мустақил бир эл эди. Бугунда газеталаримизнинг бирида ёзилишича, «Революциядан олдинги Туркистонда 11.680 мулаеси бўлган 11.964 та мачит бор эди. Совет давлати 1920 йил черков ва монастрларнинг, мачит ва мадрасаларнинг хусусий мулкани, вақф ерларини мусодара қилди. 800.000 гектар ер деҳқонларга бўлиб берилди... 7 миллиард сўмдан ошқироқ пул ҳам...» «1986 йилда биргина Тошкент областида 80 та ғайри расмий мачит аниқланди ва ёпиб қўйилди». Таниқли давлат арбоби Нуриддин Муҳиддиновнинг эслашича, 50-йилларда Ўзбекистонда 30 мингта тарихий ёдгорлик бор экан, ҳозирда атиги 7 мингтаси қолган. Энди баъзи чет эл матбуоти ёзувларига эътибор берайлик. Лондонда чиқадиган бир журналда: «Чорлик Русиясида мусулмонларнинг 25 минг жомеси бор эди. Бу ҳисоб 1942 йилда 1200 га, 1966 йилда 400 га ва 1987 йил май ойида берилган расмий рақамларга кўра 365 тага тушиб қолган. Туркистонда (яъни, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистонда — Т. Қ.) ҳар икки ярим миллион кишига тўртта мачит, Озарбайжонда эса ҳар 320 минг кишига битта мачит тўғри келади». Француз газетаси «Фигаро»да таъкидланишича, СССР аҳолисининг бешдан бир қисми мусулмондир; «Монд» газетасида эса, советлардаги мусулмонларнинг 1800 та яширин масжиди бор, деб ёзилади. Лондонда чиқадиган «Ал мусулмун ила аш Шаркул Авсат» газетасида Москвада яшаётган икки миллион мусулмонга битта масжид борлиги таъкидланади. Бу каби бир-бирига зид ва бири-бирини тўлдирувчи, айни пайтда, халқлар ҳаётидаги қатор ҳал қилиниши зарур муаммолар билан боғлиқ гаплар шуни кўрсатадики, Совет Иттифоқидаги мусулмонларнинг ҳуқуқлари, маънавий ва моддий мерослари, хусу-

сан, диний китоблари, газета-журналлари, иш ва ўқув, ўқитув идоралари хусусида янгилаш, тўғри бир йўлдаги ишлар амалга ошуви шарт. Ўзбекистонда Қуръони Карим таржимасига киришилди. Матбуотда бу мавзуда бир неча мақолалар берилди, газетхонлар фикри, муносабати эълон қилинди, республикадаги барча миллат вакиллари бу китобни бугунги ўзбек тилида, шунингдек рус тилида ҳам нашр қилинишини истамоқда. (Туркияда минг йилдан бери фойдаланилаётган юздан ортиқ таржима бор). Тўғри, бу китобнинг турк, татар, уйғур тилидаги таржималари, эски ўзбек тилидаги Саид Маҳмудхон Тарозий — Олтинхон Тўра таржималари бор, аммо бу китобларни топиш, топганда ҳам, ўқий олиш имконига бугунги халқимиз эга эмас. Мана, сиз Қуръони Каримни арабчадан таржима қилиб, нашрга тайёрлабсиз, айтинг-чи, бу ишда асосан нималарга эътибор берилди, қайси йўлдан борилишини тўғри деб биласиз?

— Октябр инқилобидан аввал ҳам озар тилида Қуръоннинг Мирза Фатали Охундзода қилган таржимаси бўлган. Мен таржимага киришишдан аввал бу таржимани ҳам, турк, рус тилларидаги таржималарни ҳам бир кўздан кечириб чиқдим. Таржимада жаҳон таржимачиларининг синалган — аниқ, сўзма-сўз таржима йўлидан бордим, ҳар бир оят аниқ таржима қилинди, энг зарур ўринларда қисқа изоҳ бердим. Ҳар бир сура охирида шу сурадаги баъзи оятларга қисқа изоҳ ё шарҳ ҳам берилди. Шундай қилиб, тахминан қирқ беш босма тобоқ ҳажмда қўлёзма тайёр бўлди, уни масъул муҳарририм — профессор Восим Мамадалиев кўрапти, насиб этса, «Илм» нашриётида босилади. Умуман айтганда, мусулмонларнинг асосий муқаддас китоби бўлган Қуръон дунё адабиётининг ўзига хос бир ягона санъат асаридир. Шарқ халқларининг ижтимоий ва маънавий ривожига улкан таъсир кўрсатган Қуръон бутун башариятнинг маданий мероси ҳисобланади. У дунё маданияти тарихида «Кўҳна аҳд» ва «Янги аҳд» билан бир сирада туради...

Зиё Бунёдов сўзларини шу ўринда тўхта-тиб, мен кадрли ўқувчиларга баъзи нарсаларни эслатиб ўтмоқчиман. Олим юқорида санаган китоблар насронийларнинг «Инжил»ига оиддир; эски туркистонлилар тили-

да 1891 йилда Лейпцигга нашр этилган «Инжили шариф. Мутти, Марқас, Луқо, Юҳанно ёзғони бўйича» китоби ва 1983 йилда «Христиан» нашриёти (ҳозирги ўзбек совет ёзувида) таржима қилиб тарқатган «Хушхабар» китоблари бор. Афсуски, бу нашрлар билан жуда оз кишилар таниш.

— Дунёдаги инсониятнинг маданият тарихида ҳиндларнинг, хитойларнинг, эски туркларнинг диний китоблари, айниқса, эра-миздан аввалги бешинчи асрда ёзилган «Таврот», эра-миз бошида христианлик билан бир даврда пайдо бўлган «Инжил» каби Қуръони Карим ҳам буюк аҳамиятга молик, — деди Зиё Бунёдов. — Қайси миллат бу каби барча диний китобларни ўқий олса, ўз халқи яшаш тарзи, маънавий эҳтиёжлари асосида улардан наф топа олса, бу фақат яхшиликка олиб боради. Шунинг учун ҳам Шарқда, мусулмон мамлакатларида бу китоблар ўқилган (амир Ҳоқонийнинг Таврот, Инжил, Забур, Қуръонни билганини ва асарларида фойдаланганини эсланг — Т. Қ.) Қуръон — ислом динининг асоси ўлароқ, диний маросимларни низомга солароқ ахлоқий кўрсатмаларни, ҳуқуқий қоидаларни, одат ва анъаналарни, миллионлаб инсонларнинг ҳаёти ва яшаш тарзининг энг муҳим жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган китоб. Унинг оятлари ижтимоий, оммавий ва хусусий дуоғўйлик маросимларида, номозда, давлат ва оила байрамларида, умумиятда, кундалик ҳаётга алоқадор турли муносабатлар билан ўқилган. Бу китобдаги жуда кўп сўз ва иборалар, тилидан ва миллатидан қатъи назар, мусулмон халқларининг адабий тилига, кундалик муомала тилига асрлар давомида сингиб кетган. Қуръоннинг рус тилида босилиши (1963 ва 1986 йиллар) Совет Иттифоқида ислом ва мусулмон маданияти тари-

хи борасида олиб борилаётган тадқиқотларга қаттиқ таъсир кўрсатди. Аммо гап шундаки Қуръонни шарҳсиз тушуниш мумкин эмас.

— Таржимани ўқиб, уқиш учун қатор тафсир китобларни ҳам чиқариш керак-да, масалан, Табарий (839—923), тафсир китобларининг ўзи ўттиз жилд экан, бунақа тафсирлар жуда кўп-ку... Еки бугунги алифбога ўгириб, нашр этилса — Ҳусайн Воиз Кошифийнинг Қозонда чиққан «Калом уш шариф»и ҳам бугунда юз йигирма миллионлик иттифоқ туркий тилли аҳолисига буюк бир маънавий мактаб бўлади-ку, — дедим.

— Шубҳасиз, Қуръон таржимасидан кейин тафсир китоблар, ҳадислар, албатта нашр этилиши керак, — деди Зиё муаллим.

— Менимча, аввалги асрда эски туркий тилга таржима қилинган араб имлосидаги «Таврот» ва «Инжил»ни ҳам босишимиз зарур, чунки бу диний китоблардаги сюжетлар, баъзи йўналишлар бир-бири билан боғлиқ, бир-бирини тўлдирди, — дедим.

— Албатта, «Таврот» ва «Инжил»дан хабардор бўлган одам Қуръонни янада тэранроқ англаши табиий, — деди Зиё муаллим. — Қуръоннинг кўп суралари, хусусан, Макка суралари мазмуни «Кўҳна аҳд», «Янги аҳд» китобларида ифодаланган, «Таврот» ва «Инжил» сюжетларига ҳамохангидир. Шунга кўра носароларнинг бу муқаддас китоблари билан, шунингдек, христианликнинг яралиши арафаси ва ундан сўнгги даврлар тарихи билан таниш бўлмаган ўқувчининг Қуръон суралари мазмунини тушуниши амри маҳолдир, чунки бу ерда кечмиш замон ҳодисалари фақат нозик ишоралар билан берилганки, оддий ўқувчи у оятлар маъзани чақа олмағай. Шу боисдан Қуръонни бошқа тилларга ўгирганда, таржимонлар матнни ойдинлаштириш учун шарҳлар, изоҳлар бермоғи мақсадга мувофиқдир. Мана бу журналда, — дея Зиё муаллим менга «Озарбайжон ССР Илмлар Академиясининг хабарлари, Тарих, фалсафа, ҳуқуқ серияси» журналининг тўртинчи сонини (1987) узатди, — менинг таржимамда Қуръоннинг ўттиз олтинчи сураси босилган. Бу «Е Син сураси», тушунилиши мураккаб Макка сураларидан. Бу суранни нима учун шиаларнинг дафни ва аза дуолари бўлиб қолганини изоҳлаш мушкул...

— Айтишларича, Пайғамбаримиз «Икраув «Е Син» ало мавтокум», яъни «Е Син сурасини ўлим тўшагида ётган беморларга ўқунлар» деганлар. Шунга қарамай, бу суранинг шиалар дафн маросимларида ўқишини мен ҳам эшитгандим, — дедим. — Суннийларда дафнда ўқиладиган «Мулк» сурасининг нечун ўликка ўқилишини ҳадиси шарифда айтилган: «Қуръонда ўттиз оятли бир сура борким, ҳар ким уни майитга ўқиса, гўр азоби енгил бўлур», дейилган.

— Ҳа, «Мулк» сурасини «Таборақ» ҳам дейишади («Таборақ» сўзи билан бошлангани учун), бу ҳам Макка сураларидан, — деди Зиё муаллим. — Ҳали айтганимдай, тушунилиши қийин, фақат ҳарфлар билан номланган (Та, Ҳа, Сод, Коф) суралардаги ҳарфларнинг не маъно ташиши хусусида кўп асоссиз гаплар айтилган, аммо бу ҳарфлар билан нечун сура номлангани ҳақида аниқ бир гап йўқ. Жумладан, ё ва син ҳарфларининг бирлашишдан ҳосил бўлган «Е Син» сурасини ўлганлар учун дуо», «марҳумнинг руҳини ёд этмоқ дуоси» маъносига қабул қилинган ва бора-бора бу одатга айланган. Қолбуки, матнни ўқиб, маъносини тушунган одам бу суранинг марҳумга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини англайди. Бу сурада эътиқодсизларни имонга, фақат ёлғиз Оллоҳга ишонишга чорлаш, бир пайтлар Исо пайғамбар ҳоваларининг христианликни, тангрига топинишни тарғиб қилганлари, инсоннинг гуноҳкорликлари, қиёмат кунининг муҳаққақлиги хусусида сўз юритилади. Буни марҳумга тушунмасдан ўқийдиганлар, сура тугагач, илоҳо, марҳумнинг, раҳматга кетганларнинг гуноҳидан кеч, «ва ла сиййама ҳаза-л-марҳум, ал маълум, ал мағфур».

яъни, хусусийла «бу маълум, гуноҳидан кечилмиш бу марҳумнинг» сўзларини илова тарзида айтадилар. Мен одамларга яхшироқ тушунарли бўлсин деб бу суранни айнан таржима қилдим ва баъзи изоҳларни илова қилдим. Ўқиб кўр...

Журнални ўқидим. Дарҳақиқат, бу ерда майитга ўқиладиган дафн дуоси йўқ эди. Сўнгроқ мен бу суранни Зиё Бунёдовнинг озарча таржимасидан ўзбекчага мослаштирдим. Сўнгроқ эса, Шарқий Туркистонда чиққан Қуръони Каримнинг уйғурча (1987 йил иккинчи нашр, «Миллатлар нашриети») Муҳаммад Солиҳ таржимасидан айнан шу суранни ўзбекчага мослаб кўчириб чиқиб, сўнгра туркчадаги шу суранни ўқиб, Зиё Бунёдов таржимаси ва изоҳлари илк марта бу муқаддас ва мураккаб китобни ўқийдиган ўқувчи учун қулайлигини билдим. Шу маънода Зиё муаллим таржимасидан бир парча келтираман.

«Е Син сураси (саксон уч оятдан иборат Макка сураси)

Марҳаматли, раҳм этган Оллоҳнинг оти билан бошлайман.

(1) Е Син. (2) Ҳикматли Қуръонга оят ўлсун. (3) Ки, сан (Тангри) элчиларидан бўлиб, (4) Тўғри бир йўл (ислом дини) устудасан. (5) (Бу) қудратки, раҳм этган Тангрининг нозил этдиги (6) шундай бир каломдирки, халқни (қурайшларни) хабардор этсун, (чунки) уларнинг ота-боболари хабарсиз бўлиб, гафлатда қолмишлар. (7) Уларнинг кўплари учун (бу) сўз ҳақиқат бўлди, улар эса ҳануз имонга келмаслар. (8) Биз уларнинг бўйинларини ияклари каби тангиб ташладикки, улар бошларини қимирлатолмайдиган бўлдилар (аммо ҳаққа бўйин эгмаслар). (9) Биз уларнинг олдиларидан (охиратдан) бир сад ва орқаларидан (бу дунёдан), ҳам бир сад чекдик, кўзлари қаршисига тудик ва улар (шунда ҳам) кўрмаслар. (10) Улар учун барибирдир: хабардор эт ё этма, имонга келмаслар. (11) Сен зикрингла (Қуръонга) эргашганларни ва ичида (Тангридан) кўрққани хабардор этурсан. Уни (бу дунёдаги) гуноҳларини кечирмоқ баробарида лойиқ мукофот (жаннат) билан тақдир эт!

12)... (Зиё Бунёдов таржимасида 12-оят шундай: «Дўғрудан да Биз ўлуглари дирилдир, ўнларин (сағлиқларинда йахши ва нис) на этдикларини ва (ҳайатда) қўйиб кетдиги излари йозуриқ, (белаликлар) бир ҳар шайи ашкар ҳесаба алдик». Уйғурчадаги М. Солиҳ таржимаси бундай: «Биз, шубҳасизки, ўлукларни тирилдурумиз, уларнинг (дунёда, қилгон) яхши-ёмон) амалларини ва ишларини хетирлап қўйғамиз, ҳамма шайини равшан дуптарда (яъни лавҳулмаҳпузда) тўлу хотирлап қўйғонмиз». Туркчада (Анқара, 1987 й. нашри) эса бундай: «Шубҳасиз ўлулери дирилтен, ишледиклерини ва эсерлерини йазан Бизиз; ҳершейи апажик бир китабда саймишиздир.» Демак. — Т. Қ.)

...Шубҳасиз, ўлукларни (охиратда) тирилтирадиган, қилган иш-амалларини эслайдиган Бизмиз; чунки ҳар нарса лавҳулмаҳфузда ёзилган бўлади. (13) Эй, Расулим (сен уларга) (Макка халқига) у шаҳар аҳлининг (антакияликларнинг) ҳолини мисол келтир: ўшанда у ерда (Исонинг юбормиш) элчилари келмишди. (14) Ўшанда Биз уларнинг ёнига (Исонинг ҳовариларидан) икки элчи юбордик, улар иккисини ҳам ёлгончи санадилар. Биз учинчи элчини кўмакка йўлладик. (Учови ҳам Антакия аҳлига) деди: «Ахир биз сизга элчи этиб юборилганмиз». (15) Улар (антакияликлар) дедилар: «Сиз ҳам биз каби башар (авлодсиз) ҳамда Марҳаматли (Тангри бизга) ҳеч бир нарса (китоб) нозил этмамишдир. Сизлар ғирт ёлғончисиз». (16) (Элчилар) дедилар: «Раббимиз билурки, биз сизга тўғридан-тўғри юборилган элчимиз (17) ва бизнинг зиммамиздаги бурч сизларни тўғри йўлга қақришдир». (18) Улар (элчиларга) дедилар: «Биз сизда ёмон аломат кўрдик! Агар (бу гапларни) тугатмасангиз, сизни тошбўрон қилурмиз ва азобу изтиробда қолурсиз». (19) (Элчилар) деди-

лар: «(Ёмон) аломатингиз ўзингиздадир. Чунончи, биз сизга хабар келтиргандик (буни сизлар ёмон аломат ҳисоблаб, бизга таҳдид солмоқчимисиз?). Бали, сиз ҳамингиздан ошмиш одамлар экансиз». (20) (Элчиларинг келганидан хабар бермиш Тангрига ибодатда бўлмиш) бир одам (Ҳабиб ан-Нажжор) шаҳар четидан шоша-шоша келароқ бундай деди: «Эй, жамоат, элчилар йўлини тутинг! (21) Уларга эргашинглар, ахир улар сиздан ҳеч бир мукофот истамаслар, ўзлари тўғри йўлдадирлар!» (22) Нечун мен яратганга ибодат этмайин? Сиз (ҳам) унинг ёнига қайтажаксизлар. (23) Мен ҳеч замонда Оллоҳдан ўзга бир Оллоҳ бор, дерманми? Агар у Марҳаматли (Танграм) менга бир зарар (еткармак) истар эса, уларнинг (яъни бошқа илоҳларнинг) ҳомийлиги мени ҳеч нарсдан халос эта билмас ва улар мени қутқаролмаслар. (24) Ва ул ҳолатда мен йўлдан ошкор озган бўлурман. (25) Дарҳақиқат, мен Раббингизга имон келтирдим, сўзларимга қулоқ солинг». (26) Оллоҳдан хабардорлигини англамай қавмдошлари уни ўлдирди. (Руҳига муурожаатан) дейилди: «Жаннатга кир!» (Руҳ жавоб бера шундай) деди: «Қанийдики, қавмдош одамларим билса — (27) Раббим мени не учун гуноҳларимдан ўтди ва мени ҳурматга лойиқ бўлганлардан этди».

Бу сурадаги оятларни эслатилаётган воқеага Зиё Бунёдов шундай изоҳ берган: 6-оятда Муҳаммаднинг илк ваъзларига муҳолиф бўлган қурайшлар ва Макка аҳли эслатилган. 13-оятда таъкидланган Антакия — қадимги даврдаги Антиўҳиё шаҳри; у жой Ҳабиб ан-Нажжор тоғи (Муно Силпиус) этагида, Оқ денгиздан 22 қақирим наридадир. Араблар Силпиус тоғи этакларини Ҳабиб ан-Нажжор оти билан атаганлар. Бу шаҳарни милоддан 300 йил аввал Румо мустамалакиси тасарруфидаги ерда император Биринчи Селевкиус қурдирган.

Бир неча оятда тилга олинган элчилар — Исо Алайҳис-с-саломнинг ҳовариларидан Яҳё, Юнус ва Шамъундирики, улар Антиўҳиёда носоро динининг илк тарғиботчилари бўлмиш.

20-оятдан бошлаб сўз юритилган одам Ҳабиб ан-Нажжор дейилади, аммо шарҳчиларнинг айтишича, бу ўринда гап антиўҳиёлик Агав (Агапус) ҳақидадир (Инжил китобларидан Хушхабар, XI нинг 27—30, XXI нинг 10-бўлимларига қаранг). Ҳабиб ан-Нажжор ҳақидаги афсонани Шамсуддин Муҳаммад ад-Димишқий (1327 да раҳматга кетмиш) ўз асарига изоҳлаб, шундай дейди: Ҳабиб шаҳид бўлгандан сўнгра, Оллонинг қудрати билан жасади қўзғолиб, ердан узилган кўйи думалаб ётган қонли бошини чап қўли билан юқори кўтарди ва қалқиб туриб, бошни ўнг қўлига олди, уч кечаю уч кундуз танаси Антиўҳиёнинг кўчалари ва бозорларида кезиб юрди, боши эса қичқира-қичқира «Е Син» сурасидаги 26 ва 27 оятлардаги сўзларни такрорлар эди...

Ўқувчига шу машҳур оятлар янада тушунарли бўлиши учун мен унинг уйғурчасини келтирмоқчиман: «(қавми уни ўлтирвотгандин кейин унингга) «Жаннатга киргин» дейилди, у «Кошки қавми парвардигорининг манга мағпират қилгонлиқини ва мени ҳур малаклардан қилгонлиқини билса эди» деди».

Оддий ўқувчи агар Қуръоннинг сўзма-сўз таржимасини ёки айнан Димишқийнинг изоҳидан беҳабар ҳолда ўқиса, шубҳасиз, тасавури, таъсирланиши ҳам кучсиз кечади. Бунёдовнинг бу ерда Димишқийнинг Нажжор ҳақидаги сўзларини келтиргани (бу уйғурча ва туркча таржималарда йўқ) — Ҳабибнинг мункирларни имонга чорлагани ва ўз қавми унинг калласини узиб ташлагани, сўнг шаҳиднинг жони жаннатга кирганию бундан таъсирланган жасаднинг тирилиб, шаҳар кезгани, Оллога шукр айтгани ва қавмини имонга чорлагани хусусида тўла тасаввур уйғотади.

1988 йил, Боку — 1989 йил, Тошкент.

Ҳақират

КУЗГИ



— Хуллас, гап бундоқ, ҳурматли чақирилувчилар, ўз юртингиз ифтихорини, миллий гурурингизни асраб-авайланглар.

Армия-Ватан ҳимоясида турган, халқимизнинг осойишталигини қўриқлайдиган посбондир. Мана шу улкан мамлакатимиз сарҳадларида турган аскарӣ қисмларда Ўзбекистон фарзандлари ҳам ўз бурчларини аъло даражада ўташаётирлар. Навбатдаги чақириқ ҳам воқеаларга бой, масъулиятли даврга тўғри келди.

Кузги чақириқ бошланди. Жумҳуриятларнинг Олий Кенгашлари ҳарбий чақириқ масаласини муҳокамадан ўтказдилар. Фикрлар ранг-баранг, қарорлар қатъий. Масалан, Украина ССЖ Олий Кенгашининг қарори бўйича жумҳуриятдан хизматга чақириладиганлар ўз бурчларини Украина заминида ўтайдилар. Арманистон Олий Кенгаши Шўро Қўшинига бир неча минг чақирилувчиларнигина жўнатишга тайёр. Лекин шарт шуки, улар жумҳурият ҳудудида жойлашган қурилиш баталиёнларидагина хизмат қилиши лозим. «Молдова ССЖ мустақиллиги тўғрисида» ги декларацияга биноан эса жумҳуриятда Шўро Армиясига фуқароларни чақириш тўхтатилди. Ўзбекистонда эса чақирилувчиларнинг эллик фоизини жумҳурият ҳукумати ўз ҳудудида хизмат қилишга олиб қолади. Шунингдек, Ўзбекистон президентининг «Жумҳурият ёшларини армияга чақириш ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» ги фармони эълон қилинди. Бу қарор ва фармонлар албатта фарзандларини қўшинга юборётган ота-оналар учун оз бўлсада, таскин берди.

О. Эшонхўжаев кўчасида жойлашган Тошкент вилояти ҳарбий комиссариатининг чақирув масканида. Бу ерда кузги чақириқ ишлари қизгин паллада. Вилоятнинг турли ноҳияларидан келган йигитлар бирин-кетин тиббий кўриқдан ўтишаётир. Маълумки, бу йил жумҳурият Президенти фармонида биноан чақирилувчилар тиббий назоратдан ўтказишга эътибор кучайтирилган. Ноҳиялардаги ҳарбий комиссариатларда шифокорлар текширувдан тўла ўтган чақирилувчилар вилоят комиссариатида ҳам яна бир бор шундай кўриқдан ўтадилар. Ўз касбининг билимдони бўлган мутахассис шифокорлар йигитларни қайси қисмда хизмат қилишга яроқлилиги ёки умуман яроқсизлигини Иттифоқ Мудофаа ва ССЖИ Соғлиқни сақлаш вазирликлари тасдиқлаган буйруқ, асосида аниқлайдилар.

Чақирилувчиларни тиббий кўриқдан ўтказётган шифокор, медицина фанлари номзоди Аҳмаджон Дадабоевга:

— Бу йилги чақирилувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш олдинги йиллардагидан нимаси билан фарқ қилади? — деган савол билан мурожаат қилдик.

— Тўғриси, илгарилари йигитларнинг саломатлигидан кўра кўпроқ юқоридан берилган режага амал қилишарди. Оқибатда юзаки тиббий текширувлар кейинчалик салбий оқибатларга олиб келарди. Хизматни ўташ даврида вафот этганларнинг кўпчилиги соғлиқни сақлаш идоралари, ноҳия ҳарбий комиссариатларининг табобат кўриклари чақирилувчиларда ўз вақтида аниқланмаган касалликлар оқибатида рўй берган. Бу йил эса чақирилувчиларнинг соғлиғига алоҳида эътибор берилаётир. Ноҳияларда ўтказилаётган тиббий кўриқларда тажрибали шифокорлар фаолият кўрсатишаётир.

Уларга катта жавобгарлик масъулияти юклатилган. Ўзбекистон ССЖ соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳам бу ишга алоҳида эътибор бераётир.

— Вилоят ҳарбий комиссариатида ташкил этилган тиббий кўриқдан ўтказиш комиссияси томонидан соғлиғи ҳарбий хизмат қилишга яроқсиз йигитлар аниқланаяптими?

— Ҳа, — дейди бу саволимизга шифокор-психиатр Абдуфаттоҳ Рўзимухаммедов, — лекин ниҳоятда кам. Чунки ноҳиялардаги тиббий кўриқлар чоғида бу йилги чақирилувчилар ўта масъулият билан назоратдан ўтказилаётирлар.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Ўзбекистондан ҳарбий хизматга чақирилиб, қурилиш қисмларига юбориладиган йигитларни тинч даврда хизматни ўташ учун фақат жумҳурият ёки Туркистон ҳарбий округи ихтиёрида қолдириш ҳақида қарор қабул қилган эди. Шу қарор қандай амалга оширилаётганлигини билиш мақсадида вилоят ҳарбий комиссариатининг йигув пункти бошлиғи, майор Ориф Тўлагановга мурожаат қиламиз.

— Тўғри, ҳали бу Қарор асосида қиланаётган ишларнинг кўлами кенг эмас. Асосан ССЖИ мудофаа вазирлиги Бош штабининг кўрсатмаси асосида иш юритаёпмиз. Қўшинга чақирилувчиларни бош штабнинг талабномасига биноан мамлакатнинг турли ҳудудларидаги ҳарбий ўрамларига юбораяпмиз. Қурилиш қисмларида хизмат қилишга юбориладиган чақирилувчиларни ҳарбий қурилиш баталиёнларига энг сўнггида юбориш ҳақида кўрсатма олганмиз. Уларни Ўзбекистон ҳудудида қолдириш ҳақида эса ҳозирча аниқ бир фикр йўқ.

Йигув маскани ҳовлисида эса армияга фарзандларини юборётган юзлаб ота-оналар Ўзбекис-

тон ССЖ Олий кенгаши қарорига умид боғлаб, фарзандларини диёримизда хизмат қилдиришга тилак билдириб турибдилар.

Угли Одилбекни кузатишга келган пискентлик Зиёвуддин Эгамбердиевнинг куонганлари бежиз эмас.

— Фарзандларимизни Ўзбекистонда ҳарбий хизматни ўташ ҳақидаги гап-сўзларни рўзноларда ўқиб, ойнаи жаҳонда кўриб, эшитиб, хурсанд бўлган эдик. Лекин минг афсус, сўз бошқа, иш бошқа экан. Менинг ўғлимни ҳам Узоқ Шарққа юборишаётир...

— Чақирилувчиларнинг оилавий шарт-шароитлари билан ҳамон қизиқишмаётирлар, — дейди кўзида ёш билан Акмал Икромов ноҳиясида истиқомат қилувчи Олия Маликова.

— Менинг ўзим касалмандман. Турмуш ўртоғим вафот этган, қизим 2-гурух инвалиди. Елғиз ўғлим Райратни ҳарбийга олиб кетишаётир. Кўп жойларга мурожаат қилдим, лекин фойдаси бўлмади.

Шунингдек, ССЖИ Мудофаа вазирлигининг кўрсатмасига биноан фарзанди ҳарбий хизматда ҳалок бўлган оилаларнинг бошқа фарзандлари ҳарбий хизматга чақирилмайди. Лекин нима учундир бу кўрсатмага барча ҳарбий комиссариатларда тўлиқ амал қилинмаётир.

— Фарзандимиз 19 ёшида Шўро кўшинида хизмат вазифасини ўтаётган чоғида ҳалок бўлди, — деб ёзади муҳарририятга зарафшонлик она М. Ормонбоева. — Орадан олти ой ўтгач эса, иккинчи фарзандимни ҳам ҳарбий хизматга олишди. Бир ўғлимни бир умрга ҳарбий хизматга берганим етар. Иккинчи ўғлимни оиламга қайтаришга ёрдам беринглар. Узоқ вақт ёпиқ зона бўлган ҳарбий комиссариатларнинг фаолияти энди ойдин бўлиб бораётир. Халқ энди улардан очиқчасига фарзандлари тақдирини талаб қилишга ҳақлидир.



— Иккинчи фарзандимни ҳам кузатаман, деб ўйламовдим... кўзларига ёш олди зарафшонлик она.

Синглим, кўтар бошингни

Иўлдош СУЛАЙМОН

Рўпарамда турибсан,
Кўзинг тўла ёш билан.
Эссиз, адо бўлибсан,
Ўша бағритош билан.
Дик-дик сакраб турардинг,
Сигмас эдинг ўзингга,
Термулмаган эҳ, кимлар
Ҳатто босган изингга!
Нигоҳларни куйдирган
Оромижон ўқ қани?
Ахир нега сўндинг сен,
Кўзингдаги чўғ қани?
Қандайн барно эдинг,
Ширин эдинг жуда ҳам,
Келтирдими шу ҳолга
Сени ўша муттаҳам?!
Ожизлигин яшириб,
Ўзин роса ошириб,
Тўсган эди йўлингни,
Оёғингга бош уриб!
Ана шундай юзсизлар
Аёлларни савалар.
Бу — номардлик белгиси,
Бу гапга йўқ саволлар!
Кўрдай кўрмас боласин —
Жовдираган нигоҳин.
Фақат ўзин ўйлайди,
Ўзгаларнинг дод — охи,
Ота деган қутлуғ ном
Унга писта пўчоғи.
Хаёлида айш-ишрат,
Бетайинлар қучоғи!
Оиласи — саргардон,
Кимларгадир зор ётар.
Кўнгли истаб янги ёр,
Асли ўзин хор ётар.
Қай аёлнинг кўзи ёш,
Билдим, тугаган бардош.
Ўшал дам сўниқ руҳга
Оташ берган — дўст, қардош!
Ўз-ўзини ёқар ким?
Аччиқ қилибми унга?
Танин жарга отарми,
Енмаса агар тўнғак?
Йўқ, йўқ, синглим, тўхта сен,
Бу йўлингдан қайт дейман.
Наҳот йўқ битта дўстинг,
Унга дардинг айт дейман.
Арзимас у аламга,
Арзимас у йиғингга,
Яшаш завқи кутмоқда,
Яқинроқ кел йиғингга!
Арзимас у тирноққа,



Оёғингнинг гардига.
Майда ҳисдан баланд бўл,
Кўшил халқнинг дардига!
Гўрўғлининг қизисан,
Оҳусан Алпомишга.
Нима учун бор ишқим
Танҳо Ширинга тушга?!
Тўмарисни онам деб
Тенглаштирдим куёшга.
Нима учун ул номни
Кўтаради эл бошга?!
Биласан-ку Зухрони,
У маҳаббат худоси!
Зирқиратар юракни,
Армони ва нидоси!
Қамоқда кўзи ёрган
Чиннибиби ёддами?
Шодиева онамнинг
Сендан каммиди гами?!
Магадан совуғида
Юпун юрган у эди,
Ўрмон кесиб,
Калтак еб,
Бино қурган у эди.
Ҳатлаб келиб ўлимни
У яна кўп яшади,
Бизга боғлар қолдирди,
Ошини ҳам ошади.
Сен ул она авлоди,
Набиевга бир сингил,
Ўшалардай курашсанг
Эзилмайди ҳеч кўнгил.
Ўшалардай ўт изла,
Ўз вужуду корингдан,
Ўзингдан кўпайгину
Кам бўлма қаторингдан.
Номард учун ёш тўкма,
Ярат таъмал тошингни,
Тўмариснинг қизисан,
Синглим, кўтар бошингни.

Фаргона



Бу йилги кузги чақириқдан эса маълум бўлдики, ҳали марказнинг сўзи — сўз! ССЖИ Мудофаа вазирлигидаги мансабдорлар бошқа мутасаддилар билан ҳисоблашишни исташмайдилар. Биз эса ҳозирча келажакка умид боғлаб, ҳарбий хизматга кетаётган юртдошларимизга сабр, ирода ва сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

Абдураззоқ КАРИМ

Ой бориб, омон қайтингиз, азиз ўғилларим!

Сураткаш Р. Нурибоев





Уста

Маҳмуд Усмоновнинг моҳир ганчкор бўлишига аввало отаси уста Усмон сабабчидир. Маҳмуд ота жуда ёшлигидан ота касбига ҳавас қўйди. Отасидан ганчкорлик санъатининг сир-асрорларини ўрганиб, кўзи пишди. Ўзи меҳр қўйган касбнинг нозик томонларини мукаммал ўзлаштириб бориб, падарига муносиб шогирд-ёрдамчи бўлди — Тошкентдаги тарихий биноларни безашда ҳамкорлашди. 1941 йили Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрини базашда уста Ширин Муродов, Абдулла Болтаев, Шамсиддин Ғафуров каби машҳур усталар билан ёнма-ён меҳнат қилди. Айниқса уста ижодининг раванқ топишида Бухородаги Ситораи — Моҳи-хосса саройи, Тошкент куранти, Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси маъмурий биноси, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали ва бошқа биноларни таъмир этиш ва безашдаги ишлари муҳим босқич бўлди.

Бугунги кунда уста Маҳмуд Усмонов жумҳуриятимизда машҳур наққошлардан биридир. У шу кунгача ўз шогирдлари билан бирга-

ликда 500 дан ортиқ биноларни ганч ўймакорлиги нақшлари билан безашда иштирок этган.

Шу жиҳатдан устанинг халқ амалий санъатини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси муносиб тақдирланиб келинади. Унга 1967 йили Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвони, 1968 йили Ўзбекистон ССЖ Ҳамза номидаги Давлат мукофоти, 1974 йили Ўзбекистон халқ рассоми унвони, 1975 йили ССЖИ Давлат мукофоти берилган. Юзлаб ёш наққошларнинг устози, замонамизнинг кўзга кўринган моҳир устаси, машҳур наққош Маҳмуд ота Усмонов ҳозир табаррук — 82 ёшда.

Мен уста Маҳмуд Усмонов билан кўпдан бери суҳбатлашиш орзусида эдим. Ният холис экан, Маҳмуд ота билан учрашдим.

— Ҳозирги кунда ҳақиқий устоз ва шогирдликнинг қадимий анъаналари бироз юзакидай бўлиб қолаяпти. Талабчан ва қаттиққўл устозларни учратиш қийин.

— Бунинг сабаблари кўп, албатта. Тўғри, «устоз», «уста», «муаллим»дек шарафли номга содиқ қолиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Менимча, бунда устоз бўлмиш катта масъулиятни ўз гарданига олиши керак. У, шогирдлик даъ-

во қилиб, бош эгиб келган ёшга сидқидилдан жон кўйдириб, бор илму ҳунарини, бой тажрибасини ўргатибгина қолмай, балки шу йўлда чиниқтириши, пишитиши ва уни мустақил ҳаётга бир касбнинг устаси қилиб тайёрлаб бериши лозим. Токи у ҳам шогирд етиштириб, устозлар анъанасини давом эттира олиш қобилиятига эга бўлсин. Ҳа, устозга меҳр-мурувват, катта юрак, шогирдга эса тиришқоқлик, бардош ва матонат керак.

— Айтинг-чи, устоз бўлғуси шогирдига қандай шахсий намуналар кўрсатиши ва уни қай йўсинда тарбиялаши керак, деб ўйлайсиз?

— Уста бўламан деганининг кўзлари ҳамиша чақнаб туради, — деди Маҳмуд ота. — Бутун куч-ғайратини ишга солиб, ҳатто устозини ҳам шошириб қўяди. Устоздан ўтадиган шогирд деб мана шунақаларни ишга солиб, қилганини қилма, деган. Бу гап унчалик ҳам ўринли эмас. Устоз шогирдларига тилда бошқа, дилда бошқа муносабатда бўлса, бу инсофдан эмас-да. Қуш уясида ўрганганини қилади. Сўзи бошқа, ўзи бошқаларни ҳам кўрганмиз. Улар шогирдлари даврасида ҳамиша зарбулмасал бўлиб

юрадилар. Менинг шогирдларим тамоман бошқача: улар доимо ҳурматимни жойига қўйишади. Уларни ўз фарзандларимдай кўраман. Аввало устознинг ўзи ҳар томонлама етук — билим ва тажрибали, одоб ва ахлоқли, маданиятли, имон-эътиқодли, обрў-эътиборли бўлиши лозим. Шундагина шогирдлари унга ҳавас билан эргашадилар. Аксинча бўлса, кўнгил қўйган касбдан шогирднинг қўли совуйди. Шогирд, яъни уста тайёрлаясанми, демак, уни ҳар томонлама камолотга етказиш керак. Авваллари оталар фарзандларини устага топшираётиб: «Эти сизники, суяги бизники», дегувчи эдилар. Ҳозир ҳам баъзи жойларда шу одат сақланиб қолган. Шундай экан, ота ҳам ўғлининг устозидан ранжимай, балки бир умр миннатдор бўлиб юрсинда. У пайтдаги устозлар ҳозирги мактаб муаллимларидай фарзандлари устидан ота-оналарига арздод қилиб юришмасди. Шогирднинг иш ўрганишга лаёқати ёки хоҳиши бўлмаса ё дангасалик қилса, усталар ундайлар билан адибадига бориб ўтирмай, дарров устaxonадан ҳайдаб юборардилар — «касали» бошқаларга ҳам ўтмасин деб. Чунки устозлар ўша вақтларда ҳам ўз қадр-қимматларини, ҳурматларини билганлар. Шунинг учун шогирд етиштиришга фақат қаттиққўллик ва талабчанлик билан ёндошганлар (Фалончининг ўғли, фалончининг жияни деб, ҳеч қайси бир шогирдни эркалатиб қўймаганлар). Ахир ота ўз фарзандини унга: «Эти сизники, суяги бизники», деб ишониб топширдими, демак, ишончни оқлаш керак. Бизнинг вақтларда (ўз касбим — наққошликни олсак) усталаримиз бирон ердан буюртма олишса, албатта шогирдларини ҳам ўзлари билан бирга олиб юришарди. Тушаётган даромаддан уларни ҳам баҳраманд қилардилар. Дастлаб даромаднинг ўндан бир фоизини, кейин ўндан уч фоизини, кейинроқ тенг ярмига шерик қилишарди (Албатта шогирдларнинг меҳнатсеварлиги ва истеъдодларига қараб). Ҳа, шогирдни иш ўргатайпман, деган пи-



Машҳур наққош Уста Маҳмуд Усмонов шогирдлари даврасида.

ШУНЧАКИ ШОВ-ШУВ ЭКАН

1990 йил мезоннинг охирларида Тошкентнинг Юнусобод даҳасидаги уйлардан бирида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, гаройиб воқеалар содир бўлаётгани ҳақида шов-шув тарқалди. Дастлаб бу воқеа жумҳурият овознигорининг «Оқшом тўлқинлари» эшиттиришида батафсил шарҳлаб берилди. Кейин ойнаижаҳон орқали кўрсатув уюштирилди. Эшитганлар ҳам, кўрганлар ҳам туппа-тузук одамларнинг гувоҳликка ўтаётганлигидан ҳайратда эдилар. Жумҳуриятимизнинг обрўли ойнамаси «Фан ва турмуш» ходимлари ҳам, шарқшунослик институтининг баъзи бир олимлари

ҳам воқеа мароми қаршисида ёқа ушлаб туришарди.

— Ошириворидиёв, — дейишди кўплар. Айримлар ишонимда.

Юнусободлик келин билан қайнона бўлиб ўтган воқеаларни ипга тизиб ҳамманинг оғзини очиб ўтиришарди. Гуё келин бу хонадонга келишдан бироз илгари қандайдир нотаниш кимса уйга кўнғироқ қилиб тўйни тўхтатишларини айтган. Акс ҳолда ёмон воқеалар бўлади, деб огоҳлантирганмиш. Агар «Еш ленинчи» рўзномасида ёзишганидай иккиламчи руҳларнинг «қилиғи» дейилса (Товба! Улар ҳатто телефон рақамларини ҳам били-

санда билан қуруқ ишлатавермасдан, рағбатлантириб туриш ҳам керак. Шундагина шогирдда касбга қизиқиш кучаяди. Маълумки, бизда касб-хўнар ўргатиш билим юртларининг гарданига юклатилган. У ердаги ишларни эса кўнғилдагидек деб бўлмайди. Ачинарлиси шундаки, билим юртларининг кўпчилик қисмида малакали муаллимлар, тажрибали усталар йўқ ҳисоби. Юборилаётган талабалар ҳам (шогирдлар) касбга чанқоқлик важдан эмас (кўпчилик қисми), мажбурийликдан, чорасизликдан келиб ўқишмоқда. Сиз юқорида айтган — устоз ва шогирдликнинг обрўсизланиши ана шу ерларда шаклланади. Демак, аввал устозлар ўз ишларини қайта қуриб олишлари керак. Устоз боғбондек гап, ниҳолни яхши парваришласа — тик, соғлом ўсади; ўз ҳолига ташлаб қўйса — ҳар томонга тарвақайлаб кетади. Ҳа, устоз шогирдини болам демаса, шогирд устозини отам дея олмайди.

— Ҳақ гапни айтдингиз, — дедим мен жонланиб. — Айтмоқчи, ота касбини танлаган фарзандларга менинг ҳам ҳавасим келади. Сиз ҳам ана шундай — машҳур уста Усмон Икромовнинг фарзандисиз. Албатта фахрланишга ҳақлисиз. Аммо ҳозир бундайлар санокли. Менимча, ҳар бир фарзанд касб-хўнарни иложи борида ўз ота-онасидан ўрганиши маъқул йўлга ўхшайди.

— Тўғри, аслида ҳам энг яхши устоз — бу ота! Чунки ота фарзандига касб-хўнар, одоб-тарбия ўргатишга бурчли бўлгани учун ҳам унга жон койита олади. Ҳатто тишининг қавагида асраб юрган ноёб тажрибаларидан ҳам хабар-

дор этади. Ахир ҳар бир ота: «Фарзандим балоғат ёшига етганда ҳалол меҳнатига, пешона теридан топилган пулига нон топиб есин, уйланиб, уйли-жойли, болачақали бўлганда ҳам оила рўзгорини бир тўқисда тебратадиган бўлсин», дейди-да. Бир томони, ота чироғини ёқиб ўтириш ҳар фарзандга ҳам қарз, ҳам фарз. Яна бир томони, отасининг эл-юрт ичидаги обрў-хурматини бирдай сақлаш — шараф! Мана, кўпгина касбларимиз: ҳўнармандчилик, темирчилик, дурадгорлик, косибчилик, чеварлик ва ҳоказолар асрлардан-асрларга яшаб келмоқда-ку! Бу касблар кераксизга чиқиб қолгани ёки уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари касодга учрагани ҳам йўқ. Санъатда ҳам шундай: мусавиру ҳофизлар, қизиқчию дорбозлар, афсункору полвонлар шажараси ҳам авлодлардан-авлодларга ўтиб келаяпти. Улар ота касбини эгаллаб, халқимиз аъналарини давом эттираяптилар. Турмушлари ҳам яхши. Тўғри, оилада бошқа касбларга туғма истеъдодлилари ҳам чиқиб туради. Менимча, ундайлар ҳам барибир ота касбларини билиб қўйишлари керак. Бир кун келиб асқотиб қолиши мумкин.

— Маҳмуд ота, балки шу жиҳатдан кўпгина назик касб-кор эгалари озчиликни ташкил қилиб қолаётгандир. Ўзимизча ҳар мақомга йўрғалаб, ҳўнар эмас, пул кетидан қувдик. Оқибатда биз ҳўнарсиз қолиб, аросатга тушиб қолдик.

— Бизнинг устозларимиз бир гапни қулоғимизга қайта-қайта қўйишарди: «Сен пулнинг кетидан қувма, пул сени қувиб юрсин». Энди нега кўпчилик ота касбини ҳўрмат қилмай, кадрига етмай

шаркан-да), бунга ишониб бўлмайди. Лекин қайнона ва келин воқеани овознигор ва ойнаижаҳон орқали тахминан қуйидагича шарҳладилар:

— Тўйдан кейин, ҳақиқатдан ҳам тинчимадик, — дейди қайнона, — гоҳо тилло буюмлар йўқолиб қолса. Бироз ўтиб бошқа тақинчоқларни уйнинг шифтига илиб кетишади. Тез-тез чинни буюмлар (нима учундур фақат ликопчалар) ўз-ўзидан ерга тушиб чил-чил синади. Келиннинг либосларига игналар санчилаб қолади. Ҳатто «кўринмаслар» ўзларича дастурхон ёзишиб етти-та пиёлага чой қуйишади. Еттита тарелкага тузланган бодринг қўйишади. Бир куни уй ичида бирдан торт пайдо бўлиб қолди...

Ажабо, бу гапларга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмайсан киши.

Бу миш-мишларда қанчалик ҳақиқат борлигини билиш мақсадида «Гулистон» жаридасининг суратчиси Рихситилло Нуринбоев, расом Маҳкам Абдулаев, СССР экстрасенслар ушмасининг аъзоси Эшбой Авазовлар иштирокида «шов-шув» сабабчилари билан учрашдик. Биздан аввал келганларга воқеа тафсилотларини қандай ҳўқоқа қилиб беришган бўлса, яна бир қарра такрорлашди. Ашъвий далилларни эса бошқалар олиб кетишган экан.

— Овознигорда, ойнаижаҳонда сизлар ҳақингизда эшиттиришлар берди. Ўшандан кейин

ҳам «кўринмас» шоввозлар бирор «қилиқ» кўрсатишдими? — деб сўрадик улардан.

— Йўқ, кейинги кунларда улар ҳеч «ҳўнар» кўрсатишмади, — дейди келин. — Чунки мен тушимдами, ўнгимдами оқ салла ўраган, оппоқ кийимдаги, оқ сақолли Хизр бобони кўрдим. У мендан, тила тилагининг, деб сўради. Мен дунёда тинчлик бўлсин, уйимизда давом этаётган нотинчликлар тўхтасин, деб сўрдим. Кейин ҳаммаси тинчиди.

Хуллас, бўлиб ўтаётган воқеаларнинг на боши бор, на адоғи. Аммо бизни масаланинг бошқа томони ажаблантираяпти. Хўш, бордию мўъжизалар ҳақиқатдан юз бераётган бўлса, иштирокчилар, яъни ўша келин ёки қайнона дейлик воқеа содир бўлиши билан боғлиқ ашъларни намуна учун сақлаб, муаммога ойдинлик киритишга қўмак берсалар. Матбуот саҳифаларида шу воқеа билан боғлиқ шов-шув кўтаришдан олдин етарли дастаклар тўплаб, фикрларини асосласалар.

Ниятимиз беҳуда шов-шувлар кетидан қувиб, аҳоли чалғитилмас.

Тўғри, ҳаёт беланчаги — Она заминда биз ҳали англаб етмаган асори-атиқалар жуда кўп. Лекин улар мақсадсиз қўрбон қилиниши фойдадан кўра зарарлироқдир.

Абусаид НУРБОЕВ,
«Гулистон» жаридасининг
махсус муҳбири

кўйганига келсак, менимча, аввалги ота-оналар фарзандларини фақат ўқитишга ҳаракат қилиб, бирор мансабни эгаллашига иштиёқманд бўлишган. Оқибатда касб-хўнарни иккинчи даражага тушиб, ёшларимиз кўпроқ мартабали лавозимларда ишлашга қизиқиб кетишди. Оқибатда ўқигани билан, махсус билим олгани ҳақида ҳўжжатга эга бўлгани билан қўлидан бирор иш келмайдиган хиллари пайдо бўлиб (баъзилари мансаб эгаллаб, тўрачилик қилиб), тер тўкмай — текин пул топиш йўлига ўтиб олишди: давлатни алдайди, халқни алдайди — чўнтаги қаппайса бўлгани.

— Дарвоқе, қайсики ҳўнар тараққий этса, гуллаб-яшнаса, у бор мўъжизаларини намоен қилиб бораверади. Ҳозир бизга оддий бўлиб кўринаётган темирчилик, дурадгорликни олайлик. Улар шу кунгача тараққий этиб келганда, менимча, маҳаллий усталар шу кунгача энг мураккаб қўрилмаларни ҳам яратган бўлардилар. Чет мамлакатлардан эса ҳеч қандай маҳсулотлар буюрттирмасмидик?! Мисол учун, пичоқчилик (чустлик, маргилонлик, шаҳрихонлик ва бошқалар) нима учун анқонинг уруғи бўлган «лезвие» ўрнига чиройли ва бежирим усталар ишлаб чиқаришлари; дурадгорлар, сандиқ-созлар янги-янги кашфиётлар яратиб, чет эллар бизни маҳтал қилиб турган нафис ва кўркам мебеллар (сервант, стол-стул, диван, китоб жавонлари) ясашлари; ганчкор ва наққошлар эса қуруқ деворлардан қад тиклаган баланд-баланд, қўшқаватли аҳоли яшайдиган уйларни шарқона услубда безашлари ва унда гўзаллик яратишлари мумкин эмас?! Менимча, бу касбларни яна-

да ривожлантириб, кенг қулоқ ёздириш учун уларга шунчаки касб деб қарамасдан, балки жиддий мулоҳаза юритиб, нафақат амалий, балки илмий ёндошиш ҳам керак.

— Ҳа, кўнғилдаги гапни айтдингиз. Мен бу ҳақда кўп жойда гапирдим, тегишли жойларга учрадим. Эндям ота-боболаримиздан мерос бўлиб, шу кунда ҳам ўз мавқеини сақлаб турган, баъзиларга оддий бўлиб кўринаётган касб-хўнарларимизга лоқайд муносабатда бўлиш ярамайди. Авлодларимиз аъналарини давом эттиришгина эмас, балки уларни янаям ривожлантириб, энг юқори поғонага кўтариш керак. Чунки бизнинг номимизни бутун жаҳонга танитган — бу санъат ва маданиятимиздир. Шундай экан, бизга ана шу халқ амалий санъати ва бошқа касб-хўнарларни бир ерга тўплайдиган марказлар зарур. Табиийки, марказлар қошида махсус олийгоҳлар, хоҳишсабоқлар, ҳатто боғчадан тўппа-тўғри қабул қилиб олинадиган махсус мактаблар ҳам очиш мумкин. Марказларда ўз президентлари, ёрдамчилари (яъни мазкур касбнинг мутахассис олимлари, устозлари) бўлади. Ва бу марказларнинг асосий вазифалари ўз устозларининг ҳолидан хабар олиб туриш билан бирга уларни доимий иш билан ҳам таъминлаб, янгидан-янги кашфиётлар яратиб туришдан иборат бўлади. Шундагина сиз айтгандай, касб ва ҳўнарларимиз, санъат ва маданиятимиз ҳам илмий, ҳам амалий асосда ривожланишига шак-шубҳам йўқ. Устоз ва шогирдлар, менимча, ана шу ерларда — марказлардагина ўз кадр-қимматларини топадилар.

Сўҳбатдош Зоир ЗИЁ



Абдулхай НОСИРОВ

Садриддин САЛИМОВга

* * *

Афандининг вафодори
Эшак бўлди қадимдан.
Афандидан кулган қори
Тентак бўлди қадимдан.

Юриб, туриб жонлар охир
Мозорлардан чиқдилар.
Кўрабериб хону фақир
Бозорлардан чиқдилар.

Инсофними, диёнатни
Изладилар зору зор.
Топганлари хиёнатми,
Риёзатми беқарор.

Элу юртнинг ноласидан
Сула узра номахрам,
Оҳ бечора, гунг расида,
Нола қилди эшак ҳам.

Охиратга келтириб шак
Харсангтошга бойланди.
Афандига ҳамроҳ эшак
Чўнг хайкалга айланди.

Қурбонжон она

Болам, қўлларимни боғлаб қўйганлар,
Болам, йўлларимни чоғлаб қўйганлар,
Болам, тилларимни тиглаб қўйганлар,
Болам, дилларимни доғлаб қўйганлар,
Сўроқлаб ўйганлар, чўглаб ўйганлар,
Болам, дилларимни доғлаб ўйганлар.

От миниб учайин десам отим йўқ,
Дод уриб кўчайин десам додим йўқ,
Қаддимни тутайин десам қаддим йўқ,
Бод келиб ётайин десам бодим йўқ,
Сўроқлаб ўйганлар, чўглаб ўйганлар,
Болам, дилларимни доғлаб ўйганлар.

Ешларим тошларнинг остида қолди,
Бошларим тошларнинг остида қолди,
Ҳушларим тошларнинг остида қолди,
Тошларим тошларнинг остида қолди,
Сўроқлаб ўйганлар, чўглаб ўйганлар,
Болам, дилларимни доғлаб ўйганлар.

Жамолинг кўрганда кунлар уялсин,
Камолинг кўрганда тунлар уялсин,
Аъмолинг кўрганда хунлар уялсин,
Аҳволинг кўрганда унлар уялсин,
Сўроқлаб ўйганлар, чўглаб ўйганлар,
Болам, дилларимни доғлаб ўйганлар.

Арзимни айтгани, болам, арзим йўқ,
Қарзимни айтгани, болам, қарзим йўқ.
Ҳузуримни айтгани, болам, ҳузурим йўқ,
Узримни айтгани, болам, узрим йўқ,
Сўроқлаб ўйганлар, чўглаб ўйганлар,
Болам, дилларимни доғлаб ўйганлар.
Болам, қўлларимни боғлаб қўйганлар...

Чўлпон

Қаламимни тортиб олдилар,
Аламимни ололмадилар.
Боламни-да, тортиб олдилар,
Ноламни-да, ололмадилар.
Танимни-да, тортиб олдилар,
Ватанимни ололмадилар.
Парвозимни тортиб олдилар,
Овозимни ололмадилар.
Денгиздаги жимжима ёғду —
Яшаб қолдим!
Яшаб қолдим-ку!

* * *

Тутганларим гул бўлса,
Мендан кулдилар.
Тутганларим пул бўлса,
Кўриб ўлдилар.

Ишончларим қўл бўлса,
Қўллаб турдилар.
Нишонларим чўл бўлса,
Йўллаб турдилар.

Умидларим қўл бўлса,
Кулиб юлдилар.
Умидларим кул бўлса,
Кул, кул бўлдилар.

Тошкент

Янги шеърлар

Янги шеърлар

Янги шеърлар



Сен учун зор бу кўнгил, ўзга бир дилдора йўқ,
Ишқ аро кўнглимдайин, зора йўқ, дилпора йўқ.
Ҳижронингда туну кун, қалам йиғлар, дил йиғлар,
Кўз ёшимдай мавжлари ранги қон фаввора йўқ.
Гулману дилда ишқим ёнадур булбул мисол,
Гулзор ичинда бугун, мендайин овора йўқ.
Хоки пойинг гардини нигоҳимда авайлай,
Сен учун жонимдайин, жоннисор наззора йўқ.
Кўзларим — шамси ишқим бўлмас сенсиз мунаввар,
Қувончимсан, қуёшимсан, ўзга бир шарора йўқ.



Раъно ИСМОИЛОВА

* * *

Ситамдийда бу кўнглимга, жаври жонондир сабаб,
Бу қонли оҳу зоримга, тиғи ҳижрондир сабаб.
Бу кун Қайс саҳросида чун Мажнун дилдоралар,
Аларга сардорлигимга ишқи сўзондир сабаб.
Туну кун ғам бодасин лабга тутмиш ул фироқ,
Кечмай андин ичмоғимга, васл армондир сабаб.
Севарман деб ёри беор, йироқ кетди бу даргоҳдин,
Оллоҳ, оллоҳ қилмишига давру даврондир сабаб.
Санчадур қалбимга, оҳ, қадрсизлик игнасин,
Ул, уфқ кизғиш юзиға, сачраган қоним сабаб.
Эй фалак, ишқ оламингда мен каби зор ўлмаган,
Жони дилхун уволиға, бемеҳр жондир сабаб.
Десам фалак айтадурким, сабрни сен пеша қил,
Не ажабдур кутган бахтга, бўлса шул тонгдир сабаб!

Фаргона



Хазонликда кечди умрим, бу ёшим саноғи не?!
Ишқ йўлини борму чеки, бўлса гар адоғи не?!
Ер фироқи игнасиндин сўкилиб юрак бағрим,
Қонли мавжлар гирдобидида, бу жоним сўроғи не?!
Бенасиб бахт қисматидин, қувилган бандаға ёр,
Ҳажр деворидан, боз рашқвор қароғи не?!
Енарким ёр нигоҳидин, мавжли ёшим дарёси,
Билмадим ҳеч нигоҳида, қўллаған яроғи не?!
Бормикан ишқ оламида, доғу ҳасратсиз кўнгил,
Хабар айтинг бу ҳолимдин, ониким сабоғи не?!
Во ажабки йўлга Раъно, қараб кўргил бу не ҳол?!
Шунча жаври устиға ёр, боз осган чароғи не?!



ОЛМОНИЯДА ЎҚИГАНЛАР ҚИСМАТИ

(Солиҳ Муҳаммад ҳақида)

В. И. Ленин Октябрь инқилобидан кейин шўролар мамлакати ўрамларида саноат, фан-техника, маориф ва маданиятни ўстириш учун чоризм даврида етишган турли хил буржуа мутахассисларидан самарали фойдаланиш, уларнинг илғор илмий ва амалий тажрибаларидан кўпроқ ўрганишни маслаҳат берди. Шунинг учун ҳатто Россияга нисбатан ижтимоий-иқтисодий ва фан-техника тараққиётида олдинда бораётган Оврупонинг илғор капиталистик мамлакатлари, биринчи навбатда Германияга илмий-педагогик кадрлар, талабалар юбориш, уларнинг барча ютуқларини қўш-қўллаб ўрганиш, айниқса, «Оврупо ва Америка фанидаги барча ҳақиқий қимматли томонларни қабул қилишга» киришишга, бу соҳада кўринган айрим коммунистик манманлик, саводсизлик ва болаларча сўллик касалликларининг ниҳоятда хатарли ва ҳалокатли эканлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатди.

Туркистон Мухтор Шўро жумҳурияти ва Бухоро халқ жумҳурияти фирқа ва давлат раҳбарларидан Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Абдулла Раҳимбоев, Назир Тўракулов, Фитрат ва бошқаларнинг ташаббуси билан шу йилларда ички Россиянинг Марказий шаҳарлари — Москва, Ленинград ҳамда Туркия ва Германиянинг Истамбул, Измир, Берлин, Хейделберг, Штруггер, Бонн каби шаҳарларидаги машҳур дорилфунун, олий техника ва зироат академиялари, шунингдек, турли педагогика ўқув юртлари, қизлар ҳамда эрлар гимназияларига талабалар юборила бошланди. Улар айниқса 1922—1923 йиллардан бошлаб ўша даврда Оврупода энг тараққий этган капиталистик мамлакат — Германияга талабалар юбориб, шу орқали Россиянинг собиқ колониал ўлкаси бўлган Туркистон ва Бухорони илғор Оврупонинг илм-фан, техника, маориф-маданиятини ўзлаштириш асосида маърифий-маданий давлатга айлантириш орзусида бўлдилар. Шу мақсадда ўлкамизнинг турли марказий шаҳарларидан 70 га яқин истеъдодли маҳаллий йигит ва қизларимизни Германияга ўқишга юбордилар. Булар ичида тошкентлик Саттор Жаббор, Хайринисо Мажидхонова, Солиҳ Муҳаммад, Тўлаган Мўмин, хоразмлик Марям Жуманиёз қизи, самарқандлик Рауф Расулий, фарғоналик Темирбек Ғозибек ўғли, бухоролик Омон Матқул, Муҳаммад Хўжаев ва бошқалар бор эдилар. Буларнинг бир қисми кейинчалик ўқишларни битириб, Ўзбекистонга қайтдилар, айримлари эса баъзи сабаблар билан ватанларига қайтмай Германияда, Туркияда қолиб кетдилар. Ватанларига қайтган Саттор Жаббор, Султон Матқул, Абдул Ваҳоб Муродий, Муҳаммад Хўжаев, Хайринисо Мажидхонова, Фузайил Шераҳмад ўғли, Тўлаган Мўмин, Солиҳ Муҳаммад ва бошқалар эса 1937 йил Сталин шахсига сиғиниш кучайган бир даврда чет эл разведкасининг иштирокчиси, немис фашистларининг агенти, аллақандай советларга қарши тузилган ташкилотнинг

аъзолари деган тухмат, айблар билан қатгон қилинадилар. Шулардан бири Германиянинг Штутгард шаҳридаги Олий Зироат академиясида ўқиб келган ватандошимиз Солиҳ Муҳаммаддир.

* * *

Солиҳ Муҳаммад 1902 йили Тошкентда туғилиб, шу ердаги эски мактабда, сўнг «Кўкалдош» мадрасасида ва рус-тузем мактабларида ўқиди. 1918—1919 йилларда янги совет мактаблари учун муаллимлар тайёрлайдиган ўқитувчилар курсларида ўқиб, дастлаб шаҳардаги «Форобий» мактабида муаллим, кейинроқ «Янги калон» кўчасидаги мактабда мудир бўлиб ишлаб бошлайди.

1922 йилда Туркистон Шўролар жумҳурияти Марказий ижроия комитети раиси Абдулла Раҳимбоев уни ўз ҳузурига чақириб, бир гуруҳ талабалар билан Германияга ўқишга боришга, Оврупонинг илғор фан-техника сирлари, маориф ва маданият соҳасида эришган ютуқларини ўрганиб, Туркистоннинг келгусида иқтисодий-маданий тараққиёти учун бел боғлашига маслаҳат беради. Солиҳ Муҳаммад ҳам кўпчилик ўртоқлари каби бу таклифни жон-дилдан қабул қилади ва она юртининг келгуси истиқболи йўлида фидойи фарзанд бўлиб етишиш орзусида Германияга ўқишга кетади. У Германиянинг Штутгард шаҳридаги Зироат академиясига кириб ўқийди, экинчилик, уруғчилик, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, пахтачиликни ривожлантириш бўйича Оврупо фан-техникаси эришган амалий-назарий билимларни пухта эгаллашга ҳаракат қилади. Солиҳ Муҳаммад 1927 йил Тошкентга ёзги таътилга келади. Аммо Германияга қайтишига ва ўқишининг охири курсини тутатишга рухсат берилмайди. Шундан сўнг у Самарқандга бориб, у ерда Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Йўлдош Охунбоев ҳузурда бўлиб, Зарафшон мавзесининг Каттақўрғон шаҳри яқинидаги Уруғчилик илмий-тажриба станциясига ишга юборилади. Солиҳ Муҳаммад у ерда бироз ишлагач, 1928 йил ўрталаридан бошлаб, Самарқанддаги Жумҳурият уруғчилик бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаб бошлайди. 1931 йил Жумҳурият маркази Тошкентга кўчганидан кейин Солиҳ Муҳаммад ҳам Тошкентга ишга келди. 1934 йилгача у шу ерда ишлаб, сўнг Ўзбекистон пахтачилик трестида пахта уруғчилиги бўйича амалий ва назарий ишлар олиб боради. Ўлкамизнинг Зарафшон, Каттақўрғон уруғчилик станцияларида,

Фарғона ва Наманган воҳаларининг айрим пахтачилик хўжалик далаларида бўлиб (масалан, 1934 йил июлида Намангандаги Иброҳим Раҳматов номли машҳур пахтаччилик ва уруғчиликнинг аҳволи ва истиқболини бевосита кузатади, пахтакорлар, уруғчилик билан шуғулланувчи маҳаллий ишчи ва деҳқонларнинг моддий ва маданий аҳволи, уй-жой, иш шароитлари, уларга ҳақ тўлаш, дам олишлари билан яқиндан қизиқади, бу соҳада айрим пахтакор ноҳия, уруғчилик станция раҳбарларининг беғамлиги, ўз ихтиёрларида ишлаётган ишчи ва деҳқонлар меҳнати ва яшаш шароитларига бефарқ қарашлари, уларнинг ҳақ ва ҳуқуқларининг камситилаётганлиги, раҳбарларнинг халққа тўраларча муносабатларини қаттиқ танқид қилади, уларга яхши иш ва яхши имкониятлар яратиш учун қўлидан келганча ёрдам кўрсатади. Раҳбарларнинг маданиятли, маърифатли, меҳнат кишиларга ғамхўр ва меҳрибон бўлишга тарғиб ва ташвиқ этади, ўзи эса бу соҳада шахсий намуна кўрсатишга ҳаракат қилади.

Чунончи, 1927 йил Самарқанд яқинидаги Каттақўрғон тажриба станциясида ишлаганида ишчиларнинг шикоятларини эшитиб, шу вақтгача ишчилар қўмитаси раислигига маҳаллий ишчилардан раис бўлмаганлигини қаттиқ танқид қилади ва мажлисда биринчи маротаба Мўмин ака деган кишини сайлатади. Унинг ёрдамида бу ердаги маҳаллий ўзбек, тожик ишчилари учун биринчи бор чойхона, қизил бурчак, ўзбек тилидаги газета ва журналлар ўқийдиган маҳсус хона ташкил қилинади. Тажриба станциясида 12 йиллаб ишлаб келган Ғанибобо (боғбон), ишчи Райҳон Раззоқов ва бошқалар билан суҳбат қилиб, станция директори Карповнинг маҳаллий ишчиларга носоғлом муносабати, мансабпарастлиги, уруғ-аймоқчилик каби жиддий нуқсонларини очиб ташлайди («Тескарлар станцияси», «Қизил Ўзбекистон», 1929 йил, 5 январ). Тажрибали агроном кадрларнинг етишмаслиги тажриба станцияларидаги моддий исрофгарчилик, хўжасизлик, илмий-техник раҳбарлик маданиятининг етишмаслиги ҳақида ҳам бир неча мақолалар ёзган (М. Солиҳ. «Ўзбекистон агрономи курултойига». «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1928 йил, 7 январ).

Солиҳ Муҳаммад ўзининг агрономия ва уруғчилик, пахтачилик соҳалари билангина чекланиб қолмай, умуман Ўзбекистон маданий-маърифий тараққиёти ишларига ҳам катта қизиқиш билан қараган кенг маълумотли ва маърифатли бир зиёли эди. У умуман маданият, маърифат ва тараққиёт ҳақида фикр юритганда бугунги Ўзбекистоннинг бундан ҳам илғорроқ ривожланган бўлиши, бунинг учун Ўзбекистонда ҳам маҳаллий кадрлар тайёрлашга катта аҳамият бериш кераклигини таъкидларди. «Ҳар қандай мамлакат ва халқнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиёти, — деган

эди у бу ҳақда фикр юритиб, — муайян даражада унинг бошқариб турган давлат бошлиқларининг маданий ва маърифий даражаси, камолотиға ҳам боғлиқдир. Масалан, Шарқдаги Японияда ўтган асрнинг учинчи чорагида раҳбарликка ўтирган император — Мэдзэ ўта маърифатпарвар ва келажакни кўра оладиган бўлгани учун ҳам мамлакат истиқболини ўйлаб, ўша асрда фан-техника тараққиётида Оврупода олдинда бораётган Германияга ҳар йили минглаб талабалар юбориб турган, уларнинг ўқишлари, илм-фан, техникани эгаллашлари учун пулни сира аямаган. Шундан кейин бир неча йил ўтгач, у ердан кўплаб миллий инженерлар, тиббиёт кадрлари етишиб келиб, маҳаллий фан-техникани, саноатни тараққий қилдириб, ҳатто кейинчалик улар айрим соҳаларда ўз устозлари бўлган немислардан ҳам ўтиб кета бошлаганлар. Бизда эса аксинча, чор мустабири Николай II, Бухоро амири Олимхонлар ҳам гарчи Германияда бўлиб, муайян ҳарбий маълумот олиб, улардан умумий маърифат, маданият, илм-фан тараққиётини кўриб қайтган бўлсалар-да, ўзларининг фикрий чекланишлари ва бу ердаги жоҳил амалдорлар ва руҳонийларнинг тазйиқи ва таъсири остида мамлакатларида жиддий бир олға силжиш қилолмаганлар. Ҳатто бу йўлдаги илғор ҳаракатларга ҳам ғов бўлганлар. Бу эса Октябрь инқилобидан сўнг ҳам унинг ўрнида вужудга келган янги ҳукуматнинг ҳам маданий ва иқтисодий жиҳатдан Овруподан орқада қолишига сабаб бўлган. Шунинг учун мамлакатимиз илғор мамлакатлар сафига етиб олиши учун ҳар йили Оврупога кўплаб талабалар юбориб туриши керак».

Солиҳ Муҳаммад шаҳримизнинг маданий қиёфаси, истироҳат боғлари, адабиёт ва санъат, театр янгиликлари билан ҳам қизиқиб, Маннон Уйғур, Аббор Ҳидоятлов каби машҳур саҳна усталари, Абдулла Қодирий, Чўлпон каби ёзувчи ва шоирлари, зиёлилари билан ҳам тез-тез мулоқотда бўлиб турди.

Лекин афсуски, Солиҳ Муҳаммад каби дастлабки ўзбек зиёлиларини, уларнинг жумхуриятимизнинг келгуси истиқболли, пахтачилик ва уруғчиликни ривожлантириш, ўлканинг моддий ва маънавий ривожини учун курашиш ташаббусларини, бу соҳадаги барча амалий ва илмий фаолиятлари кейинчалик 1937 йил Сталин шахсига сиғиниш йилларига келиб, асоссиз миллатчилик ҳаракатлари, бузғунчилик, чет эл разведкасига хизмат қилиш, советларга туҳмат, контрреволюцион ҳаракат деб баҳолана бошланди. Натижада 1937 йил 11 октябрда Солиҳ Муҳаммад ЎзССР НКВДси УТБ ходими Михайлянц томонидан Тошкент шаҳар собиқ Сталин район «Тошкент ҳақиқати» кўчасидаги 57-уйидан ноҳақ қамоққа олинди. Ва ҳеч бир далил-исботсиз тергов қийноқлари остида унга йўқ айбларни бўйнига олишга мажбур қилишди.

Адолатсиз тергов — сўроқлар, айблар асосида халқимизнинг асл фарзандларидан бири, Германия Зироат академиясида ўқиб келган илк ўзбек зиёлиларидан бегуноҳ Солиҳ Муҳаммад ҳам 1938 йил 9 октябрда унинг ўзи билан бир даврда ўқиб, кейинчалик Ўзбекистонга не-не яхши умид ва орзулар билан қайтган кимёгар олим Саттор Жаббор, генетик олим Рауф Расулий, электр инженери Тўлаган Мўмин, тиббиёт мутахассиси Хайринисо Мажидхонова, ир-

ригатор Фузайил Шераҳмад ўғли ва бошқалар қатори СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси қарори билан ваҳшийларча қатлиом қилинди. Солиҳ Муҳаммаднинг барча бегуноҳ сафдошлари каби унинг ака-укалари, қариндош-уруғлари, ота-оналари, хотини, фарзандлари ҳам сталинизм даврининг бу ёвуз бебошликлари ва бедодликларининг оғир жароҳатларини бошдан кечирадилар. Хотини Зебо, қизи Нафиса, укалари Мансур, Муҳаммадамин, Самиг ва бошқаларга акаларини қайтиб кўриш, учрашиш сира насиб қилмайди, бунга бағритош тергов идоралари ходимлари йўл бермайдилар. Уларни халқ душмани, хоиннинг қариндош-уруғлари деган туҳмат билан таҳқирлайдилар. Партия XX съезидан сўнг ўлкадаги Ф. Хўжаев, А. Икромов, Фитрат, Чўлпон каби бир қанча зиёлилар қатори ўша даврда Германияда ўқиб, кейинчалик Ўзбекистонга қайтиб илм-фан соҳасида ҳалол хизмат қилган, ватанга — халққа нисбатан хиёнат қилмаган Саттор Жаббор, Марям Султонова, Хайринисо Мажидхоновалар каби Солиҳ Муҳаммад ҳам СССР Олий суди Ҳарбий Коллегиясининг 1957 йил 2 августдаги қарори билан оқланди. Ҳозир унинг укалари — меҳнат ветерани Мансур Муҳамедов, Васхнийл академиги Муҳаммадамин Муҳамедов, қизи олий маълумотли доришунос Нафиса Муҳамедова турли соҳаларда ишлаб, акалари ва оталари бошлаган илмий ва ижодий ишларни давом эттирмақдалар, ҳалол меҳнатлари, ҳақиқий ўзбек зиёлиси оиласининг муносиб ворислари сифатида эл-юрт олқиши ва ҳурматиға сазовор бўлиб келмоқдалар.

Шерали ТУРДИЕВ,
филология фанлари номзоди

ОШУФТА ҚАЛБ ҲАЙҚИРИҒИ

Ер кўрасида экологик аҳволнинг даҳшатли кескинлашуви, табиатни аёвсиз талашлар пировард натижада Она ер, бутун жонли ва жонсиз мавжудотлар учун атом урушидан ҳам даҳшатли хавф эканлигини кундан-кунга чуқурроқ ҳис қилаяпмиз. Йиллар, асрлар ўтиб, инсон теграсига бир қараб боқсаки, унга ўзидан олдин ўтган авлодлардан на сервиқор тоғлар, на сайроқи қушлар, на оби-ҳаёт бахш этувчи қудуқлар, на яхши навли мевали дарахтлар қолади. Нега шундай?

Яқинда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган ёш мушоҳадатнавис М. Мардиев ҳам «Олмоқнинг бермоғи бор» номли китобида айнан шу саволларга жавоб топишга уринган.

Китоб муаллифи Навоий шаҳридаги Нурота тоғи, Қизилқум чўли зонасидаги экологик аҳволнинг танглиги, ер, сув ресурслари, яйловларнинг ачинарли ҳолаги тушиб қолганлиги ҳақида изтироб билан ёзар экан, бунинг туб сабабларини аниқлашга ҳаракат қилади. Айниқса, «Ҳаёт бошланган жойларда», «Жавобгарлик» сарлавҳали долзарб муаммоларида қадимий кориз — ер ости иншооти қазилиши сирлари, уларни асраш, Нурота ноҳиясидаги Сентоб ўрмон хўжалиги,

ундаги минг йиллик дарахтлар, анвои ўт ва доривор гийҳлар, уларнинг шу кунлардаги аянчли тақдири ҳақидаги ҳикоялар ўта таъсирли ифодаланган. «Саксовуллар — дала гуллари», «Қизилқум қудуқлари», «Қурғоқчилик» мақолаларида эса муаллифнинг Қизилқум яйловларининг бой табиати, ундаги кенг яйловлар каби чексиз меҳрга тўла — оддий, содда меҳнат кишиларининг ажойиб фазилатлари, бебахо табиатнинг сир-асрорлари, уни асраш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари самимий баён этилган.

Журналистнинг, Қизилқумда саксавулзор майдонлар мўл, аммо уларни асраш керак; ҳозирча ер ости сувлари етарли, лекин уларни авайлаб истеъмол қилиш лозим; Қизилқум саҳроси кенг, чексиз, бироқ ундан унумли фойдаланиш зарур, каби долзарб ҳайқирлиқлари юқорида эсланган мақолалар бўйлаб қизил ип бўлиб ўтади. «Ташаббус қиммати», «Мувозанат», «Оқим» мақолаларида ҳам долзарб мавзу устивордир, уларда чорвачилик истиқболлари, СЖК перепаратидан фойдаланишнинг зарарли оқибатлари ва бугунги куннинг энг улкан муаммоларидан бири — Орол денгизининг аянчли тақдири, Нурота булоқлари кўзининг ёпилиб қолиши сабаблари ҳақида батафсил ёзилган. Муаллиф ҳар бир қаламга олган мавзуси-

КИТОВЛАР ОЛАМИДА

ни бевосита ўзи кўрган, кузатган, эшитган воқеаларни далил ва рақамлар орқали янаям қизиқарли тарзда ифода этган. «Кўланка», «Қора булутлар» мақолаларида эса Навоий шаҳридаги қатор заводларнинг атроф-муҳитни аёвсиз булғатганлиги, ер ости ва устки сувлари тинимсиз заҳарланиб бораётгани, бунга мутасадди раҳбарларни жазолаш ўрнига, йилдан-йилга юқорироқ мансабларга кўтаришаётгани ҳақида алам ва ўкинч билан ёзган.

Айниқса мақолалардаги даядил, кескин фикрлар ҳамда муаллифнинг бевосита ўзи чуқур ўрганган воҳадаги экологик ҳолатни яхшилаш, соғломлаштириш ҳақидаги таклиф ва мулоҳазалари ўқувчини йилантириб қўяди.

«Ҳаётнинг ўз қонунини бўлганидек, табиатнинг ҳам ўз қонунини бор, — деб ёзади М. Мардиев «Эйрамсарой фожиаси» мақола-сида, — табиатга қилинган зугумимиз қимматга тушди. У бугун биздан шафқатсизларча ўч олапти».

Ҳақиқатдан ҳам шундай. Ҳар бир қалтис ҳаракат, шаккоклик оқибатсиз қолмайди.

Бундан ташқари, муаллиф китобга кирган ҳар бир мақола-сида маълум жой, булоқ, тоғ ёки сой тарихи ҳақида ҳам тўхталиб халқ оғзаки ижоди, маҳаллий аҳоли орасида оғиздан-оғизга кўчиб юрган қизиқарли ривоятлардан мисоллар келтиради. Булар, шубҳасиз, мақолаларнинг мазмунини бойитади.

Бутун қалб кўрини жамиятимизнинг қайта қуриш ва покла-ниш ишига бағишланган нурота-

Маҳмуд Мардиев

ОЛМОҚНИНГ БЕРМОҒИ БОР



лик муаллифларнинг ҳаёти ва одамийлик, қишлоқ кишиларига хос жўмардлик, танглик хислатлари жўш уриб турибди. Лавҳаларни ўқигач, ўқувчи ўзини ўша қишлоқлик қаҳрамонлар билан ёнма-ён меҳнат қилаётгандек, дардларига, қувончларига шерик бўлаётгандек ҳис қилади.

Афсуски, жумхуриятимизнинг бетакрор табиати, ундан қандай фойдаланиш кераклиги, қатор-қатор муаммолар ҳақидаги манбалар бармоқ билан санарли даражада. Шу куннинг энг муҳим, долзарб масаласи табиат, уни кўз қорачигимиздек асраш ҳақида ҳикоя қилувчи китобларни кишилар жон деб ўқишлари табиий. Журналист Маҳмуд Мардиевнинг «Олмоқнинг бермоғи бор» китоби ҳам ана шундай бир нафасда ўқиладиган китоблар сирасига кирди.

Юсуф ҲАМДАМОВ,
филология фанлари номзоди



Али Шир Новаи

Мусаддас

Арзимас фикр айлемангке дегер би-хавел-гем
 Хиле-дик хилет-созу-и-роузе-дик-манзил-гем
 Баде-айе-дйсангке-киткай-дур-мстечел-гем
 айсте-бан-қатлингги-наке-ешқиник-мшкл-гем
 گر-نوایی-دیک-باشینگ-غو-توشسه-بیر-قاتل-گем
 اندا-داغی-کورگاسین-نه-بولسا-قسمت-ای-رفیق

Дахр аро чун қайғусиз йўқ ҳеч ишрат, эй рафиқ.
 Айш субҳин истама бешоми офат, эй рафиқ.
 Ким эмас бир-бирдин айру нуру зулмат, эй рафиқ.
 Шуълаи ишрат қани бедуд меҳнат, эй рафиқ.
 Кимки васли ичра ёқсанг шамъи улфат, эй рафиқ.
 Кўз тут ул шамъ ўтидин — ўқ доғи Фурқат,
 эй рафиқ.

Бевафодур бу қадимий давр уза бу эски ток,
 Кўрсанг анда нўши ишрат неши ғам зимнида боқ.
 Ким ичарга васли жомин зоҳир этти иштиёқ
 Ким анга талх этмади дарди фироқ охир мазок.
 Васл соқий мумкин эрмас, чунки бедарди фироқ,
 Зинҳор ул бода сори қилма рағбат, эй рафиқ.

Офият сарманзилидин ўзни маҳжур этмагил,
 Хўблар кўйи сари майл улча макдур этмагил,
 Айласанг ул ой ғамидин ўзни ранжур этмагил,
 Васли уммиди била кўнглунгни масрур этмагил,
 Васл йўқким ишқ лафзин тилга мазкур этмагил,
 Ҳар нафас кўрмай десанг юз навъ шиддат,
 эй рафиқ...

Офият базмида гарчи жоми васлинг тўлмаса,
 Зухд бедоди бошингдин бир нафас ўксунмаса,
 Шайх айлаб юз жафо бир қатла узрунг қўлмаса,
 Бўйла ўтлардин керак барги умидинг сўлмаса,
 Гар солиб юз минг балоға мендек ўзни, бўлмаса
 Ишқсиз бир дам санга ҳам сабру тоқат, эй рафиқ.

Айтмон бир сарв қадду моҳи рухсор истагил,
 Айш сози, қотили шўхи ситамгор истагил,
 Тош бағирлиқ раҳмсиз хунрези айёр истагил,
 Лек дермен: дахр аро ёри вафодор истагил,
 Токи мумкиндур кезиб бир меҳрибон ёр истагил,
 Бағри тошларни севарга қилма журъат, эй рафиқ.

Арзимас фикр айламакка даҳри беҳосил ғами,
 Хулладек хилъат сўзи ё равзадек манзил ғами,
 Бода ич десангки кеткай даври мустаъжил ғами,
 Истабон қатлингги ногаҳ ишқнинг мушкил ғами,
 Гар Навоийдек бошингга тушса бир қотил ғами,
 Анда доғи кўргасен не бўлса қисмат, эй рафиқ.

Машқ муаллифи Ҳамид АБДУЛЛАЖОНОВ

Мшқ معلمى حميد عبدالله جانوف

دهر ارا چون قايغوسيز يوق هيچ عشرت اي رفيق
 عيثر صبحين ايستاما بي شام آفت اي رفيق
 كيم ايماس بير بيردين ايرو نور و ظلمت اي رفيق
 شعله اي عشرت قاني بي دود محنت اي رفيق
 كيمكه وصلي ايچره ياقسانك شمع الفت اي رفيق
 كوز توت اول شمع اوتيدين اوڤ داغ فرقت اي رفيق
 بي وفادور بو قد يمي دور اوزا بو ايسكي طاق
 كورسانك اندا نوش عشرت نيش غم غممنيده باق
 كيم ايچارگا وصل جامين زاهر ايتتى اشتياق
 كيم انگا تلخ ايتمادي درد فراق آخر مذاق
 وصل ساقى ممكن ايرماس چونكه بي درد فراق
 زنهار اون باده ساري قيلما رغبت اي رفيق

عافيت سر منزليدين اوزنى مهجور ايتماگيل
 خوبلار كويى ساري ميل اولچه مقدور ايتماگيل
 ايلسانك اون اي غميدين اوزنى زنجور ايتماگيل
 وصل اميدى بيله كونگلونگى مسرور ايتماگيل
 وصل يوق كيم عشق لفظين تيلگا مذكور ايتماگيل
 هر نفس كورماي ديسانك يوز نوع شدت اي رفيق

عافيت بزميده گرچه جام وصلينك تولماسا
 زهد بي دادي باشنگگدين بير نفس اوكونماسا
 شيخ ايلب يوز جفا بير قتله اوزرونك قولماسا
 بويلا اوتلاردن كيرك برك اميدينك سولماسا
 گر ساليب يوز مينك بلاغه مينديك اوزنى بولماسا
 عشوسيز بير دم سنگا هم صبر و طاقت اي رفيق

ايتمان بير سرو قد و ماه رخسار ايساگيل
 عيثر سازى قاتل شوخ ستمكار ايتاگيل
 تاش باغيرليق رحيم سيز خونريز عيار ايتاگيل
 ليك ديرمن دهر ارا يار وفادار ايتاگيل
 تاكى ممكن دور كيزيب بير مهربان يار ايتاگيل
 باغرى تاشلارنى سيورگا قيلما جرعت اي رفيق

Нафс ва қаноат

Нафс, қаноат икки унсур,
Сув-ҳаводек мисоли.
Яшаш — кураш рамзи бўлар,
Тирикликнинг тимсоли.
Нафс, нафаси тикилганча
югуради, елади.
У кирмаган эшик қолмас,
Элни ямлаб келади.
Ўзи тўйса, кўзи тўймас,
Балойи нафс эмасми.
Анвойи хил нози-неъмат
Э, одамлар емасми?..
Кишиларнинг ҳаққи эмиш,
Ҳақи бўлмай ҳам ўлсин.
Кўрган-билган:
— Дамингни ют!
Жим! — дейдилар, — еб бўлсин.
Тунлар ҳатто уйқусида —

Ҳаловат йўқ бир унинг.
(Қиш-қировли кунларда ҳам,
Кузатганмиз биз уни).
«Етиб қолма — отиб қол!» — шу
Нафс шаънига айтилган
Қорни йўқдай қаноат ҳам,
Сабр билан етилган.
Буюрганин бўлса ейди,
Бўлмаса йўқ, оч ўлмас.
Дуч келганда:
— «Во, ҳасрато!..»
Дастурхони очилмас...
Ўз оти-ла, қаноатда,
Ҳалолликдан топган у.
Нафс — ҳаспўшлаб қўйилган бир
Пайинг кесар қопқон у.
Тўғри йўлдан тойдирар ҳам,
Шу нафс ҳолинг «вой» қилиб.
Тилинг боғлаб, қаддинг эккан
Эл ичида лой қилиб...
Шундан «Нафсин ўлдирганлар
Султон бўлар».— Бу ҳақ гап.
Қаноатни қўлдан берманг,
Ҳеч қачон вақтиз тугаб!



КЕЛГИНДИЛАР БИЗНИ ДАВОЛАЙ- ДИМИ?

1965 йилнинг 3 сентябр куни Хьюстон (АҚШ) шаҳри жанубида пастлаб учаётган номаълум жисм кузатилди. Қип-қизил шуълаланган иссиқлик тўлқини шу ерлик тартиб посбони Р. Гуднинг машина ойнасидан чиқиб турган қўлига урилган.

Бундан бир-икки кун илгари унинг худди шу қўли жароҳатланганди. Номаълум учувчи жисмдан капалаги учиб кетган тартиб посбони шериги билан Демон шаҳригача қочиб бордилар. Ниҳоят бир манзилда тўхтаб ярани очиб кўрсаларки, у деярли битиб қолган эди.

Шунга ўхшаш ҳодисани Сочи шаҳрида истиқомат қилувчи Н. Кирмос деган киши ҳикоя қилади: «1989

йил ёзида тасодифан ўнг оёғимга қайноқ сув тўкилиб, тиззамдан товонимгача куйдириб олдим. Тери бутунлай шилиниб тушди. Жароҳатнинг 18-кунида, одатдагидек, малҳам қўйиб ухлашга ётдим. Ташқарида ёмғир ёғаяпти. Чақмоқ чақиб, момақалди роқ гумбирляпти. Хона ўртасида телевизор турарди. Момақалди роқ гумбирлаганда, хона кўзни қамаштирувчи шуълага тўлди. Қўрқанимдан чойшабга ўраниб олдим. Кўзимни очганимда телевизор ёнида турган ялтироқ ёмғирпўшдаги икки киши (эркак ва аёл) кўрдим. Уларнинг кўзлари каттакатта эди, боши — тепасида кичик қора қути, қутидан юқорига учта симга ўхшаш нарса. Қутидан пешонага томон қорамтир йўл кетганлигини кўрдим. Номаълум кимсанинг қаншарида оқ ялтироқ тугмача, бурни учиде иккита ёнувчи шарчалар турарди. Юзларида гўё шаффоф

кийиб олгандек, кўзлари атрофидан ялтироқ ҳошия кетган эди. Қўрқувдан анчагача ўзимга келолмадим.

Қайтиб кўзларимни очганимда фикран уларнинг сўзини эшитдим. Эркаги аёлга гапираяпти: «Унинг оёғи қаттиқ куйган, шуни тузат». Аёл менга томон яқинлашди, ундан кучли ҳарорат тарқаларди. Мен яна ҳушимни йўқотдим.

Ўзимга келган пайтда улар хонани тарк этишганди. Эрталаб туриб жароҳатимни кўрсам, у юпқа тери билан қопланган, атрофи битган эди. Ҳасса билан бўлса-да, юриб кетдим.

Яна бир нарса: «Уша кунгача бемалол ишлаб турган телевизор ўз-ўзидан бузилиб, чамаси бир ойлар мутлақо ишламай қолди. Уни усталарга тузатишга бердим, бироқ биринчи программа кўрсатувларини кўрсатмай кўйди».

ТЕРМА МАҚОЛЛАР

Қулоқдан кирган совуқ сўз
Юрагингни муз этар.

* * *

Қопқоқсиз қозон кўрса,
Итнинг уяти йўқолар.

* * *

Феъли ёмон элни булғар,
Оёғи ёмон тўрни булғар.

ЛАТИФАЛАР

— Бемор, сизга маънавий озиқ керак,— деди дўхтир Афандини кўриб бўлгач.

— Уни қайси магазиндан топса бўлади, ўғлим? — деб сўради Афанди.

* * *

Ут ўчириш командасида ишлайдиган Афанди ишдан келаётиб, қизига муҳаббат изҳор қилаётган йигитнинг овозини эшитиб қолди.

— Ишқингизда кўксимга ўт тушди, жоним,— дер эди ошиқ йигит тамаки буруқситиб.

Афанди: «Мана ҳозир ўтни ўчирамиз-да», деган эди, шилқим шаталоқ отиб қочиб қолди.

И. АБДУЛЛА



ИСРОФГАРЧИЛИК!

Тўрақўрғон ноҳиясидаги Қодиробод мавзесида қад ростлаган мана бу уйлар ҳукуматнинг бир миллиондан зиёд маблағига барпо этилган. Афсуски, бу хонадонларга Киров номидаги, Партия XXV съезди номли жамоа хўжалиklarининг аҳолиси кўчиб киришга юраклари бетламай турипти. Турар-жой бинолари аҳолининг шарт-шароити ҳисобга олинмай, ўйдим-чукур ерлар текисланмай, «мендан кетгунча» қабилида қурилган. Шу кунларда ташландиқ ҳолига келиб қолган бу турар-жой биноларининг буюртмачилари ҳам қилиб қўйган ишларидан юзлари шувит. «Эга бўлмаса, нега?!» деганлари шу бўлса керак-да!

Сураткаш А. КОВТУН (ЎзТАГ)



УЖИР - ЎЖИРЛАР

«Нақл қилишларича, харидорлар ҳақидан уриб қолган тарозибон халқ қарғишига учраб, тошбақага айланиб қолган экан. Тошбақа косасини қалқон қилиб олган ҳозирги қаллоб сотувчиларга бало ҳам урмайди-ку?»

(Харидорлар гапидан)

«Тошкент шаҳар, Оқ тепа мавзеидаги кўчалардан бири «ул. Сам. Вургуна» деб аталади. Бу саводсизларча ёзилган кўча номи машҳур шоир Самад Вурғунга нисбатан ҳурматсизлик эмасми?»

(Редакцияга келган хат)

«Ҳассос шоиримиз Эшматнинг эҳтиросли шеърлари жузъий камчиликлардан холи эмас. У ёки бу нуқсонларига қарамай, шиғир завқ-шавқ ила ўқилади».

(Чала мулланинг тақриси)

«Муштлашиш менга одат; кўзим кўкариб, бошим ёрилиб юради. Мевалик дарахтга тош тегади-да, ошна!»

(Безорининг қовоқ калласидаги гап)


А. ИСОМИДИНОВ



Баъзи «замонавий» ёшларга фарзанд боқиш ғоятда бир юк ёки халтага тушган гўдак.

Сураткаш Ф. Қурбонов.

ТИЛСИМ



ЭНИГА: 5. Қорақолпоғистондаги шаҳар. 7. Эрон даштлари оралиғидаги тоғли ўлка. 9. Фарғона водийсидаги вилоят. 11. Қариндошлик муносабатлари, тили ва ҳудудига кўра ўзаро боғланган қадимий кишилар гуруҳи. 12. Кун ботар томон. 15. Ҳисоблаш амалининг бири. 16. Обод чаманзор маскан. 17. Урта Осиёдаги жумҳурият. 20. Сут маҳсулоти. 21. Ҳисор тизмасининг шимоли-ғарбидаги қўриқхона. 24. Ўзбек халқи таркибига кирувчи қадимий уруғлардан бири. 26. Шарқ халқлари томонидан ўтмишда қўлланилган оғирлик ёки сатҳ ўлчови. 28. Бирор давлатнинг ҳудудий бирлиги. 30. Сурхондарё вилоятидаги ноҳия. 31. Алишер Навоий яшаган, ҳозирда Гўргон деб аталувчи шаҳарнинг қадимий номи.

БЎЙИГА: 1. Жумҳуриятимиз ҳудуди жойлашган пасттекислик. 2. Ер юзи ва ундаги бутун борлиқ. 3. Туркистон тоғ тизмасидаги кўмир кони. 4. Тожикистондаги тоғ. 6. Ўзбекистондаги чорвадор ноҳия. 7. Бухоро яқинидаги шаҳар. 8. Қимматбаҳо маъдан. 10. Урта Осиёнинг жанубидаги текислик, чўл. 13. Аниқ фанлардан бирининг ўтмишдаги номи. 14. От минган киши. 18. Миллий таом. 19. Ўқув қуроли. 22. Халқ табобатида қадимдан ишлатилиб келинган мумсимон модда. 23. Тошкентнинг қадимий дарвозаларидан бири. 25. Қамарий йил ҳисобидаги ой номи. 27. Аждодлардан қолган бойлик. 28. Бадий асар тури. 29. Ўтмишда кўз хасталиги муолажасида қўлланилган малҳам.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.

12-СОНДА БОСИЛГАН ТИЛСИМНИНГ ЖАВОБИ

ОЧҚИЧ:

1. «Садди Искандарий». 2. Лутфий. 3. «Муҳокаматул-луғатайн». 4. «Эрур». 5. Туюқ. 6. «Алишернинг ёшлиги». 7. Аҳмаров. 8. Назм. 9. Кўчим.

Ҳар кимки чучук сўз элға изҳор айлар,
Ҳар нечаки ағёр дурур ёр айлар,
Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,
Юмшоғи кўнгуллари гирифторм айлар.

Алишер НАВОИЙ

Муқованинг биринчи бетида:

Ўзбекистон халқ ҳофиси Ҳ а с а н Р А Ж А Б И Й .

18-бетдаги мақолага қаралсин.

Сураткаш Р. Нуриноев


Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Босмахонага туширилди 20.11.90. Босишга руҳсат этилди 19.12.90. Қоғоз формати 70×108¹/₈. Офсет усулида босилди. Қоғоз тури босма № 1.

Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Шартли рангли намуналар 16,8. Тиражи 57000. Вужуртма 4349. А — 137. Баҳоси 90 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000. Тошкент — II, «Правда» газетаси кўчаси, 41.



От йили ортда қолди, энди Қўй йили.
Сураткашлар Р. Нуриноев, А. Кавелин



Баҳоси 90-тинги.
Индекс 75233

Чотқол тоғларида.

Суратқаш С. Канаки

